

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ
ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

«Ўсимликшунослик» кафедраси

**Агрономия асослари
ва озиқа етиштириш**

(амалий машғулотлар бажариш учун услубий кўрсатмалар)

САМАРҚАНД – 2005

Ушбу услубий кўрсатма факултет (26 май 2005 йил 1-сонли мажлиси) ҳамда институт (29 сентябр 2005 йил) услубий кенгашларида муҳокама қилиниб, чоп этишга тавсия этилган.

Услубий кўрсатма ЎзРОЎМТВ томонидан 2.04.2003 йилда (ВМ-343-5620-308) тасдиқланган дастур асосида тузилган

Мазкур услубий кўрсатма СамКХИ ўсимликшунослик кафедрасининг доцентъ А.Ҳамзаев томонидан ёзилган.

Тақризчилар: СамКХИ профессори И.Ҳамдамов ва СамДУ биология факултети доценти Х.Нормуродов.

1-амалий машѓулот. Ўзбекистон тупроќлари ђаќида умумий маълумотлар

Ишнинг маќсади:

Талабаларни Ўзбекистонда учрайдиган тупроќ типлари, уларнинг хоссалари ва структураси билан таништириш. Тупроќнинг солиштирма ва ђажм оѓирлигини, механик таркибини, физик лой ђамда физик ќум миќдорини аниќлашни ўргатиш.

Керакли жићозлар ва ўќув ќўлланмалар:

Тупроќ намуналари, механик таркибини аниќлаш учун турли ўлчамдаги элаклар, 50-100-250 мл колбалар, CaCl_2 эритмаси, чизѓич, ќоѓоз, ўќув жадваллари, дарслик ва услубий ќўлланмалар (1, 2, 7).

Ишнинг мазмуни:

Тупроќ органик хаётнинг энг мућим бўлаѓи, ќишлоќ хўжалиѓи ишлаб чиќаришининг асосий воситасидир. Тупроќ турли жараёнлар ва табиий омиллар таъсири натижасида ўзгарган ва ўзгариб келаётган унумдорлик хусусиятига эга бўлган ернинг устки ќатламидир.

Тупроќ морфологияси. Тупроќ ташќи белгиларининг мажмуаси унинг морфологияси белгилайди. Тупроќ кесмаси, генетик горизонти, ранги, тузилмаси, механик таркиби, ќовушмаси ва ќўйилмалари тупроќнинг мућим морфологик белгиларидир.

Тупроќнинг генетик горизонти. Тупроѓи текшириладиган жойда чуќур ќазилса, бу чуќурнинг вертикал деворидаги кузга ташланиб турган морфологик белгилар тупроќнинг бир неча ќатламдан тузилган эканлигини кўрсатади. Бир – биридан фарќ ќиладиган бундай ќатламлар генетик горизонтлар дейилади.

Тупроќ ќатламининг тузилиши – тупроќ ќатлами ўзига ђос тузилишга эга бўлиб, у тупроќ ђосил бўлиши жараёнининг кай даражада кечканлигидан дарак беради. Тупроќ ќатлами тўрт генетик горизонтларга бўлинади ва улар одатда лотинча А, В, С, Д каби ђарфлар билан белгиланади:

А – чириндили – аккумулятив горизонт ёки ђайдалма ќатлам;

В – элювиал горизонт, ювилувчи ќатлам;

С – иллювиал горизонт, шимилувчи ќатлам;

Д – тупроќнинг она жинси, тўшалма ќатлам.

Тупроќнинг ранги одатда ундаги кимёвий чиринди ва тупроќ намлигига боѓлиќдир. Тупроќлар рангига ќараб ќора, оч ва тўќ тусли, сур, ќўнѓир, кизил ва ђоказо тупроќларга ажратилади.

Тупроќ тузилмаси деганда унинг механик таъсир остида турли шакл ва алоћида катталиќдаги заррачаларга ажралиш хусусиятига айтилади.

Тупроќ тузилмаси унинг таркибидаги цементлаштирувчи коллоид-гил (лой)-ли ва чиринди жинсларига, тупроќнинг синѓдириш хусусиятига ва

тупроқ эритмасига боғлиқ. Тупроқ тузилмаси намланганда емирилмайдиган чин-соф тузилмага ва намланганда емириладиган сохта тузилмага бўлинади. Бундан ташқари тупроқ заррачалари диаметри 0,25 мм дан катта бўлганда макротузилма ва 0,25 мм дан кичик бўлганда микротузилмаларга ҳам ажратилади.

Тупроқнинг юқорида санаб ўтилган морфологик белгилари монолитлар ёки тупроқ намуналарига қараб ўрганилади (1-расм).



1-расм. Тупроқ разрез (кесмаси). Самарқанд вилояти Ургут тумани оч тусли бўз тупроқлари тузилишини ўрганиш)

Тупроқнинг механик таркиби. Тупроқ жуда кўплаб ҳар хил катталикдаги заррачалардан иборатдир. Шу заррачаларнинг бир – бирига нисбати тупроқнинг механик таркиби дейилади. Тупроқнинг бу кўрсаткичи энг муҳим агрономик хусусиятга эга. Чунки тупроқ заррачаларнинг салмоғига қараб тупроқнинг сув, ҳаво, озиқ ва иссиқлик режимлари белгиланади. Буларни билмасдан тупроққа тўғри ишлов бериш, алмашлаб экишда ҳар бир экинни тўғри жойлаштириш қийин.

Ҳар қайси тупроқнинг механик таркибини аниқлаш учун, унинг қаттиқ қисмида учрайдиган минерал заррачаларнинг классификациясини билиш керак. Тупроқнинг механик таркибини заррачаларнинг катта – кичиклигига қараб Н.А.Качинский қуйидаги 5 гуруҳга ажратган:

- I** гуруҳ 3 мм дан катта – тош;
II гуруҳ 3–1 мм – шағал;
III гуруҳ йирик 1 – 0, 5
 ўрта 0, 5 – 0, 25
 майда 0, 25 – 0, 05 мм } кум
IV гуруҳ йирик 0, 05– 0, 01
 ўрта 0, 01 – 0, 05
 майда 0, 005 – 0, 001 мм } чанг
V гуруҳ 0, 001 мм дан кичик – лойка.

Тупроқ заррачалари бу тупроқ вазни, зичлиги, қовушқоқлиги, ғовақлиги, каби хоссаларини белгилайди. Шунинг учун ҳам тупроқ фракциялари миқдорларининг ўзгаришига қараб тупроқнинг солиштирма оғирлиги, сув ўтказиш хусусияти, капилляр найлар ҳосил қилиш каби хоссалари ҳам ўзгаради.

Дала шароитида тупроқнинг механик таркибини аниқлаш учун ҳар қайси генетик горизонтдан бир чимдимдан тупроқ олиб уни бармоқлар орасида эзиб қуриб, маълум миқдорда намлаб ундан юмалоқ сокка ёки пиликлар ясаш ва халка тайёрлаш мумкин. Бу каби усуллар билан тупроқнинг қумли ёки лойли эканлиги, яъни механик таркиби аниқланади. Лаборатория шароитида эса тупроқнинг механик таркиби элаш, оқар ва тинч сувда бўтаналаш ҳамда центрифуга усуллари ёрдамида аниқланади.

Физик лойни аниқлаш учун тупроқ намунасида 50 мл ли идишга 5 мл олиб, унга 30 мл сув ва айни вақтда яна 50 мл ли колбага CaCl_2 эритмаси қўйилади. Ҳар иккала колбага ҳам 50 мл бўлгунгача сув қўйилиб сўнгра ярим соатча тиндирилади, кейин тупроқ ҳажмига тўғри келган сувни аниқлаш йўли билан лой миқдори аниқланади.

1-жадвал

Тупроқдаги физик лой миқдорини аниқлаш

Тупроқ ҳажми- нинг ортиши, мл	Физик лой миқдори, %	Тупроқ ҳажми- нинг ортиши, мл	Физик лой миқдори, %
4, 00	90, 7	1, 75	39, 6
3, 75	85, 1	1, 50	34, 0
3, 50	79, 4	1, 25	29, 3
3, 25	73, 7	1, 0	22, 7
3, 00	67, 0	0, 75	17, 0
2, 75	63, 0	0, 50	11, 3
2, 50	56, 7	0, 25	5, 7
2, 25	51, 0	0, 25	5, 7
2, 00	45, 4	0, 12	2, 7

Тупроқдаги физик қумни аниқлашда эса 100 мл ҳажмга эга бўлган цилиндр колбага тупроқ намунасида 5 мл ҳажмида солиниб, 100 мл бўлгунга кадар сув қўйилиб таёкча билан яхшилаб

аралаштирилади ва 1,5 дақиқа тинч қўйилади, сўнгра аралашма тенг 2 га бўлинади. Бунда устки қисм чанг ва лойқа, пастки қисми эса қум ҳисобланади. Сўнгра лойқа сув 1,5 дақиқадан кейин тўкилади ва сув тиндирилади. Идишда қолган қум ҳажмининг ҳар бир миллилитрини 10 фоиз деб қабул қилиниб ўлчанади ва қуйидаги жадвалга ёзилади.

2-жадвал

Тупроқдаги физик қум миқдорини аниқлаш

Т/р	Текшириш учун олинган тупроқ ҳажми, мл	Тупроқнинг лойқа тингандан кейинги ҳажми, мл	Тупроқ ҳажмининг ортиши, мл	Физик қум миқдори, %

Тупроқ қовушмаси. Ҳар қайси қатламдаги зарра ва бўлакчалар зичлигининг характери ва даражаси тупроқ қовушмаси дейилади. Тупроқнинг бу морфологик белгиси она жинсининг механик таркибига, тупроқнинг органо – минерал ва механик таркибига, тузилмасига боғлиқ.

Тупроқ қўшилмаси. Тупроқ пайдо бўлиш жараёнига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, сиртдан қўшилиб қолган минерал, тоғ жинси парчаси ва организм қолдиклари сингари моддалар тупроқ қўшилмаси дейилади. Ҳайвонларнинг суяги, ўсимликларнинг қолдиғи – биологик қўшилмалар, тош, шағал сингарилар минерал қўшилмалардир.

Тупроқнинг кимёвий таркиби. Тупроқнинг кимёвий таркиби она жинсга, шунингдек органик модда – чириндига, флорасига ҳамда тупроққа қандай кимёвий моддалар билан ишлов берилишига боғлиқ.

Тупроқдаги барча кимёвий элементларни ўсимликлар ўзлаштира олмайди, яъни керакли миқдордагисинигина бирикмалар ҳолида ўзлаштиради.

Топпирик:

1. Тупроқ типлари, хоссалари билан танишиб, конспект қилиш.
2. Тупроқни механик таркибини аниқлашни ўрганиш.
3. Тупроқнинг физик лой ва физик қум миқдорини аниқлаш ҳамда 2-жадвални тўлдириш.

2-амалий машғулот. Бегона ўтлар, уларнинг гуруҳланиши, зарари ва қарши кураш чора – тадбирлари. Далаларни бегона ўтлар билан ифлосланишини ҳисоблаш усуллари

Ишнинг мақсади:

Талабаларни Ўзбекистонда учрайдиган бегона ўт турлари, уларни қанда келтирадиган зарари билан таништириш. Бегона ўт турларини аниқлаш ва фарқлай билишга ўргатиш. Далаларни бегона ўтлар билан ифлосланиш даражаларини аниқлашда амалий кўникмалар ҳосил қилиш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув қўлланмалар:

Бегона ўт турларидан тайёрланган гербарийлар, бегона ўт уруғлари, рангли расмлар, ўқув жадваллари, дарслик ва услубий қўлланмалар (1, 2, 3, 7, 9)

Ишнинг мазмуни:

Бегона ўтлар – маданий ўсимликлар орасида ёввойи ҳолда ўсиб, уларга салбий таъсир кўрсатадиган ўсимликлардир. Бегона ўтлар деҳқончиликда қуйидагича зарар етказди:


- Тупроқларни камбағаллаштиради;
- Қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришда қийинчилик туғдиради (ер ҳайдаш, қатор ораларини ишлаш, экинни парваришлаш, ва ҳосилни йиғишда сифатни кескин пасайтиради);
- Экинларни соялаб қўяди;
- Ғалла экинлари ётиб қолишига сабаб бўлади;
- Касаллик ва зараркунандаларнинг кўплаб тарқалиши ҳамда кўпайишига сабаб бўлади;
- Маданий экинлар орасида ўсиб ҳайвонларни зарарлайди (қўйтикан, ғумай).

Бегона ўтлар озиқланиш, ҳаётининг давомийлиги, кўпайиши ва бошқа кўпгина биологик хусусиятларига кўра бир – биридан фарқ қилади. Озиқланишига кўра бегона ўтлар икки гуруҳга бўлинади:

А) паразит ёки текинхўр бегона ўтлар;

Б) мустақил яшовчи бегона ўтлар.

Паразит бегона ўтларнинг илдизи ҳам, пояси ҳам бўлмайди, шунинг учун улар бошқа ўсимликларнинг пояси ва илдизига чирмашиб олиб, улар ҳисобига озиқланади, Улар асосан уруғидан кўпаяди. Паразит бегона ўтларнинг барглари яхши ривожланмаган тангача шаклида бўлади, хлорофилл доначалари йўқ бўлганлиги учун ранги яшил бўлмайди. Улар ўсимликнинг қайси органида яшашига қараб поя ва илдиз паразит бегона ўтларга бўлинади.



2-расм. Бегона ўтлар.

а-ёввойи сули, б-кўйпечак, в-ажрик, г-жағ-жағ, д-шумғия

Поя паразит бегона ўтларга печакгулдошлар (*Convolvulaceae*) оиласига мансуб барча зарпечаклар киради.

Илдиз паразит бегона ўтларга барча турдаги шумғиялар кириб, улардан кўпроқ кунгабокар шумғияси ва миср шумғияси тарқалган.

Ингичка пояли зарпечаклар асосан беда ва себаргада паразитлик қилувчи зарпечак бўлиб, бошқа маданий ўсимликларда ҳам учрайди. Умуман олганда, Ўзбекистонда зарпечакларнинг 17 тури учраб маданий экинларга зарар етказади. Шумғиялар ўсимликларнинг илдизига

чирмашиб яшайди ва ўсимликнинг озикланишига, уларнинг ҳосилдорлигига ва сифатига таъсир кўрсатади. Шумғияларнинг пояси оддий, шохланмаган, кўнғир рангда, серэт, пастки қисми йўғонлашган, бўйи 25 см гача бўлади. Ёзнинг иккинчи ярмида гуллайди ва уруғ беради. Уруғдан кўпаяди. Бир туп ўсимлиги 60 – 150 мингтагача уруғ беради. Уруғи шамол ёрдамида тарқалади.

Мустақил яшовчи бегона ўтларнинг яшил органлари бўлиб, маданий ўсимликлар ичида мустақил ҳолда яшайди. Бу бегона ўтлар ҳам яшаш муддатига қараб бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга ажратилади. Бир йиллик мустақил яшовчи бегона ўтларнинг илдизи попул ва ўк илдиз бўлади. Поялари ўтсимон бўлиб, баҳорда, кузда ва ёзда уруғларидан униб чиқиб маданий ўсимликлар каби ўсади, поя, барг, гул, уруғмева ҳосил қилиб, яна кўпаяверади. Буларнинг Ўзбекистонда 150 дан кўпроқ тури учрайди ва маданий ўсимликларга зарар етказади. Масалан: курмак, шамак, ёввойи тарик, олабута, қўйтикан, гултожихўроз, итузум, қуртэна, темиртикан, ёввойи сули, итқўноқ, семизўт, бангидевона ва бошқалар шулар жумласидандир. Кўп йиллик бегона ўтлар бир йиллик бегона ўтлардан фарқ қилади. Улар ҳаёти давомида бир неча маротаба уруғ беради. Бу бегона ўтларнинг кўпгина вакиллари вегетатив ва генератив йўл билан кўпаяди. қишга бориб кўп йиллик бегона ўтларнинг пояси қурийди. Келгуси йили баҳорда тупроқда қолган илдиз ва илдизпоялардан янги поя ўсиб чиқади ва ривожланади. Ер остки қисмининг тузилишига кўра попул, шингул, ўк илдизли, илдизпояли, илдизбачкили ва пиёзли бегона ўтлар гуруҳи фарқланади.

Илдизпоялилар гуруҳига ғумай, ажрик, қирқбўғим, саломалайкум, қамиш қиради.

Илдизбачкилилар гуруҳига қирувчи бегона ўтлар тупроқнинг ҳайдалма қатламида ва ундан ҳам чуқурроқ бир неча қатламда йўғон илдизлар ҳосил қилади. Уларнинг асосий ва ён илдизларида кўплаб бачкилар ҳосил бўлади ва ҳар қайсисидан янги ўсимлик пайдо бўлади. Какра, ачиқмия, оқмия, бўзтикан, қўйпечак, қизилмия, оқбош ва бошқалар шу гуруҳнинг типик вакиллари. Бу бегона ўтлар илдиз бачкисидан ташқари уруғларидан ҳам кўпайяди. Улар барча экинзорларда ва дарё қирғоқларида кўплаб ўсади.

Пиёзбошлилар гуруҳига қирувчи бегона ўтларнинг илдизида пиёзлари бўлиб, улар шу пиёзидан ҳамда уруғидан кўпаяди (ёввойи пиёз).

Судралиб ўсувчи бегона ўтларнинг пояси ер устида ёйилиб ўсади. Поясининг ҳар бир бўғинидан илдиз отади. Булар ҳам илдизпоясидан ва уруғидан кўпаяди (айиқтовон).

Майдонларнинг бегона ўт босганлик даражаси икки боскичда аниқланади. Даставвал мазкур даладаги бегона ўтларнинг тури ва миқдори икки усулда – кўз билан чамалаб ва аниқ ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Бегона ўтлар сонини ҳисобга олиш жуда осон ва қулай. Бунинг учун А.Н.Мальцевнинг тўрт балли шкаласидан фойдаланилади.

I балл – бегона ўтлар якка – якка учрайди (ҳамма бегона ўтлар 5% гача).

II балл – бегона ўтлар умумий ўсаётган ўсимликлар сонининг 5–25% ини ташкил қилади.

III балл – бегона ўтлар умумий ўсимликлар сонининг 25% идан кўпроқ.

IV балл – бегона ўтлар маданий ўсимликлардан кўп.

Бегона ўтларнинг сонини ҳисоблашда 1 м² ли ёғоч рамка олиниб, шу рамка ичидаги маданий ва бегона ўт ўсимликлар сони саналиб бир – бирига қўшилади ва уларнинг ўзаро нисбатидан аниқланади. Бир даладаги бегона ўтларнинг сонини аниқлашда диагоналига бир нечта намуна олиниб қўшилиб ўртача ҳисоб чиқарилади.

Бегона ўтларга қарши кураш чоралари. Бегона ўтлар маданий ўсимликлар билан бирга ўсиб улар ҳосилининг миқдори ва сифатига таъсир қилар экан, уларга қарши кураш олиб бориш жуда зарур вазифадир. Бунинг учун қуйидаги кураш чоралари қўлланилади:

А) агротехник чоралар – деҳқончилик маданияти канча юқори бўлса, ўсимликларнинг ўсув даврида барча агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилса, далалар бегона ўтларда шунча тоза бўлади.

Б) кимёвий чоралар – бегона ўтларни йўқ қилишда кимёвий моддалардан, яъни гербицидлардан фойдаланилади. Гербицидлар уруғларни экишда олдин, экиш билан бирга ва ўсув даврида қўлланилади.

Кенг баргли экинлар экилганда бегона ўтларга соя беради ва уларни сиқиб қўяди, тез ривожланувчи экинлар (жавдар) бегона ўтларга қараганда тез ўсади, шунингдек, уларни сиқиб қўяди, ана шу усул ҳам уларни йўқотишда қўл келади.

1-топширик.

1. Паразит, ярим паразит ва автотроф бегона ўтлар фарқларини ўрганиб, дафтарга қайд этиш ва қуйидаги 3-жадвални тўлдиринг.

2. Бегона ўтлар билан ифлосланиш даражасини аниқлаш усуллари билиш ва қуйидаги масала бўйича далаларни бегона ўт билан ифлосланишини аниқланг;

А) кузги бўғдой экилган даланинг 1 м² да ўртача 420 дона бўғдой ўсимлиги ва 50 дона бегона ўт бўлса, майдонни бегона ўт билан ифлосланиш даражасини топинг.

Б) кузги арпа экилган даланинг 1 м² да ўртача 350 дона арпа ўсимлиги ва 120 дона бегона ўт бўлса, майдонни бегона ўт билан ифлосланиш даражасини топинг.

В) Сули экилган даланинг 1 м² да ўртача 480 дона сули ўсимлиги ва 30 дона бегона ўт бўлса, майдонни бегона ўт билан ифлосланиш даражасини топинг.

3-жадвал

Бегона ўтларнинг турлари ва уларнинг тавсифи

Т/р	Биологик гуруҳи	Оиласи	Номи*			Морфологияси	Экологик хусусияти
			Ўзбекча	Русча	Латинча		

2-топширик.

1. Кенг тарқалган бегона ўтларнинг 25 туридан гербарий тайёрлаш.

Бажариш тартиби. Бегона ўт илдизлари, илдизпоялари билан биргаликда бутунлигича ковлаб олинади. Бегона ўтларни теришда уларни шикасиламасдан, оила, авлод ва турини аниқлайдиган ҳамма белгиларини сақлашга эътибор бериш керак. Далада ўсимлик тўпгуллари, барглари, поя ва новдалари сақланган ҳолда қоғоз варақларининг орасига жойланади. Агар ўсимлик катта бўлса уни бир неча қисмга бўлиш мумкин.

Ҳар бир тайёрланган гербарий учун ёрлик тайёрланади. Ёрликда ўсимликнинг номи, оиласи, авлоди, тури, жойи, даласи, рельефи ва териб олинган кун қайд этилади.

Талабалар амалий машғулот дафтарига ўзлари терган бегона ўтларнинг биологик хусусиятларини, уларга қарши кураш чоратадбирларини ёзиб оладилар.

3-амалий машѓулот. Бишлоќ хўжалигида фойдаланиладиган ўѓитлар ђаќида тушунча

Ишнинг маќсади:

Талабаларни ќишлоќ хўжалигида ќўлланиладиган ўѓит турлари билан таништириш, ўѓитларни таркибидаги таъсир этувчи моддани ђисоблаш, тупроќ таркибидаги озиќ модда заѓирасини баланс усулида ђисоблаш, режалаштирилган ђосилга ќараб ўѓит меъёрини ђисоблашларни ўргатиш.

Беракли жићозлар ва ўќув ќўлланмалар :

Ўѓит турларининг (азотли, фосфорли, калийли, органик, бактериал ўѓитлар) намуналари. Тупроќ агрокимёвий картограммаси. Дарслик, жадваллар ва ўќув ќўлланмалар (1, 2 ,7, 9).

Ишнинг мазмуни:

Агрокимёнинг асосчиларидан М.В.Ломоносов ўсимликларнинг ђаводан озиќланишини, Д.Н.Прянишников, А.М.Болотов, Д.Н.Менделеев, К.А.Тимирязовлар ўсимликларни органик ва минерал ўѓитлар билан озиќлантирилганда ђосилдорлиги ошишини илмий жићатдан асослаб берганлар.

Ўсимликлар илдизидаги тукчалари орќали тупроќдаги озиќа моддаларини ўзлаштиради. Бу жараёнда тупроќ микроорганизмларининг роли катта. Улар минерал бирикмаларни ўсимлик ўзлаштирадиган шаклга айлантиради.

Тупроќдаги бактериялар аммиакни оксидлаб нитратларга айлантиради, атмосферадаги азотни ўзлаштиришда иштирок этади, ќийин эрийдиган ва эрмайдиган фосфор бирикмаларини эрийдиган шаклга айлантиради, органик моддаларнинг чиришида иштирок этади ва ђоказо.

Ўсимликларни озиќа элементлар билан таъминлаш ва уларнинг ђосилдорлигини ошириш учун ќулай мућит яратиш, асосан минерал ва органик ўѓитларни ќўллаш ђисобига амалга оширилади.

Ўѓитлардан фойдаланиш фаќат экинлар ђосилдорлигини ошириб ќолмай, балки тупроќ унумдорлигининг узлуксиз яхшиланиб боришига таъсир кўрсатиши ќерак.

Ўѓит сифатида фойдаланилаётган моддалар ќуйидаги гурућларга бўлинади:

Органик ёки махаллий ўѓитлар, минерал ўѓитлар, бактериал ўѓитлар.

Органик ўѓитларга экинлар ђосилини ќайта ишлаш пайтида ђосил бўлган чиќитлар; майиший чиќиндилар; чорва моллари, паранда

чикиндилари ва бошқалар ўсимлик учун ҳамда тупроқдаги микроорганизмлар учун озиқ манбаи ҳисобланадиган ҳамма органик моддалар киради. Уларнинг таркибида ўсимликларнинг озиқланиши учун зарур бўлган барча моддалар бўлади. Бундан ташқари органик ўғитлар тупроқнинг физикавий хоссаларини яхшилайдиган ўғит ҳисобланади. Ерга гўнг солинганда микробиологик жараёнларнинг жадаллашуви натижасида у чирийди ва тупроқда кўп миқдорда карбонат ангидрид ажралади ҳамда ўсимликлар ўзлаштира оладиган кимёвий бирикмалар ҳосил бўлади. Гўнгнинг ерда чириши узоқ вақт давом этади ва ҳосил бўлган минерал озиқлар ўсимликларни бир меъёردа озиқ моддалар билан таъминлайди. Гўнгдан ташқари органик ўғит сифатида компост, ёғоч кули, парранда ахлати, кўкат ўғитларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Минерал ўғитлар азотли, фосфорли, калийли, комплекс ва микроўғитларга бўлиниб, булар асосан саноат асосида ишлаб чиқарилади. Минерал ўғитлар, таркибида 50% гача ва ундан ортиқ асосий озиқ моддалари бўлади. Уларни ташиш ва қўллаш осон. Минерал ўғитлар таркибидаги озиқ моддаларни ўсимликлар осон ўзлаштиради, ҳосилдорликни 20 – 35% дан 50-60 % гача оширади.

Минерал ўғитлар таркибидаги озиқ моддаларнинг турига қараб қуйидагиларга бўлинади:

А) азотли ўғитлар: аммоний сульфат $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ (таркибида таъсир этувчи моддаси 20 – 21%), аммиакли селитра $\text{NH}_4 \text{NO}_3$ —(таркибида таъсир этувчи моддаси 35, 5%), мочевино $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ – (таркибида таъсир этувчи моддаси 46%).

Б) фосфорли ўғитлар: оддий суперфосфат $\text{Ca} (\text{H}_2\text{PO}_4) \text{H}_2\text{O}$ - (таркибида таъсир этувчи моддаси 14–20%, P_2O_5), қўш суперфосфат $\text{Ca} (\text{H}_2\text{PO}_4) * \text{H}_2\text{O}$ – (таркибида таъсир этувчи моддаси 45 – 50%) , переципитат $\text{Ca HPO} * 2\text{H}_2\text{O}$ – (таркибида таъсир этувчи моддаси 38 40% P_2O_5 .)

С) калийли ўғитлар: калий хлорид KCl – (таркибида таъсир этувчи моддаси 56, 9 – 62% K_2O), калий сульфат K_2SO_4 —(таркибида таъсир этувчи моддаси 45–55% K_2O).

Д) комплекс ўғитлар: аммофос $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$ —(таркибида таъсир этувчи моддаси 11–12% N, 40–60% P_2O_5) диаммофос $(\text{NH}_4)_2 \text{HPO}_4$ – (таркибида таъсир этувчи моддаси 18% N, 50% P_2O_5).

Азотли ўғитлар ўсимликлар ҳаётида муҳим ўрин тутадиган оксил, нуклеин кислоталар сингари органик моддалар таркибига киради ва ўсувчи органлар ҳосил қилишда катнашади. Фосфор ҳам нуклеопротеидлар, нуклеин кислоталар таркибига киради,

ўсимликларнинг генератив органлари ва илдиз системасининг ҳосил бўлишида катта рол уйнайди. Калий эса ўсимликларда моддалар алмашинувида иштирок этади, уларнинг касалликларга чидамлилигини оширади.

Бактериал ўғитлар тупроқнинг озикалик режимига таъсир этувчи фойдали микроорганизмларнинг ривожланишига ёрдам беради. Микроорганизм ва бактериялардан биологик усулда тайёрланган бу ўғитларнинг таъсирчанлиги бактерияларнинг турига ва унинг тўғри қўлланишига ҳамда шароитга боғлиқ. Бактериал ўғитларнинг энг кўп тарқалгани нитрагин, азотобактерин, фосфобактерин, АМБ препарати ва бошқалардир.

Ўғитларни тупроққа солиш мейёри гектарига килограмм ҳисобида ўлчанади. Бунинг учун қуйидаги ҳисоб ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан: ҳар гектар майдонга 100 кг ҳисобида фосфор солишни қуриб чиқайлик. Бунинг учун солинадиган ўғит – оддий суперфосфат таркибида 20% таъсир этувчи фосфор моддаси бор.

100 – 20 кг

X – 100 кг

$$X = \frac{100 * 100}{20} = 500 \text{ кг}$$

Демак, 100 кг ТЭМ ҳолида фосфор солиш учун 500 кг физик тук ҳолида оддий суперфосфат керак бўлади. Бирок, бундай ҳисоблаш гарчан тўғри бўлса ҳам, тупроқ таркибидаги мавжуд озик моддаларни албатта ҳисобга олиш талаб этилади. Бундан ташқари тупроқда экинлар ўзлаштирадиган озикаларнинг миқдорини тупроқ картограммаси асосида ҳисобга олиш ҳамда ҳосил билан бирга чиқиб кетадиган озик моддаларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўғитлар меъёри қуйидаги формула билан ҳисоблаб чиқилади:

$$Д = \frac{100 * В - П * К_n}{К_y}$$

Д – ўғитлаш меъёри; В – экин ҳосили билан бирга чиқиб кетадиган озик миқдори; П – тупроқ таркибидаги ўсимлик ўзлаштирадиган озик миқдори; К_n – тупроқдаги озик моддалардан ўсимликнинг фойдаланиш коэффиценти; К_y – солинган ўғитлардан йил давомида ўсимликнинг фойдаланиш коэффиценти.

Топшириқ:

1. Ўғит турлари билан танишиб, дафтарга қайд этиш.
2. Ўғитлар таркибидаги таъсир этувчи моддани қуйида келтирилган мисоллар ёрдамида ҳисоблаш.

А) Маккажўхори экинида ТЭМ ҳолида 180 кг азотли ўғитни қўллаш учун неча кг аммиакли селитра ($\text{NH}_4 \text{NO}_3$) ни физик тук ҳолида бериш талаб этилади.

Б) 5 тонна калий хлорид (KCl) таркибида неча кг таъсир этувчи модда борлигини аниқланг.

В) 70 тонна мочеина ($\text{CO} (\text{NH}_2)_2$) ўғити таркибида канча соф ҳолдаги азот бор?

3. Ўғитларни қўллаш меъёрини ҳисоблашни ўрганиш.

4. Услубий қўлланмалардан фойдаланиб 4-жадвални тўлдириш

4-жадвал

№	Минерал ўғитлар	Ўғит турлари	Таркибидаги ТЭМ, %	Қўллаш муддатлари
1.	Азотли			
2.	Фосфорли			
3.	Калийли			

4-амалий машғулот. Донли экинларнинг умумий тавсифи

Ишнинг мақсади:

Талабаларни Ўзбекистонда ва дунё деҳқончилигида экиб, ўстириладиган донли экинлар, уларнинг тузилишини ҳамда бири-биридан фарқларини ажратишга ўргатиш. Доннинг сифат кўрсаткичларини, баҳолаш бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилиш. Биринчи ва иккинчи гуруҳ дон экинларини бир – биридан фарқларини мукаммал ўрганиш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув қўлланмалари:

- Донли экинлар уруғлари, майсаларининг намуналари, лупа, чизғич, кичик ўлчовли тарози, рангли расмлар ва жадваллар, дарслик, услубий қўлланмалар (1, 4, 6, 9, 7).

Ишнинг мазмуни:

Ўалла экинлари морфологик, биологик ва хўжалик белгиларига кўра икки; биринчи ва иккинчи гуруҳ ўалла экинларига бўлинади.

Биринчи гуруҳ ўалла экинларига бўғдой, арпа, сули, жавдар кирса; иккинчи гуруҳ ўалла экинларига - маккажўхори, жўхори, шоли ва тарик киради.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ ўалла экинларининг фарқлари куйидаги жадвалда баён этилган.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ ўалла экинларининг фарқлари

Биринчи гуруҳ	Иккинчи гуруҳ
1. Донининг кўрин томонида узунасига кетган эгатча ва доннинг учида попуғи (арпадан бошқасида) бор	1. Донининг кўрин томонида узунасига кетган эгатчаси ва учида попуғи йўқ.
2. Дони бир нечта муртак илдизча чиқариб унади.	2. Дони битта муртак илдизча чиқариб унади.
3. Бошўгинининг пастки гуллари яхши ривожланган.	3. Бошўгинининг юкўриги гуллари яхши ривожланган.
4. Иссиққа талабчанлиги кам	4. Иссиққа талабчанлиги юкўри
5. Намга кўпроқ талабчан	5. Намга камроқ талабчан (шўлидан бошқаси)
6. Узун кун ўсимликлари	6. Қисқа кун ўсимликлари
7. Кузги ва баўорги шакллари бор	7. Факат баўори шакллари мавжуд
8. Дастлабки фазаларида тезроқ ўсиб-ривожланади	8. Дастлабки фазаларида секинроқ ўсиб-ривожланади

Топширик: Талабалар ажратиш тахтчасидаги ғалла экинларини донларида пўстлилиқ, доннинг шакли, эгатча ва попуқларнинг борлиги қараб ғалла экинларининг турларинини аниқлайдилар ва уларнинг белгиларини қуйидаги 5-жадвалга ёзиб оладилар.

5-жадвал

Биринчи гуруҳ ғалла экинлари

Доннинг белгилари	Бугдой	Арпа	Сули	Жавдар
Пўстлилиги				
Шакли				
Попугининг борлиги				
Доннинг юзаси				
Доннинг ранги				

Иккинчи гуруҳ ғалла экинлари

Доннинг белгилари	Маккажўхори	Жўхори	Тариқ	Шоли
Пўстлилиги				
Шакли				
Попугининг борлиги				
Доннинг юзаси				
Доннинг ранги				

5-амалий машғулот. Донли ем-хашак экинлари

Ишнинг мақсади:

Талабаларни Ўзбекистонда ўстириладиган донли ем – хашак экинлари билан таништириш. Уларни ушбу экинларнинг ботаник таърифи, морфологик белгилари ҳамда биологик хусусиятлари билан таништириш. Бу борадаги амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув кўлланмалар:

Донли ем-хашак экинлар (хашаки арпа, бўғдой, маккажўхори, жўхори, жавдар, тарик) ўсимликларининг дон ва ўсимлик намуналари (ёки гербарийлар), жадваллар, дарсликлар, ўқув кўлланмалар (1, 3, 4, 5, 6, 9).

Ишнинг мазмуни:

Дала озикабоп экинларининг асосий қисми кўп йиллик озикабоп ўтлардир. Булар бошоқдошлар ва дуккакдошлар оиласининг вакиллари ҳисобланади 1 йиллик озикабоп дала экинларига арпа, сули, маккажўхори ва бошқалар киради.

Донли ем хашак экинлари гуруҳига кировчи ўсимликларнинг дони, кўкати, похоли ем – хашак сифатида ишлатилади.

Илдиз. Дон экинларининг илдизи попук илдиз бўлиб, муртак ва кўшимча илдизлардан иборат. Муртак илдизлари муртактан ривожланиб сони ҳар хил, арпада 5 – 8 та, сулида 3 та, жавдарда 4, маккажўхори, оқ жўхори ва тарикда биттадан бўлади (3-расм). Майсалар қурингандан кейин ер юзига яқин жойлашган бўғинидан кўшимча илдизлар яхши ривожланади ва ўсимликни озик ва сув билан таъмин қилади. Ноқулай шароитда кўшимча илдизлар ривожланмаслиги мумкин. Дон экинларининг кўшимча илдизлари тупланиш даврида ривожланади.


Поя ва барг. Донли ем – хашак экинларининг пояси пахол поя бўлиб ичи ғовак, паренхима тўқималари билан тўлган. Пояси бўғинлар билан бўғин ораликларига бўлинган. Най ўраш даврининг бошланишида ҳамма бўғинлар ер юзида ўртача 5 см баланликда тупланади. Поянинг ўсиши бошланганда пасдаги биринчи бўғин оралиғи узаяди, сўнгра навбатдаги бўғин оралиғи узаяди ва ҳоказо.

Поя най ўраш даврида тез ўсади. Паст буйли дон экинларида суткалик ўсиш шу даврда ўртача 3–5 см га, маккажўхори билан оқ жўхорида 8–12 см га етади. Бу даврнинг охирида экинлар экилган навга хос баландликка эга бўлади.


Донли экинлар тупланиш даврида поянинг ер ости бўғинидан кўшимча поялар ўсади. Шу туфайли умумий тупланиш (бир туп ўсимликдаги поя сони) ва маҳсулдор тупланиш (бошқа туп ўсимликдаги поя сони) аниқланади. Кўшимча пояларнинг ривожланиши асосий поядан кам фарқ қилса анча ортиқ ҳосил етиштириш мумкин.

Паст буйли дон экинларининг бўйи ўртача 0,5–1,0 м гача, мака-жўхори билан оқ жўхорининг бўйи 1–6 м (ўртача 2–3 м) бўлади.


Дон экинларининг ҳар поя бўғинидан битта барг ўсиб чиқади, бўғин сонига қараб ривожланган барг сонини аниқлаш мумкин. Барг содда бўлиб қуйидаги қисмлардан иборат: барг нови, барг шапалоги, тилча ва қулоқчалари. Барг нови пояга ўралиб ўсади, барг шапалоги поядан ажралиб туради. Барг новининг барг шапалоғига ўтадиган жойида юпка пардача мавжуд, бу – тилча дейилади. Тилчанинг шакли ва катта-кичиклиги ҳар хил. Баргда 2 та қулоқча бўлади (бундан сули истисно). Ўсимликнинг турига қараб қулоқчаларнинг катта – кичиклиги ҳар хил. Ўсув даврида тилча ёгингарчилик сувларини поя ва барг нови орасига ўтказмайди, қулоқчалар эса баргни пояда мустаҳкам жойлашувига ёрдам беради.



3-расм. Донли экинларнинг бирламчи илдизлари. 1 – бугдой, 2 – жавдар, 3 – сули, 4 – арпа, 5 – маккажўхори, 6 – тариқ, 7 – шоли



4-расм. Ғалла экинларнинг тупланиши: 1 – дон, 2 – бирламчи илдизлар, 3 – тупланиш бўғини, 4 – иккиламчи илдизлар, 5 – асосий поя, 6 – ён поялар, 0–0–ер сатҳи



5-расм. Бугдойнинг тузилиши:
1-муртак, 2-муртак илдизчалари,
3-куртакча, 4-тўсиқ, 5-6-мева
пўсти, 7-8-уруғ пўсти, 9-алейрон
кавати, 10-эндосперм, 11-попуги.

Гул ва мева. Дон экинларининг гули икки жинсли тўпгул (маккажўхори истисно). Ҳар битта гули иккита пастки ва юқори гулқобикларидан иборат. Пастки гулқобиги қилтиқ ёки қилтиқсимон уч ҳосил қилиб, гул органларини маҳкам ёпиб туради. Гул эса иккита патсимон лабча ва бир уруғ куртакли тумшукчадан иборат. Гуллар рангсиз, майда.

Тўпгуллар икки хил бўлади:

1. Бошоқ – арпа, жавдар, тритикале.

2. Рўвак – оқ жўхори, сули, тарик.

Дон экинларининг меваси бир уруғли дон бўлиб, мева ва уруғ қобиги, эндосперм ва муртакдан иборат. Дони қобикли ва қобиксиз, тукли ва туксиз, шакли ҳар хил, ранги оқ, қизил, сариқ, қора, усти силлиқ ва ғадир – будир бўлади. Ишлаб чиқаришда дон уруғ сифатида ишлатилади.

Доннинг морфологик белгиларини жадвал тузиб ўрганиш қулай (6 - жадвал).

6 – жадвал

Доннинг морфологик белгилари

Экин номи	Доннинг белгилари					
	Шакли	Ранги	Эгатчаси	Қобиги	Қатталиги	Тукланиши
Арпа						
Сули						
Жавдар						
Тритикале						
Маккажўхори						
Оқ жўхори						
Тарик						

Фенологик кузатувлар. Экинлар ривожланиш даврларининг қачон ва қандай ўтишини аниқлаш учун олиб бориладиган кузатувлар деб аталади.

Ривожланиш даврларининг ўтиши экинлар турига, навига, етиштириш шароитига қараб ҳар хил бўлади (7-жадвал).

7 – жадвал

Дон экинларини фенологик кузатиш

Экин номи	Экин муддати	Доннинг белгилари				
		Униб чиқиш	Тупланиш	Найчалаш	Гуллаш	Етилиш
Арпа						
Сули						
Жавдар						
Тритикале						
Маккажўхори						
Оқ жўхори						
Тарик						

Топшириқ:

1. Озиқабоп донли экинлар, вакиллари билиш ва уларнинг хусусиятлари ҳамда фарқларини ёзиб олиш.
2. Донли ем – хашак ўсимликларини морфологик хусусиятларини (илдиз, поя, барг, гул мева) ўрганиш ва расмини чизиш.
3. Маълумотлардан фойдаланиб 6-7-жадвалларни тўлдириш.

6-амалий машғулот: Бугдой

Ишнинг мақсади: Талабаларга бугдой турлари, уларнинг фарқларини, морфологик, биологик хусусиятларини ўргатиш. Бугдойнинг аҳамияти, биокимёвий таркиби, озукавийлик қимматини, ўстириш технологиясининг элементларини билиш учун уларда амалий кўникмалар ҳосил қилиш

Керакли жиҳозлар ва ўқув қўлланмалари: Бугдой турларининг дони ва бошоқларининг намуналари, рангли расмлари. Жадваллар, дарслик ва услубий қўлланмалар (1, 4, 6, 11).

Ишнинг мазмуни: Бугдой энг кўп тарқалган асосий озиқ-овқат, ем-хашак ва техник аҳамиятга эга бўлган экинлардан бири. У дунё деҳқончилигида аҳамияти ва майдони бўйича биринчи ўринда туради. Бугдой донининг таркибида унинг навига, экиш шароитига қараб 11,0 % дан 18-19 % гача оқсил моддаси бўлади. Унинг донидан ёрма тайёрланади, уни эса макарон ва кондитер саноатида ишлатилади. Бугдойнинг сомони ва похоли ем-хашак сифатида чорва молларига берилади, янчишдан чиққан чиқидилари юқори озуқа ҳисобланади. Техника экини сифатида бугдой донидан спирт, крахмал, клейковина, декстрин, клей ва бошқа ҳар-хил маҳсулотлар олинади.

Бугдой энг қадимий экинлардан бири бўлиб, у Мисрда эрамиздан 6000 йил олдин экилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бугдойни энг кўп экадиган мамлакатлар Россия, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Канада, Аргентина, Франция ва бошқалар.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда суғориладиган майдонларнинг 1- 1, 3 млн. Гектарига экилмоқда. Унинг ҳосилдорлиги ўртача суғориладиган майдонларда 40-45 ц/га. Лалми ерларда эса 10-12 ц/га ни ташкил этади.

У кўнғирбошлилар (Poaceae) оиласининг *Triticum* авлодига мансуб бўлиб, унинг 27 та тури борлиги аниқланган. Шулардан фақатгина 2 таси хўжалик аҳамиятига эга бўлиб, кўп экилади. Улар юмшоқ бугдой (*triticum aestivum*) ва қаттиқ бугдой (*triticum durum*). Ўзбекистонда кўпроқ юмшоқ бугдой экилади. Қаттиқ бугдойдан макарон, кондитер саноатларида ва ем- хашак сифатида ишлатилади. 100 кг бугдой донида 118, шунча миқдор унида 112, кепагида 71, похолида 21, ўт унида 41 озуқа бирлиги мавжуд. Ҳазм бўладиган протеин эса (100 кг ҳисобидан) 12, 1; унида 12, 0; кепагида 10, 8 кг, похолида 0, 8 кг мавжу бўлиб у катта аҳамиятга эгадир.

Похоли майдаланган ҳолда ивителиб, димлатилиб ёки триходермин каби бактериал препаратлар билан қайта ишланиб, тўйинтирилса унинг тўйимлилиги ва едиримлиги анча ошади.

Шунингдек уни хашаки тарвуз, ошқовоқ ва бошқа ширали озуқалар билан бирга силос қилиш ҳам мумкин. Бизнинг шароитимизда бўғдой сомони ҳам чорва моллари учун қимматли озуқа ҳисобланади.

Топшириқ: 1. Бўғдойнинг аҳамияти, фойдаланиш соҳалари, озуқавийлик қийматларини ўқиб, конспект қилиш

2. Озуқа бирликларини ҳисоблаш;

А) 23 тонна бўғдой донида қанча озуқа бирлиги ва қанча ҳазм бўладиган протеин бор?.

Б) 27 тонна бўғдой донида қанча озуқа бирлиги ва қанча ҳазм бўладиган протеин бор?.

3. Ўзбекистонда экиладиган бўғдой навларини таърифини маълумотлардан фойдаланиб ёзинг.

4. Кузги бўғдой етиштириш технологик харитасини тузишни ўрганиш. Майдони 100 га., нави «Крошка», ўтмишдош экин-эртаги карам, марказий зона шароитида. Технологик харита шакли иловада берилган.

5. Маълумотлардан фойдаланиб 8-жадвални тўлдилинг.

8-жадвални

№	Бўғдой тур-хиллари	Бошоқ ва дон белгилари				
		Зичлиги	Шакли	Қилтиқли ёки қилтиқсизлиги	Шакли	Дон ранги

7- амалий машғулот. Арпа

Ишнинг мақсади: Арпанинг кенг тарқалган турларини ўрганиш. Озуқа бирликларини ўрганиш ва ҳисоблаш. Тур хилларини аниқлаш бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилиш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув қуроллари: Арпа турларининг бошоқлари ва донларининг намуналари, рангли расмлари. Мавзуга тегишли жадваллар, Ўзбекистонда экишга тавсия этилган экинларнинг Давлат реестри, технологик хариталар, дарслик ва услубий қўлланмалар (1, 2, 3, 4, 6, 9).

Ишнинг мазмуни:

Арпа Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистонда кўп экилади. У асосан ем-хашак ва ёрма экини сифатида етиштирилади. Донида оқсил миқдори кам, шунинг учун пиво саноати учун яхши хом ашё.

Кузги арпанинг қишга чидамлиги кузги бўғдой ва кузги жавдарникидан паст. Шунинг учун унинг экилиш минтақалари чекланган.

Ўзбекистонда арпа оралик экин сифатида озиқа учун ҳам етиштирилади. Арпани монокорм сифатида етиштириш ем-ҳашак етиштиришни кўпайтиришда катта аҳамиятга эга. Суғориладиган ерларда арпа беда учун қоплама экин сифатида ҳам экилади. Қиши юмшоқ минтақаларда кузги арпа тарқалган. Унинг асосий экин майдонлари Марказий Осиё, Кавказ орти, Украина, Россиянинг ва Қозоғистоннинг жанубида, Европа мамлакатларида жойлашган. Ўзбекистонда кўп йиллар кузги ва баҳори арпа экин майдонлари деярли тенг бўлган, ҳозирда суғориладиган ерларда асосан кузги арпа кенг тарқалган, баҳори арпа кўпинча қоплама экин сифатида беда билан экилади.

Кузги арпа баҳори арпага нисбатан икки баробар серёсил, аммо қишга чидамлиги пастлиги баҳори арпа ўрнига ҳам кузги арпа экиш имкониятини чеклайди.

Кузги арпа кузги бўғдой, жавдар, тритикалега нисбатан эрта етилади. Ўзбекистон шароитида жазирама иссиқлар, гармсел бошлангунча етилади. Шунинг учун тупроқ ва ҳаво қурғокчилигидан кам зарарланади. кузги, қишки, баҳордаги намликлардан яхши фойдаланади.

Дони йирик, таркибида оқсил миқдори кам бўлганлиги туфайли кузги арпа энг яхши пивобоп дон беради. Похоли, сомонининг озиқавий қиммати юқори, 100 кг сомонида 33 озиқа бирлиги сақланади.

Биологик хусусиятлари. Арпа уруғлари 1-2 °С ҳароратда уна бошлайди. Уруғларни униб чиқиши учун оптимал ҳарорат 15-20 °С. Тупланиш фазасида 12-14 °С совуққа бардош беради. Қор қоплами

бўлмаганда, ўсимликлар туплана олишга улгурмаганда $-7-8^{\circ}\text{C}$ совуқ ҳам кузги арпа учун хавфли. Ўзбекистонда биологик кузги, баҳори ҳамда икки фаслли (дуварак) навлар кузда экилади. Аммо энг кишга чидамлиси биологик кузги навлар, кейин дуварак навлар ҳисобланади. Баҳори арпа навларининг кишга чидамлиги паст. Суғориладиган ерларда киш тушгунча яхши тупланиб илдиз отган ўсимликлар Ўзбекистон шароитида яхши кишлаб чиқади.

Намликка талаби. Арпа кузги бўғдойга нисбатан кўрғокчиликка, иссиқликка чидамли. Шунинг учун баҳорикорликда кузги арпа кузги бўғдойга нисбатан кўпинча юқори ҳосил беради. Намга энг талабчан даври найчалошдан бошоқлашгача. Суғоришга талабчан, ўсув даврида тупроқда чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) 70 % кам бўлмаганда юқори ҳосил беради.

Ёруғликка талаби. Арпа узун кун ўсимлиги. Киска ёруғлик кунида унинг бошоқ тортиши кечикиб, кеч етилади. Яровизация даври $0-2^{\circ}\text{C}$, 40-45 кун. Тезпишар, кузги бўғдойга нисбатан Ўзбекистон шароитида 10-15 кун эрта етилади. Ўзбекистон шароитида кузги арпа май ойининг биринчи ярмидан (Сурхандарёда) бошлаб июн ойининг биринчи ун кунлигига қадар пишиб етилади. Бу хусусияти суғориладиган ерларда икки ҳосил етиштиришга имкон беради.

Тупроққа талаби. Арпа кузги бўғдойга нисбатан шўрга, шўрхокка анча чидамли. Уни сизот сувлар яқин жойлашган тупроқларда ҳам етиштириш мумкин. Унумдор, ғовак, структурали тупроқларда юқори ҳосил беради. Механик таркиби оғир, лой, ботқоқлашган, жуда шўрланган ерлар кузги арпа учун яроқсиз. Тупроқ муҳити рН 6-7 бўлиши арпа учун мақбул.

Озиқа моддаларга талаби. Суғориладиган ерларда етиштирилганда кузги арпа озиқа моддаларга айниқса азотга талабчан.

Навлари. Афросиёб. Самарқанд кишлоқ хўжалик институтида яратилган. 1990 йилдан Сурхандарё вилояти суғориладиган ерларида туманлаштирилган. Паллидиум. Бошоғи тўрт киррали. 1000 дон массаси 32, 8 г. Ўрта тезпишар, ўсув даври 192 кун. Узун ДНУ ўртача ҳосилдорлиги 57, 2 ц/га бўлган.

Темур. Сам КХИда яратилган. Паллидиум, тур хилига мансуб. Дуварак. Эртапишар. 1000 дон вазни 42-45 г. Бўйи 100-110 см. Донида оқсил 13-14 %. Ҳосилдорлиги 80-90 ц/га. 1991 йилдан суғориладиган ерлар учун Давлат реестрига киритилган.

Мароканд. Тур хили нутанс, кузги нав. Бошоғи икки қаторли. 1000 дон массаси 40-45 г. Тезпишар, совуққа, касалликларга бардошли. Ҳосилдорлиги 60-70 ц/га.

Арпанинг Айкор, Болғали, Каршинский, Кизилкўрғон, Мавлоно, Лалмикор, Нутанс 7999, Савруғ, Хонақох навлари Давлат реестрига киритилган.

Арпа учун энг яхши ўтмишдошлар - ғўза, дуккакли дон экинлари, беда, сабзаёт экинлари. Лалмикорликда кузги арпа тоза шудгорга экилганда энг юқори ҳосил олинади.

Ўғитлашда бир гектар майдонга суғориладиган ерларда $N_{120-150}$, P_{80-100} , K_{40-60} кг маъданли ўғит солиш тавсия этилади. Экиш билан гектарига 10 кг фосфорли ўғит бериш яхши натижа беради. Лалмикорликда кузги арпанинг бир гектарига N_{30} , P_{40} , K_{30} кг солиш дон ҳосилини 30-40% га оширади.

Суғориладиган ерларда кузда кузги арпа экиладиган майдонлар чимқирқарли плуглар билан 25-27 см, лалмикорликда 20-22 см чуқурликда ҳайдалади ва бир йўла бороналаш ўтказилади. Ҳайдаш чуқурлиги ўтмишдош экин ва ўтмишдош экинни экишдан олдинги ҳайдаш чуқурлиги ҳисобга олиниб ўтказилади.

Уруғлар 1 ва 2 синф талабларига жавоб бериши ҳамда фунгицидлар билан ишланиши талаб қилинади.

Суғориладиган ерларда кузги арпа Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилоятларида октябрнинг иккинчи ўн кунлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятларида октябрнинг биринчи ўн кунлигида, жанубий вилоятларда октябрнинг охириги ўн кунлигида экилади. кузги арпани мақбул экиш муддатидан эрта ёки кеч экиш ўсимликларни қишда совуқ ўришига, сийраклашишига, ҳосилни пасайишига олиб келади.

Лалмикорликда октябр ойининг охириги ўн кунлигида экиш энг мақбул муддат ҳисобланади.

Экиш усули – тор қаторлаб (7-8см), қаторлаб, қаторларни кесиштириб экиш. Очиқ майдонларда қаторларни кесиштириб экиш усули экиш яхши натижа беради. Экиш чуқурлиги 4-6 см.

Экиш меъёри 4-4, 5 млн. Уруғ/га. Экиш энг мақбул муддатдан кечикса экиш меъёри 10-15% оширилади. Лалмикорликда кузги арпа гектарига 2-2, 5 млн. Унувчан уруғ экилади.

Кузги арпа эрта баҳорда икки марта азотли ўғитлар билан озиклантирилади. Биринчиси эрта баҳорда 60-70 кг/га, иккинчиси найчалош фазасининг бошланишида 50-60 кг/га. Азотли ўғитлар билан озиклантириш ёғингарчиликлар ёки суғориш билан уйғунлаштирилади. Бегона ўтларга қарши Гранстар март ойида гектарига 15-20 г меъёردа қўлланилади.

Ҳосил донлар тўла пишганда йиғиштириб олинади.

Топширик:

1. Арпанинг тур хилларини фарқлай билиш.
 2. Иш мазмунинг қискача баёни ва арпа тур хилларини расмини чизиш.
 3. Маълумотлардан фойдаланиб 9-жадвални тўлдириш.
 4. Кузги арпа етиштиришнинг технологик харитасини тузиш.
- Майдони-100 га, нави «Темур», ўтмишдош экин-эртаги картошка. Технологик харита шакли иловада берилган.

9- жадвал**Арпа тур хилларининг фарқлари**

Кенжа тур	Тур хили	Бошқоқ белгилари				
		Зичлиги	Қилтиқли ёки қилтиқсиз	Қилтиғининг аррасимонлиги	Ранги	Донининг қобиқлилиги

8- амалий машғулот

Ишнинг мақсади: Талабаларни жавдарнинг аҳамияти, ботаник таърифи, биологик хусусиятлари, Ўзбекистонда экиладиган навлари билан таништириш. Жавдарининг морфологик белгиларини, бошқа бошоқли дон экинларидан фарқларини билиш. Озуқа бирликларини ўрганиш. Жавдар етиштириш технологиясининг энг муҳим элементларини талабаларга ўргатиш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув қўлланмалари: Жавдар гербарийси ёки сноплари, бошоқлари ва донларидан намуналар. Ўзбекистонда экиладиган экинларнинг Давлат реестри, мавзуга тегишли жадваллар ва рангли расмлар, дарслик ва услубий кўрсатмалар (1, 2, 4, 6, 7, 9).

Ишнинг мазмуни: Жавдар (*Secale cereale*) донли экинлар орасида энг совуққа чидамли экин ҳисобланади. Жавдар унидан тайёрланган нон ўзининг тўйимлилиги билан ажралиб туради. Шунингдек у асосий ем-хашак экини ҳам ҳисобланади. Унинг тўйимли дони, сомони, кўк массаси чорвачиликда янги озиқа, сенаж тайёрлашда, омукта емлар ва дағал озуқа сифатида ишлатилади. Бундан ташқари жавдар похolidан (сомонидан) саноатда турли хил буюмлар ва маҳсулот (қоғоз, сирка (уксус), целлюлоза, лигнин каби) лар олинади.

Жавдар жаҳон бўйича ўртача 15-15, 5 млн. Га атрофида экилади. Энг кўп экиладиган мамлакатлар сирасига Германия, Франция, Польша, Россия, АКШ, Белоруссия киради. Бу экиннинг ҳосилдорлиги кўпчилик давлатларда юқори бўлса-да, кузги бўғдойдан кейинги ўринда туради.

Ўзбекистонда жавдар асосан оралик экин сифатида кузда экилиб, кўк масса олинади.

Маданий жавдар бир йиллик ўсимлик бўлиб, унинг экиладиган навлари асосан кузги, бироқ жавдар ҳам мавжуд.

Майсаси яшил-жигарранг, бинафша рангда. Пояси тик ўсади, ичи ковак, баландлиги 110-200 см. Бир тупида 3-8 та бошоқли поя ривожланиши мумкин.

Ботаник ва биологик тавсифи. Жавдар (*Secale cereale*) унинг кўп йиллик ва бир йиллик, ёввойи ҳамда маданий турлари мавжуд.

Илдиз тизими - попук, муртак ҳамда буғин илдизларидан иборат. Муртак илдизлари сони кўпинча 3-4 та. Униб чиқишдан тупланишгача муртак илдизлар ўртача суткасига 2, 5 см, бошоқлашдан гуллашгача 1 см ўсади. Битта ўсимликда илдизларнинг умумий узунлиги 600 см етади ҳамда 2-3 м чуқурликда кириб боради. Илдизларнинг 90 % тупроқнинг ҳайдалма қатламида жойлашган.

Пояси – похолпоя, 5-7 буғиндан иборат. Ўсимликнинг бўйи 80-180 см.

Барглари - оддий, эни 3-20 мм, узунлиги 60-300 мм.

Тўнгули – бошоқ, узунлиги 7-14 см, айримларида 23 см етади.

Ҳароратга талаби - етарли кислород, иссиқлик ва намлик бўлса кузги жавдар уруғлари уна бошлайди. Уруғлари 1-2 °С уна бошлайди, аммо униб чиқиши учун энг мақбул ҳарорат 20-25 °С. Ҳарорат 30 °С ошганда униб чиқиш тўхтайди. Уруғлари униб чиқиши учун ўзининг қуруқ массасига нисбатан 50-70 % сув ютади. Униб чиқиши учун самарали ҳарорат йиғиндиси 50 °С. Ҳарорат етарли бўлганда уруғлар экилгандан кейин 5-8 кунда униб чиқади.

Кузги жавдар униб чиқишдан тупланишгача 67 °С самарали ҳарорат йиғиндисини талаб қилади. Ҳарорат 10-12 °С тупланиш жадал давом этади, 4-5 °С тўхтайди.

Кузги ғалла экинлари орасида кузги жавдар қишга энг чидамлиги билан ажралиб туради ва -25-30 °С совуққа бардош беради. Тупланиш тугунида ҳарорат -18-20 °С совуқ бўлганда ҳам ўсимлик ҳаётчанлигини сақлайди. Бошоқлаш ва гуллаш фазаларини ўтиши учун 14-16 °С энг қулай.

Кузги жавдар уруғларини униб чиқишдан донни етилишигача 1800 °С, эрта баҳордан пишиб етилишигача 1200-1500 °С ҳарорат талаб этилади.

Намликка талаби. кузги жавдар транспирация коэффециенти 340 дан 420. Намга энг талабчан даври найчалаш бошоқлаш. Бу даврда намликнинг етишмаслиги ҳосилдорликни пасайишига, бошоқларнинг ва донининг майда бўлишига олиб келади. Нисбатан қурғоқчиликка чидамли.

Тупроққа талаби. Бошқа ғалла экинларига нисбатан кузги жавдар тупроққа унчалик талабчан эмас. Уни механик таркиби енгил қумлоқ, қумоқ, қумли тупроқларда, шунингдек тупроқ муҳити кислотали (рН-5, 3) бўлган далаларда ўстириш мумкин. Ўзбекистонда бўз, ўтлоқ-бўз тупроқларда яхши ўсади. Унинг илдизлари эриши қийин фосфор бирикмаларини ҳам яхши ўзлаштиради. Оғир лой, ботқоқлашган, шўр тупроқлар кузги жавдар учун яроқсиз.

Ривожланиш фазалари. кузги жавдарнинг тупланиши кузда учинчи ва тўртинчи баргларнинг ҳосил бўлиши билан бошланади. Тупланиш тугуни нисбатан юза 0, 5-2 см чуқурликда жойлашади. Тупроқ остидаги бўғин (мезокотил) қанча қисқа бўлса тупланиш тугуни шунча чуқур жойлашади. Жуда совуққа чидамли навларда мезокотил қисқа бўлади.

Кузги жавдар асосан кузда тупланади, айрим ҳолларда (кеч экилганда) баҳорда ҳам тупланишини давом эттириши мумкин. Баҳорда жуда тез ўсади ва бегона ўтларни соялайди. Тупланиш ва найчалаш кузги бўғдойга нисбатан тез ўтади, аммо бошоқлаш ва гуллаш чўзилади.

Тупланиш кузги жавдарда 35-40 кун давом этади. Бу даврда кузги жавдар яровизация стадиясини ўтади ва у 0-2 °С да 20-70 кун давом этади. Ҳаво ҳарорати 10 °С бўлса яровизация стадиясининг давомийлиги ошади.

Кузги жавдарда бошоқлаш бошқа ғалла экинларига нисбатан давомли 10-12 кун. Гуллаш бошоқлашдан 7-12, кундан кейин бошланади. Битта гул 12-30 минут, бошоқ 4-5 кун, ўсимлик 7-8 кун, дала 8-12 кунда гуллаб

бўлади кузги жавдар четдан чангаладиган ўсимлик. Гуллар очилганда шамол ёрдамида чангланади. Ўсимликлар ётиб қолганда, ёмғирли, кучли шамол ва ноқулай об-ҳавода кузги жавдар гуллари яхши чангланмайди, бошоқларда донлар сийрак ҳосил бўлиши мумкин. Бошоқлаш олдидан ўсимлик жуда тез, суткасига 5 см ўсади.

Суғориладиган ерларда маъданли ўғитларни юқори меъёрларда қўлаш, суғориш, экиш меъёрларини юқори бўлиши, эрта экиш ўсимликни ётиб қолишига сабаб бўлади.

Кузги жавдар кузги бўғдойга нисбатан 8-10 кун эрта етилади. Бошоқлашдан пишишгача 50-60 кун ўтади.

Ўсув даври навга, қўлланилган агротехникага боғлиқ ҳолда 179-240 кунни ташкил этади.

Навлари. Ўзбекистонда жавдарнинг Вахшская-116 нави Давлат реестрига киритилган. Суғориладиган ерларда оралик экин сифатида экилади.

Тур хили вулгаре, тупланиши 24 етади, бўйи 76, 3-116, 3 см ётиб қолишга чидамли. Бошоғи оқ, призмасимон, узунлиги 14-20 см, 10 см бошоқда 16 бошоқча жойлашган. 1000 дон дон массаси 18-20 г. Нав синашда 67, 9-27, 3 ц/га дон ҳосили олинган. Тезпишар. Ўсув даври дон учун экилганда 179 кун, яшил масса учун ўстирилганда 163 кунни ташкил қилган. Қўнғир занг ва ун шудринг билан ўртача зарарланади.

Кузги жавдарнинг Вятка- 2, Белта, Вятка, Саратовская 4 навлари кенг тарқалган.

Ўзбекистонда жавдар кўпроқ оралик экин сифатида экилади. Эрта баҳордаги биринчи кўкати чорвачиликда озуқа сифатида ишлатилади. 100 кг кўк массаси 18, 7 озуқа бирлигига тенг.

Топширик:

1. Маълумотлардан фойдаланиб жавдарнинг ботаник таърифи, биологик хусусиятлари ва навларининг тавсифини ёзиш.
2. Жавдарнинг озуқа бирликларини ҳисоблаш.
3. Қуйидаги 10-жадвални тўлдириш.

10-жадвал

Ўзбекистонда экиладиган жавдар навларининг тавсифи

№	Нав номи	Яратилган жойи	Ўсимлик бўйи, см	Ўсув даври, кун	Ҳосилдорлиги, ц/га		Экишга тавсия этилган жойи
					Дон ҳосили	Кўк масса ҳосили	

9-амалий машғулот. Сули

Ишнинг мақсади: Талабаларга сулининг аҳамияти, озуқавийлиги, экилиш минтақалари, ўстириш шароитлари, ботаник таърифи ва биологик хусусиятларини ўргатиш. Сули тур хилларини аниқлаш, ҳамда Ўзбекистонда етиштириш бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилиш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув қўлланмалари: Сули гербарийси ёки сноплари, бошоқлари ва донларидан намуналар. Ўзбекистонда экиладиган экинларнинг Давлат реестри, мавзуга тегишли жадваллар ва рангли расмлар, дарслик ва услубий кўрсатмалар (1, 2, 3, 4, 5, 7, 9) .

Ишнинг мазмуни: Сулининг дони ва сомони ёки кўк массаси чорва моллари учун тўйимли озуқа сифатида кўп ишлатилади. Шунингдек, донидан ёрма ва кофе каби озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам тайёрланади. Бу маҳсулотлар ўзининг таркибида яхши ҳазм бўладиган оксил, ёғ крахмал ва витаминларга бой бўлиб, ёш болаларнинг шифобахш овқати сифатида катта аҳамият касб этади. Сулининг сомони ва похоти бошқа донли экинларникига қараганда чорвачиликда яхши озқлиги билан қимматлидир. Сулини вика билан аралаш ҳолда экилганда жуда ҳам самаралидир. Сулини турли хил муддатларда экиб, мўл ҳосил олиш (айниқса, чорвачиликда озуқа сифатида) мумкин. Бу эса Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида чорва молларини тўйимли кўк озуқа билан таъминлашга имкон беради.

Сули экинининг тарихи. Сули қадимий экинлардан ҳисобланиб, ёввойи ҳолда қадим-қадимдан бўғдой ва арпа экинлари ичида аралашма ҳолида учраб келган. Ташқи шароитга чидамлигиг сабабли маданий хилларини аҳоли эка бошлаган. Европада сули экини эрамиздан 150-1700 йиллар илгари маълумлиги ҳақида тарихий маълумотлар бор. Ҳозирги ҳамдўстлик давлатларида УП асрдан бошлаб экила бошлаганлиги маълум.

Сули экиладиган районлар ва ҳосилдорлиги. Жаҳон деҳқончилигида сули экилиши майдони 17,2 млн гектарни ташкил этиб, бу экин Ғарбий Европа, АҚШ ва Канада давлатларида кўплаб экилади. Дунё бўйича сулининг ўртача дон ҳосилдорлиги 19,2 ц/га атрофида.

Ўзбекистонда сули дон ва кўкат масса учун экилиб, майдони жиҳатидан арпадан кейинги ўринни эгаллайди. Республикамиз сувли ерларида сулидан мўл ҳосил олиш мумкин. Буни илмий ташкилотлар, Давлат нав синаш участкалари ва илғор ғаллакор ва чорвадорларнинг иш тажрибалари кўрсатмоқда. Масалан, Давлат нав синаш участкаларида сулининг баъзи навларидан олинган дон ҳосили ўртача

70 ц/га бўлиб, гектар ҳисобига тўғри келадиган протиен миқдори арпага қараганда, сулидан 500-540 ц/гача кўк масса олиш мумкин.

Сули *Avena* Z. Авлодига мансуб бўлиб, рўваги сочиқ ёки зич ҳолда бўлади.

Сулининг жуда кўп турлари (70 га яқин) бўлиб, уларнинг ичида бир йиллик ва кўп йиллик, маданий ҳамда ёввойи хиллари мавжуд. Сулининг турлари ичида 11 таси амалий аҳамият касб этади. Бизда экиб келинадиган сули икки турга мансуб: *Avena sativa* Z. (экма сули) ва *Avena byzantini* C. Koch (византина сулиси).

Сули - мўътадил иқлимга талабчан ўсимлик, унинг уруғи 2-3⁰ да уна бошлайди, кўкариб чиқиш ва туплаш даврлардаги 15-18⁰ энг қулай ҳарорат ҳисобланади. Ёш ниҳоли – 8 –9⁰ совуққа чидамли. Сули гуллаш вақтида 2⁰ совуқдан кучли зарарланади. Дон ҳосил қилиш даврида – 4-5⁰ совуққа бардошли. Сулининг илдиз системаси тез ривожланиши натижасида баҳорги қурғоқчиликдан баҳори бўғдой ва арпага қараганда кам зарар кўради. Иссиқ ҳарорат ва ёзги қурғоқчиликка баҳори бўғдой арпага қараганда сули чидамсиз.

Ўзбекистонда сули сувли ерларда дон ва кўкат учун экилади. «Византина 11» нави эса лалмикор ерларда экиб келинади. Ҳозирги вақтда сулининг 5 нави Ўзбекистонда экишга районлаштирилган: «Тошкент - 1» ярим кузги бўлиб, суғориладиган ерларда оралиқ экин




6-расм. Экма сули рўваклари.
а-ёпиқ, б-бироз сиқик, в-зич рўвак

сифатида кузда экиб келинади; «Тезпазак» - ярми кузги бўлиб, Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятлари сувли ерларида оралиқ экин сифатида кузда экилади; «Ўзбекский широколистный» - Ўзбекистоннинг сувли ерларида баҳорда ва кузда экилиб келинади; «Дўстлик 85» ярим кузги бўлиб, Самарқанд вилоятининг сувли ерларида оралиқ экин сифатида кузда экилади; «Успех»- бу нав Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг суғориладиган ерларида ба-

ҳорда экилади.

Сули экиш учун ерни ишлаш, экиш муддати, миқдори ва усули ҳамда экиш чуқурлиги, шунингдек парвариш ва ҳосилни ўриб, янчиб олиш арпаникига ўхшаш. Яшил масса учун экилганда эса дони сут пишиш даврида ўрилганда мўл ва сифатли озуқа олиш мумкин. Сулини баҳорда эрта муддатда экиш (феврал охири – мартнинг бошларида) Ўзбекистоннинг сувли ерлари шароитида мўл ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, кузги муддатда экилганга қараганда (дон ва яшил масса ҳосилдорлиги паст) ҳосили кам бўлади, шунингдек, кузда экилган сулига нисбатан кеч пишишига, ерни такрорий экинларни экиш учун кеч бўшашига олиб келади. Бу ўз навбатида такрорий экинлардан кам ҳосил олишга сабаб бўлади.



7-расм. Сули бошоқчаси.

а-эзма сули, б-византия сулиси

Топшириқ:

1. Сулининг ботаник таърифи, биологик хусусиятларини ўрганиш ва конспект қилиш.
2. Сули тур хилларини фарқларини ўрганиш ва дафтарга қайд этиш.
3. Ўзбекистонда экиладиган сули навларини таърифини ёзиш ва қуйидаги 11 – жадвални тўлдириш.

11-жадвал

Ўзбекистонда экиладиган сули навларининг таърифи

№	Навлар	Яратилган жойи	Бўйи, см	1000 дон дон вазни, гр	Ўсув даври	Ҳосилдорлиги, ц/га	
						Дон ҳосили	Қўқ масса ҳосили

10- амалий машғулот. Тритикале

Ишнинг мақсади: Талабаларни тритикаленинг аҳамияти, ботаник таърифи, биологик хусусиятлари, Ўзбекистонда экиладиган навлари билан таништириш. Тритикаленинг морфологик белгиларини, бошқа бошоқли дон экинларидан фарқларини билиш. Озуқа бирликларини ўрганиш. Тритикале етиштириш технологиясининг энг муҳим элементларини талабаларга ўргатиш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув қўлланмалари: Тритикале гербарийси ёки сноплари, бошоқлари ва донларидан намуналар. Ўзбекистонда экиладиган экинларнинг Давлат реестри, мавзуга тегишли жадваллар ва рангли расмлар, дарслик ва услубий кўрсатмалар (1, 2, 5).

Ишнинг мазмуни:

Тритикале Ўзбекистонда кенг тарқалган янги озиқ-овқат ва ем-хашак экини. У серёосил, касалликларга, ётиб қолишга ва бошқа ноқулай шароитларга чидамли ўсимлик.

Дони оқсил ва лизин, триптофан сингари алмаштирилмайдиган аминокислоталарга бой. Бугдой ва жавдарга нисбатан донида оқсил 1-4 % кўп. Клейковинанинг миқдори бугдойникига тенг ёки 3-4 % кўп, аммо сифати паст. Шунинг учун тритикале донининг нон ёпиш ҳамда тегирмонбоплик сифатлари бугдойникидан паст. Бугдой унига тритикале уни 20-30 % қушилиб нон ёпилса, нон сифати яхшиланади.

Тритикале дони кондитер саноатида, пиво пиширишда, омихта ем тайёрлашда фойдаланилади. Ўзбекистонда тритикале оралиқ экин сифатида, яшил массаси учун ҳам ўстирилади. Эрта баҳорда етиштирилган яшил массаси бевосита озиқа сифатида ҳамда , эртаги силос, ўт уни, брикет, гранула тайёрлашда ишлатилади. Унинг силоси ва яшил массаси таркибида ҳазмланадиган оқсил бугдой ва жавдарникига нисбатан 1 % кўп, яхши ҳазмланади, хушхўр.

Ўзбекистонда тритикале асосан кузда суғориладиган ва лалмикор ерларда етиштирилади. Суғориладиган ерларда, Сурхандарё вилояти шароитида гектаридан 350-600 ц яшил масса ҳосили олинган. Дон ҳосили сувликда 50-60 ц/га етади. Лалмикорликда дони учун етиштирилади.

Дунёда 2004 йилда 3, 04 млн. га экинлар, яъни ҳосили 13, 7 млн. Тонна, ҳосилдорлик 11, 1 ц/га ташкил этган.

Тарихи. Тритикале янги ва ёш ўсимлик. У бугдой ва жавдар авлодларини чатиштириш натижасида олинган янги ўсимлик авлоди. Тритикале ўсимлигида бугдой донининг сифати ва жавдар ўсимлигининг ноқулай шароитга чидамлилиқ хусусиятлари мужассамлашган. Triticale

номи *Triticum* (бугдой) ва *Secale* (жавдар) сўзларининг биринчи қисмларини кўшилишидан ҳосил бўлган. Тритикале бугдой-жавдар дурагайи амфидиплоидларга мансуб. Дастлаб бугдой-жавдар дурагайи Германияда яратилган.

Россияда Г.М.Мейстер, В.Н.Лебедев, В.Е.Писаров, А.И.Державинлар (1939) тритикалени ҳосил бўлишини ўрганишган ва дурагайлари яратишган. Ҳозирда тритикалени янги серҳосил, касалликларга, ётиб қолишга чидамли навларини яратиш ва уларни етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича дунёнинг турли мамлакатларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Биологик хусусиятлари. Ҳароратга талаби. Тритикале уруғлари 3-5 °C уна бошлайди. Ҳароратнинг кўтарилиши билан экиш униб чиқиш даври тезлашади. Униб чиқиши учун ўртача оптимал ҳаво ҳарорати 20-22 °C. Уруғлар экилгандан кейин 6-8 кунда униб чиқади. Ҳарорат 35 °C ошса уруғлар униб чиқиши тўхтади. кузги тритикале 18-20 °C совуққа бардош беради. Совуққа чидамлиги кузги бугдойникидан юқори, Ўзбекистон шароитида баҳори шакллари ҳам яхши кишлаб чиқади.

Ўзбекистонда тритикале асосан кузда тупланади ва бир туп ўсимликда 2-6 та поялар ҳосил қилади. Туп қалинлиги кам бўлганда тупланиш кучаяди.

Тритикале асосан ўзидан чангланади, аммо ҳаво иссиқ, қуруқ бўлганда четдан чанглаши ҳам кузатилади. Ўзбекистонда навлар, экиш муддатлари, қўлланилган агротехникага боғлиқ ҳолда ўсиш даври 220-250 кунни ташкил қилади. кузги тритикале, кузги бугдойга нисбатан 5-10 кун кеч етилади.

Намликка талаби. Намликка талабчан. Етарли иссиқлик, ҳаво бўлганда уруғлари ўз оғирлигига нисбатан 55-60 % намликни ютиб уна бошлайди. Ўсимликнинг намликка энг талабчан даври найчалашдан доннинг тўлишигача. Ўсув даврида тупроқда намлик тупроқ чекланган дала нам сийимининг 70-75 % кам бўлмаслиги керак.

Тупроққа талаби. Ўзбекистон шароитида тритикале бўз, ўтлоқ-бўз тупроқларда ўсади. Механик таркиби енгил, қумоқ қумлоқ тупроқлар ҳам тритикале етиштириш учун қулай. Фақат ботқоқлашган оғир ҳамда шўр тупроқлар тритикале учун яроқсиз. Тупроқ муҳити рН 6-7 бўлиши маъқул.

Навлари. Праг серебристый-Бўйи 170-185 см, тупланиши 2, 5-5. Барглари умумий массанинг 42 % ташкил қилади. Барг узунлиги 25-40 см, эни 2-3 см. Бошоғи оқ. 9-11 см, зичлиги 10 см да 35-37 бошоқча жойлашган. Қилтиқлари оқ, кучсиз тарвақайлаган. 1000 доннинг массаси 40-44, 8 г. Самарқанд нав синаш станцияси ва Фарғона нав синаш участкасида синов йиллари 301-454, 7 ц/га яшил масса ҳосили олинган.

Дон ҳосили Самарканд ДНСС ўртача 60, 5 ц/га ни ташкил қилган. Ўсув даври яшил масса учун 177, дон учун 212 кун.

Баходир – Тожикистон деҳқончилик итида аратилган. Икки ҳосили. Республикамизнинг суғориладиган ерларида туманлаштирилган. Бошоғи призмасимон, 8-8, 5 см. Дони тухумсимон, тўқ қизил, 1000 та дон вазни 50, 8 г. Сурхандарё узун ДНУ ўртача 66, 2 ц/га дон ҳосили олинган. Тезпишар. Дон учун экилганда ўсув даври 193 кун, яшил озиқа учун 165 кун. Синов йиллари касалланмаган.

Многозерновий-2. БЎИ яратилган. Самарканд вилоятининг суғориладиган ерларида оралик экин сифатида туманлаштирилган. Икки фаслли. Бошоғи қилтиқли ўрчўксимон, 12-14 см, ранги оқ, 1000 дон вазни 45, 8 г.

Синов йиллари Самарканд ДНСС да ўртача ҳосили 65, 4 ц/га, мутлоқ қуруқ модда ҳосили 80, 3 ц/га бўлган. Яшил массасида, қуруқ модда ҳисобида 10, 7 %, донда 11, 6-12, 5 % оқсил бор.

Ўсув даври кўк масса учун 174 кун, дон учун 210 кун. Касаллик ва зараркунандалар билан кам зарарланади.

Узор. БЎИ Жиззах вилояти К. Рахимов номли давлат хўжалиги ҳамкорлигида яратилган. Сурхандарё ва Тошкент вилоятининг суғориладиган ерларида туманлаштирилган. Бошоғи оқ, қилтиқли, узунлиги 13-15 см. 1000 дон массаси 54, 2. Дон ҳосили Самарканд ДНСС да ўртача 65, 8 га/ц бўлган. Тезпишар ўсув даври яшил масса учун 174 кун, дон учун 206 кунни ташкил қилган.

Тритикале бўғдойга нисбатан ўтмишдошларга талабчанлиги кам, унинг учун қатор оралари ишланадиган экинлар, дуккакли дон экинлари, сабзаёт экинлари яхши ўтмишдош. У илдиз чириш касаллиги билан кам зарарланади. Бошқа экинлар учун яхши ўтмишдош.

Тритикале 1 ц дон ва шунга мувофиқ сомон ҳосил қилиш учун тупроқдан 4-5 кг азот, 1,3-1,6 кг фосфор, 3,6-4 кг калий ўзлаштиради. Ўғитларни йиллик меъёри режалаштирилган ҳосил ва тупроқнинг агрокимёвий кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда белгиланади. Органик ўғитлар 15-20 т/га, маъданли ўғитлар $N_{120-140}$, P_{80-90} , K_{60-70} кг/га солинади. Фосфорли ўғитларнинг 10-20 кг экиш билан, азотли ўғитларнинг асосий қисми баҳорда озиклантиришлар сифатида берилади.

Тупроқни ишлаш кузги бўғдойники сингари. Уруғлар тозаланган, фунгицидлар билан дориланган бўлиши ҳамда нав тозаллиги 97% дан кам бўлмаслиги талаб этилади. Тритикале қаттиқ ва чанг қоракуя касалликларига жуда чидамли.

Энг маъбул экиш муддати суғориладиган ерларда октябрнинг иккинчи, учинчи ўн кунликлари, жанубий минтақада ноябрнинг биринчи ўн кунлиги.

Экиш усули - тор қаторлаб, қаторлаб, кесиштириб. Экиш меъёри 4-5 млн. Унувчан уруғ/га. Экиш чуқурлиги 5-8 см. Тритикале эрта баҳорда тез ривожланиб бошлайди. Шунинг учун азотли озиқлантириш эрта, март ойининг бошларида ўтказилади. Иккинчи озиқлантириш найчалаш фазасининг бошланишида ўтказилади. Суғориш экин парвариши кузги бўғдойники сингари. Ҳосилни йиғиштиришда донлар йириклиги сабабли барабанлар оралиғи кенгайтирилади ва айланиш тезлиги 600 камайтирилади.

Топшириқ:

4. Тритикаленинг ботаник таърифи, биологик хусусиятларини ўрганиш ва конспект қилиш.

5. Тритикаленинг озиқавийлик қийматларини билиш ва мисоллар ёрдамида ҳисоблаш.

6. Ўзбекистонда экиладиган тритикале навларини таърифини ёзиш ва қуйидаги 12 – жадвални тўлдириш.

12-жадвал

Ўзбекистонда экиладиган тритикале навларининг таърифи

№	Навлар	Яратилган жойи	Бўйи, см	1000 дон дон вазни, гр	Ўсув даври	Ҳосилдорлиги, ц/га	
						Дон ҳосили	Қўк масса ҳосили

11- амалий машғулот. Маккажўхори

Ишнинг мақсади:

Талабаларга маккажўхорининг аҳамияти, келиб чиқиши, кенжа турлари ва уларнинг фарқларини ўргатиш. Маккажўхорининг озиқавийлик кийматини ҳисоблаш бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилиш. Ўзбекистонда экиладиган маккажўхори нав ва дурагайлари тавсифини ўрганиш.


Керакли жиҳозлар ва ўқув қўлланмалар:

Маккажўхори гербарийси, сута ва дон намуналари, мавзуга доир рангли расмлар ва жадваллар. Ўзбекистонда экиладиган экинларнинг Давлат реестри, дарслик ҳамда услубий қўлланмалар (4, 5, 6, 7, 8).

Ишнинг мазмуни:

Маккажўхори дунёда энг кўп етиштириладиган ва тарқалган донли экинлардан биридир. У ем-хашак, озиқ овқат ва техникавий экин. Озиқ-овқат мақсадларида дунё бўйича етиштириладиган маккажўхори донининг 20 %, техникавий 15-20 %, қолган қисми яъни учдан икки қисми ем-хашак мақсадларида ишлатилади.

Дон таркибида углеводлар 65-70 %, оқсил 9-12 %, ёғ 4-8 %, шунингдек, маъданли тузлар ва витаминлар бор. Унинг донидан ун, ёрма, консервалар (қанд маккажўхорисидан), этил спирти, декстрин, пиво, глюкоза, қанд, қиём, шароблар, асал, мой, витамин Е, аскорбин ва глютамин кислоталари, маккажўхори таёкчалари, сут ва бошқа кўплаб маҳсулотлар тайёрланади. Маккажўхорини оналик иплари медицинада ўт халтаси, жигар ҳасталикларида қўлланилади. Пояларидан, баргларида ва сўталаридан қоғоз, линолеум, вискоза, фаоллаштирилган кўмир, сунъий пўкак, пластмасса, оғриксизлантирувчи воситалар ва бошқалар олинади.




8-расм. Маккажўхорининг таянч илдизлари

Маккажўхорининг дони, яшил массаси, силоси ва сўтаси, дони, уни ажойиб озиқа. 1 кг донида 1, 34 озиқ бирлиги ва 78 г ҳазмланадиган протеин бор. Омехта ем тайёрлашда маккажўхори қимматли компонент. Унинг донидаги асосий оқсил зеинда триптофан, лизин алмаштирилмайдиган аминокислоталари кам.

Сут-мум пишиш фазасида ўрилган 100 кг силос массасида 21 озиқа бирлиги ва 1800 г ҳазмланадиган протеин бор. Шунча микдордаги қуруқ поя ва баргларида 37, сўтасини ўзагида 35 озиқ бирлиги сақлайди.

Катор оралари ишланадиган экин бўлганлиги туфайли у жуда кўп экинлар, шу жумладан кузги дон экинлари, ғўза ва сабзавот экинлари учун яхши ўтмишдош.



9-расм. Маккажўхори. 1, 2-ўсимлик униб чиқиш ва гуллаш фазаларида; 3, 4-оталик тўпгули ва бошқча; 5, 6-оналик тўпгули ва бошқча

Ўзбекистонда суғориладиган ерларида кузги бошоқли дон экинларидан кейин маккажўхорини дон, силос ва кўк массаси учун анғиз экини сифатида экиб юқори ҳосил олиш имконияти бор.

Тарихи. Маккажўхори дунё деҳқончилигидаги энг қадимий экинлардан биридир. Унинг ватани Марказий ва Жанубий Америка (Мексика, Гватемала). Марказий Американинг маҳаллий аҳолиси уни эрамиздан олдин, 3400-2300 йиллар муқаддам экишган. Бу ҳақда археологик қазилмалар – чанглар, рўваклар, дон ва сўтасининг содда шакллари ҳамда генетик, цитозембриологик тадқиқотлар гувоҳлик беради. Американинг кашф этилиши билан (1492 й) маккажўхори Европага (XV аср), XVII асрда Грузия орқали Россияга, XVII аср охири XVIII аср бошларида Ўрта Осиёга Ғарбий Хитойдан келтирилган.

Маккажўхорининг (*Zea mays* L) келиб чиқиши филогенези, систематикаси ҳозирга қадар тўла ўрганилмаган. Мексикада *Maydeae* янги тури топилган, у тео-синтам, ёки *Zea perennis* ва *Z. Diplo perennis* турларига мансуб бўлиши мумкин.

Ҳозирда маккажўхори энг маданийлашган экинлардан биридир ва унинг уруғи инсон иштирок исиз тупроққа тушмайди.

Экилиш минтақалари. Маккажўхори жуда кенг тарқалган. Уни тропик мамлакатлардан бошлаб Скандинавия ороллариғача учратиш мумкин. Ўзбекистонда асосан суғориладиган ерларда дони ва силос учун асосий, такрорий, анғиз экини сифатида етиштирилади.

Экилиш майдони. Дунё деҳқончилигида 2004 йилда маккажўхори 144, 8 млн га майдонга экилган. Экилиш майдонлари кейинги йилларда ортди. Дунёда энг кўп маккажўхори экиладиган давлат АҚШ, унда 29-30 млн га майдонга экилади. Дунё бўйича етиштириладиган маккажўхори донининг 2/3 қисми ақшга туғри келади. 2004 йили дунёда 704, 8 млн тонна маккажўхори дони етиштирилди, ҳосилдорлик 53, 4 ц/га. Осиё мамлакатларида 90 млн тонна етиштирилади.

Ўзбекистонда маккажўхори 1990 йилгача суғориладиган ерларда 250-300 минг га майдонга экилган ва ялпи маккажўхори дон ҳосили 1, 5-1, 8 млн тоннага етган. 2001 йилда 90 минг гектарга экилган. Ҳосилдорлиги 34-36 ц/га.

Энг юқори ҳосил АҚШ да 222 ц/га етган. Ўзбекистонда суғориладиган ерларда 100-110 ц/га дон ҳосили, 800-1000 ц/га силос массаси етиштириши мумкин. Илғор хўжаликлар катта майдонларда 80-100 ц/га дон ҳосили етиштирмоқда.

Ботаник тавсифи. Маккажўхори кунгирбошсимонлар оиласига кирувчи, бир йиллик, бир уйлик, икки жинсли, четдан чангланадиган

ўсимлик. Битта ўсимликда оталик тўпгули – рўвак ва оналик тўпгули – сўта жойлашган. Ёввойи турлари топилмаган.

Илдиз тизими. Попук илдизли, кучли шохланган. Илдизларининг асосий массаси 30-40 см чуқурликда (ернинг ҳайдов катламида) жойлашган. Аммо айрим майда илдизлари 2-5 м чуқурликка кириб боради. Улар ёрдамида ўсимлик пастки катламлардаги намлик ва озик моддаларни ўзлаштиради. Маккажўхори поясининг тупроқ юзасига яқин бўлган бўгинларидан **ҳаво илдизлари** ҳосил бўлади. Бу илдизлар таянч вазифасини ўтайди ва кўшимча озикланишда иштирок этади. Ўсимликларнинг 5-6 барг ҳосил қилган фазасида илдизлар 60 см чуқурликка, 35-40 см атрофга тарқалади. Ўсимликда максимал илдиз массаси мум пишиш фазасида кузатилади. Илдиз тизимининг ривожланиши ва фотосинтез соф маҳсулдорлиги, шунингдек, ҳосил бўлган барглари сони ўртасида ижобий корреляция бор. Тупроқда намлик етишмаса илдизнинг ўсиши, шохланиши кучсиз бўлади, бўгин илдизлари кеч ҳосил бўлади, ҳосилдорлик пасаяди.

Пояси. Поя алоҳида бўгин ораликларидан иборат. Бўгинлар ва барглари сони қўлланилган агротехникага боғлиқ ҳолда ўзгармайди. Эртапишар дурагайларда 10-12, ўртапишарларда 12-16, кечпишарларда 18-20 бўгинлар бўлади. Ўсимликнинг бўйи 0, 6 м дан 6 м гача етади. Поясининг йўғонлиги (диаметри) 2-7 см. Кечпишар дурагай ёки нав баланд бўйли бўлади.

Барглари. Барглари оддий, барг қини ва япроғидан иборат. Битта ўсимликда 8 тадан 45 тагача бўлади. Ўзбекистонда экиладиган дурагайларда 15-25 барглари бор (барглари сони бўгинлар сони билан тенг). Барглари қанча энсиз бўлса, шунча серҳосил бўлади. Сабаби улар бирига соя солмайди. Битта ўсимликда барг юзаси 0, 3-1, 5 м² га етади. Гуллаш фазасининг охирида барг юзаси максимал даражага етади. Битта ўсимликдаги баргларида 100-200 млн оғизчаларнинг борлиги, ўсимликда газ алмашинувига қулай шароит яратади. Барглари озиқавий қиммати пояниқидан юқори.


Тўпгуллари. Оталик тўпгули – рўвак марказий ўқ ва ён шохлардан иборат. Бошоқчалари икки гуллик, ҳар гулда учтадан чангдон бор. Битта рўвакда 1000-1200 бошоқчалар ёки 2-2, 5 минг гуллар бор. Ҳар бир чангдон 2500 чанг ҳосил қилганда, битта рўвакда 15-20 млн чанглари ҳосил бўлади.

Сўта - шакли ўзгарган новда, пояда барг қўлтиқларида ҳосил бўлади. Сўта шакли ўзгарган барглари билан ўралган. Битта ўсимликдаги сўталари сони нав, дурагай биологик хусусиятларига, агротехникасига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Крахмалли, қандли ва бодроқ маккажўхорининг кечпишар дурагай ва навларида сўталари сони кўп бўлади.

Сўтада бошоқчалар қатор бўлиб жойлашади ва ҳар бир бошоқчада иккитадан гул жойлашган, улардан юқоридагиси ривожланиб, пасткиси атрофияланади. Қаторлар сони 8 – 16 (қаторлар сони ҳамиша жуфт бўлади), битта қаторда 30 тагача дон ҳосил қилади. Оналиги ипсимон бўлиб сўтадан чиқиб туради.

Маккжўхори *анемофил* ўсимлик. Рўвак охирги барг қинидан чиққандан кейин 5-7 кун ўтгач гуллайди ва 2-3 кун, қурғоқчилик шароитида 6-7 кун сўтадан олдин гуллайди. Гуллашида нам етишмаса уруғланиш жараёни бузилади, дон сийрак ҳосил бўлиб, ҳосилдорлик камаяди. Серёгин об-ҳавода чанглар ювилиб кетади, дон ҳосил бўлмайди.

Меваси. Меваси дон, одатда йирик, ялонғоч. 1000 дон массаси майда



донли дурагайларда (навларда) 100-120 г, йирик донлиларда 300-400 г. Донлари оқ, тўқ сарик, кизил, жигарранг ва ҳоказо. битта сўтада 200 тадан 1000 тагача дон бўлади, ўртача 500-600. Дони шохсимон, унсимон эндоспермли, муртак ва пўстдан иборат.

Маккажўхори умумий массасининг 40-45 % дон, 55-60 % поялар, барглар, рўваклар, сўта ўзагидан иборат. Рўвак оғирлиги умумий массанинг 1, 5 % ни ташкил қилади.

Маккажўхорининг кенжа турлари. Донининг эндосперми шохсимон ёки унсимон қисмининг нисбати, донининг шакли, пўстлилиги ва кимёвий таркиби бўйича маккажўхори тишсимон, кремнийсимон, крахмалли, кандли, крахмалликандли, бодроқ, мумсимон ва пўстли кенжа турларига бўлинади (10-расм).

10-расм. Маккажўхори асосий кенжа турларининг етилган донлари ва сўталари;
 б-тишсимон; 2-новвотсимон;
 3-крахмалли; 4-кандли; 5-ёриладиган (бодроқ).

Тишсимон маккажўхори. (Z. M. L. Indentata) дони йирик, чўзиқ, учки томони ботиқ. Донида шохсимон эндоспермли фақат ён томонида ривожланган, учки қисми ва ўртаси унсимон эндосперм билан тўлган. Бу кенжа турга кирувчи навлар бақувват бўлиб ўсади, сўталари йирик. Донида 68-70 % крахмал, 8-10 % оксил, 5 % ёғ сақлайди. Бу гуруҳга кирувчи навлар ва дурагайлар энг кенг тарқалган, нисбатан кеч пишади.

Кремнийсимон маккажўхори. (Z. M. L. Indurata). Келиб чиқишига кўра энг қадимги ва жуда кенг тарқалган. Дони қаттиқ, силлиқ, учи юмалоқ. Шохсимон эндосперм донни бутунлай эғаллаган, унсимон фақат ўрта қисмида жойлашган. Таркибида 65-83 % крахмал, 8-18 % оксил, 5 % ёғ сақлайди. Бу кежа турга кирувчи нав ва дурагайлар паст ҳароратга, ётиб қолишга, касаллик ва зараркунандаларга чидамлиги, жуда кеч пишар ва эртапишар шакллари борлиги билан ажралиб туради. Дони ун, ёрма тайёрлашда кенг фойдаланилади.

Крахмалсимон маккажўхори. (Z. M. L. Amylacea) дони юмалоқ, сирти хира рангда, ичи қисман эндосперм билан тўла. Донида 72-83 % крахмал, 7-12 % оксил, 5 % ёғ сақлайди. Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистонда кенг тарқалган. Крахмал, спирт ва ёғ олишда дони қимматли хом ашё ҳисобланади.

Қандлик маккажўхори. (Z. M. L. Sacharata) дони ялтироқ, юзаси буришган, эндосперми пишасимон. Оксил миқдори 18-20 %, углеводлар 64 % бўлиб, унинг ярмини декстринга тўғри келади, ёғ 8, 9 %. Тишсимон ва кремнийсимон маккажўхори чатишиши натижасида юзага келган. Бу кенжа турга кирувчи дурагайлар сабзавот экини сифатида экилади. Дони сут пишиш фазасида овқатга ишлатилади, консерва саноатида хом ашё сифатида фойдаланилади.

Бодроқ маккажўхори. (Z. M. L. Everta) дони майдалиги, ялтироқлиги ва у баъзан учининг ўткирлиги билан ажралиб туради. Донининг ичи шохсимон эндосперм билан тўлган. Гуручли шаклида донининг учи ўткир, перловка шаклида учи юмалоқ бўлади. Донида оксил миқдори 10-14 %, крахмал 62-72 % ни ташкил этади. Бодроқ, ёрма тайёрлашда ишлатилади. Кўп тупланади, бўйи нисбатан паст, битта ўсимликда сўта бир нечта, сербарг.

Мумсимон маккажўхори. (Z. M. L. Ceratina) дони шакли ва қаттиқлиги бўйича кремнийсимон маккажўхорига ўхшайди. Донининг ташки кўриниши тиниқ эмас ва мумсимон. Декстрин олишда фойдаланилади. Бу кенжа тур, экин сифатида янги, Ўзбекистонда кам тарқалган.

Пўстли ёки қобиқли маккажўхори. (Z. M. L. Tunicata) донларини гул олди барглари ўраб олган. Амалиётда экилмайди. Янги навлар ва дурагайлар яратишда фойдаланилиши мумкин.

Маккажўхори энг кўп тарқалган кенжа турларининг фарқлари

Доннинг белгиси	Кенжа турлари				
	Тишсимон	Кремнийсимон	Крахмалли	Ширин	Бодрокли
Катталиги	Йирик	Йирик ва майда	Йирик	Йирик ва ўртача	Майда
Шакли	Чўзиқ, қиррали, кўп қиррали	Юмалоқ	Юмалоқ	Бир хил эмас, ботиқ	Юмалоқ бироз ботиқ
Юзаси, учи	Силлиқ чуқурчаси бор	Силлиқ Юмалоқ	Силлиқ юмалоқ	Бужмайган	Силлиқ юмалоқ ёки учи ўткирлашган
Шохсимон эндосперм	Факат ён томонларида ривожланган	Шаффоф	Йўқ	Яхши ривожланган	Яхши ривожланган
Унсимон эндосперм	Донининг маркази ва учида ривожланган	Факат марказида бор	Донни бутунлай тўлдириб туради.	Йўқ	Бўлмайдиган ёки факат муртақ ёнида бўлади.

Ўзбекистонда экиладиган асосий навлари ва дурагайлари

Узрос-кремнистая - ЎзШИТИда маҳаллий поплациялардан танлаш йўли билан яратилган. Дон ва силос учун Самарқанд, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида экиш учун Давлат реестрига киритилган. Кремнийсимон. Дони оқ. Дон ҳосили 68, 3-69, 7 ц/га. 1000 доннинг вазни 259, 4-273, 5 г. Кечпишар. Ўсув даври 135-137 кун. Оксил 8, 8-9, 8 %, крахмал 76, 3-74, 7 %. Қоракуя касаллиги билан ўртача зарарланади.

Молдавский-425-МВ – Молдавия жўхори ва маккажўхори итида яратилган. Республика бўйича экиш учун Давлат реестрига киритилган. Тишсимон. Дони сариқ. Дон ҳосили 108, 7 ц/га. Дон чиқиши 81, 6-86, 0 %, 1000 дон вазни 340-352 г. Ўсув даври 104-137 кун. Пуфакли қора куя ва сўта бактериози билан ўртача зарарланади.

Ўзбекистон тишсимони – кечпишар. Вегетация даври 112-123 кун, силос ҳосили 662, 7-988, 3 ц/га.

Ўзбекистон 306 МВ – ЎзШИТИ да яратилган. Такрорий экиш учун ўртапишар. Давлат реестрига киритилган. 1000 дон вазни 340-420 г, ўртапишар. Ўсув даври 86-103 кун. Пуфакли қора куя билан зарарланади, кўсак қурти ва тунлам билан кам зарарланади.

Ҳозирда Ватан, Авизо, Бриллиант, Доминго, Мондо, Нарт, Симбат, Тема Фигаро, Универсал, Бемо 181 СВ, Бемо 182 СВ, Қорасув 350 АМБ,

Ўзбекистон 601 ЕСВ, Илка дурагайлари ва навлари Давлат реестрига киритилган.

Топшириқ:

1. Маккажўхори кенжа турлари ва уларнинг хусусиятларини , фарқларини ёзиб олинг.
2. Маккажўхори кенжа турлари донларини шаклларини чизинг.
3. Маккажўхори етиштириш технологик харитасини тузиш.
4. Услубий кўлланма ва Давлат реестридан фойдаланиб, Ўзбекистонда экиладиган маккажўхори нав ва дурагайларининг таърифини куйидаги 14-жадвалда кайд этинг.

14– жадвал

Маккажўхори дурагайлари ва навларининг таърифи

Т/р	Нав- дурагай номи	Яратилган жойи	Дон		Дон чиқиши, %	Ўсув даври, кун	Ўсилдорлиги, ц/га
			Шакли ва ранги	1000 та доннинг вазни, г.			
1							
2							
3							
4							
5							

12-амалий машғулот. Оқжўхори

Ишнинг мақсади:

Оқжўхорини озиқ-овқатлик аҳамияти ва ем-хашак хусусиятларини билиш. Оқжўхори турларини ўрганиш. Озуқа бирликларини ҳисоблаш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув кўлланмалари:

Оқжўхори гербарийси, дон намуналари, мавзуга доир рангли расмлар ва жадваллар. Ўзбекистонда экиладиган экинларнинг Давлат реестри, дарслик ҳамда услубий кўлланмалар (1, 3, 4, 6)

Ишнинг мазмуни:

Оқжўхори озиқ-овқат, ем-ҳашак ва техникавий мақсадларда фойдаланиладиган энг муҳим донли экинлардан биридир. Ўзбекистон шароитида оқжўхори қурғоқчиликка, шўрга чидамли экин сифатида катта аҳамиятга эга. Тупроқлари шўр минтақаларда Қорақолпоғистон республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Жиззах вилоятларида у маккажўхори ва арпага нисбатан юқори ҳосил беради.

Оқжўхорининг дони Марказий Осиё ҳалқлари шу жумладан Ўзбекистонда ҳам иккинчи жаҳон ўрушигача ва 1950 йилларгача асосий озиқ-овқат экинларидан бири ҳисобланган. Донидан танқис миллий таом гўжа тайёрланади. Қорамоллар учун унинг дони қимматли озиқа, омихта ем ва крахмал, спирт ишлаб чиқарувчи саноат учун қимматли ҳом ашё. Африка, Ҳиндистон ва Шарқий Осиё мамлакатларида оқжўхори ҳозир ҳам асосий озиқ-овқат экини.

Суғориладиган ерларда, Ўзбекистон шароитида оқжўхори бир неча марта ўриб олинади. Унинг яшил массаси силос ёки пичан тайёрлашда ишлатилади. Донининг 100 кг 119 озиқа бирлиги, яшил массасида 23, 5 о. б, силосда – 22 о. б, пичанида 49, 2 о. б. сақланади.

Оқжўхорининг донида протеин 15 % етади. Унинг оқсилли лизинга бой. Қантлик оқжўхорининг пояларида қанднинг миқдори 10-15 %, етади ва пояларидан шарбат тайёрлашда фойдаланилади. Супурги оқжўхорининг рўвагидан супурги тайёрланади.

Ўзбекистонда оқжўхори бошоқли дон экинларидан бўшаган далаларга анғиз ва такрорий экин сифатида дони, яшил массаси учун экилади. Лалмикорликда тоғ олди ва тоғли минтақаларда экилади.

Оқжўхори ҳозирги Ўзбекистон давлати ҳудудида эрамиздан 2, 5-3 минг йил илгари экилган. Унинг Ватани Африка.

Жаҳон деҳқончилигида оқжўхори ҳар йили 47-50 млн га майдонга экилади. Оқжўхори энг кўп экиладиган мамлакат Ҳиндистонда у 16 млн га, Африка давлатларида 15-16 млн га, АҚШ да 5-6 млн га майдонга экилади. У Европада, Жанубий, Америкада, Японияда кенг тарқалган.

Марказий Осиё давлатларида оқжўхори жуда кенг тарқалган. Аммо экин сифатида у бошқа донли экин маккажўхориға кейинги йилларда ўз ўрнини бўшатиб берган.

Ўзбекистонда 1930 йилларда 250-300 минг/га, 1956 йилда 76 минг/га ҳозирда 8-9 минг га майдонга экилади. Асосан яшил массаси ва қисман дони учун экилади. Ўзбекистонда Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистон республикаси ва Фарғона водийсида кенг тарқалган.

Ўзбекистонда суғориладиган ерларда оқжўхори дон ҳосилдорлиги 80-90 ц/га, силос массаси 700-1000 ц/га етади. Ҳозирда республикамизда бу қимматли дон экинини уруғчилиги яхши ишлаб чиқилмаган. Янги хусусий деҳқон - фермер хўжаликлари бу экинни катта майдонларда экиб бошлашди.

Ботаник тавсифи. Оқжўхори, сорго авлодига 30дан ортиқ ёввойи ва маданий, бир йиллик ва кўп йиллик турлар киради. Ҳозирги пайтда ***Sorghum L.*** Авлодидан энг кенг тарқалган 4 тур: *S. Vulgare* - оддий оқжўхори, *S. Chinense* – гаолян ёки хитой оқжўхориси, *S. Cernum* - жўхори, *S. Sudanense* - судан ўти экилмоқда.

Бу турларнинг ҳаммаси бир йиллик ва улар озиқ-овқат, техникавий ва озиқа учун ўстирилади. Ёввойи турларидан ғумай - энг ашаддий бегона ўт сифатида Кавказ ва Марказий Осиёда кўп ўчрайди.

Рўвагининг шакли ва зичлигига қараб оқжўхори учта кенжа турга бўлинади: тарқоқ – сиқик, сиқик ва овалсимон (комовой)

Оқжўхорининг рўвагидаги бошоқчалар бир гуллик бўлиб иккита ёки учтадан жойлашган.

Илдиз тизими - попуқ, кучли ривожланган, тупроқда 2, 5 м чуқурликка кириб боради, атрофга 60-90 см тарқалган. Поясининг ер устки бўғинларидан ҳаво ёки поянинг илдизлари ҳосил бўлади.

Поясининг баландлиги навга, қўлланилган агротехникага боғлиқ ҳолда 0, 5 м 2, 5 м, тропик мамлакатларда 7 м етади. Битта ўсимликда 1-2 дан 5-8 рўвакли поялар ҳосил бўлади.

Барглари оддий - барг пластинкаси кенг, мум қатлами билан қопланган. Битта ўсимликда баргларнинг сони 10-25 ва ундан ҳам кўпроқ бўлади.

Тўпгули - узунлиги 15-60 см рўвак. Ҳар бир шохнинг охирида иккитадан бошоқча - икки жинсли ва эркак гул жойлашган, охиргиси кейин тўкилиб кетади. Оқжўхорида четдан чангланиш устунлик қилади ва у 70 % кўпроқни ташкил қилади.

Дони пўстлик ёки ялонғоч, шакли юмалоқ ёки тухумсимон, қорин қисмида жўяги йўқ. 1000 дон вазни 20-30 г. Битта рўвакда 1600 – 3600 дон ҳосил бўлади. Уруғларни тиним даври жуда қисқа. Шунинг учун ҳосил

йиғиштирилиши билан уруғ қулай шароитга тушса аввал бўртиб кейин униб чиқади. Дон эндосперми қизил ёки қўнғир бўлса таркибида ошловчи модда танин бўлади. Таниннинг бўлиши мальтоза ва спирт саноатида катта аҳамиятга эга, аммо озикалик сифатини камайтиради. Ёш ўсимликнинг, яшил поя ва баргларида сув етишмаган шароитда глюкозид - дуррин ҳосил бўлади. Глюкозидларнинг парчаланиши натижасида заҳарли модда синил кислотаси ҳосил бўлади. Унинг миқдори 0, 003 дан 0, 31 % бўлиши мумкин ва 0, 1 % кучли заҳарли ҳисобланади. Молларда тимпанит, қоринни дамлашини чақиради. Ўсимликнинг ёши катталашishi билан синил кислотасининг миқдори камаяди. Ўрилгандан кейин яшил массада синил кислотасининг миқдори кескин камаяди ва у парчаланиб кетади.

Экиш - униб чиқиш даври 10-15 кун, 25-39 кундан кейин тупланиш, 40-50 кундан кейин найчалаш, 55-60 кунларда рўваклаш бошланади. Гуллаш 5-6 кун давом этади. Ўсиш даври 90-145 кун.

Навлари. Хўжалик белгиларига кўра оқжўхори донли, қандлик, супургилик ва ўтсимон навлар гуруҳига бўлинади.

Донли навлар. Асосан дони учун экилади, бўйи нисбатан паст. Кам тупланади, дони тез янчилади, оқ, танин миқдори 0, 034-0, 24 % озик-овқат навлари ҳисобланади.

Жўхорининг Ўзбекистон паканаси, Ўзбекистон-18, Ширин-91, Ўзбекистон-5, Асалбоғ, Ташкентское белозерное, Санзар, , Қандлик джугара навлари Ўзбекистон республикасида влат реестрига киритилган.

Қандлик джугара. Силос учун экилади, поясида 15 %, шарбатида 24 % қанд моддаси бор. Дони пўстлик ёки ярим пўстлик, қийин янчилади. Энг кўп қанд миқдори донни тўла пишиш фазасида кузатилади. Қандлик жўхорига, Санзар, Ўзбекистон 5, Ўзбекистон-18 ширин навлари киради.

Супурги оқжўхори - поясининг ўзагини қуруқлиги билан ажралиб туради. Рўвак узунлиги 40-90 см, бош ўқи қисқа ёки бўлмади. Рўвак ҳосили 15-20 ц/га, ёки 1 гектардан 2-4 минг супурги олинади. Навлари Веничное 623, Эртаги супургили, Асал боғ.

Ўтсимон оқжўхори - поялари ингичка, кучли тупланади. Пичан ва яшил массаси учун ўстирилади. Ўзбекистонда оқжўхори - судан ўти дурагайи Вахши-5, Вахш-10 ва Чимбой юбилейная, Чимбой-8 кенг тарқалган.



11-расм. Окжўхори. Етилган рўваклар (а), бошоқча (б) ва дон (в), чапдан катталаштирилгани: супурги жўхори; 3 ва 4 дон учун экиладиган жўхори

Топширик:

1. Окжўхор турлари ва уларнинг хусусиятларини , фарқларини ёзиб олиш.
2. Окжўхори етиштириш технологик харитасини тузиш.

3. Услубий кўлланма ва Давлат реестридан фойдаланиб, Ўзбекистонда экиладиган окжўхори турлари ва навларининг таърифини куйидаги 15-жадвалда кайд этинг.

15– жадвал

Жўхори навларининг асосий фарқлари

Т/р	Белгилари	Гуруҳлари		
		Донли	Ширин	Супургили
1	Кенжа тур			
2	Лотинча номи			
3	Рўвагининг шакли			
4	Доннинг шакли, ранги			
5	Поя таркибидаги канд миқдори, %			
6	Бўйи, см			
7	Ўсув даври, кун			
8	Фойдаланиш мақсади			
9	Ўосилдорлиги, ц/га			

13–амалий машғулот. Дон экинлар ҳосилини чамалаш, озиқа бирлигини ҳисоблаш

Ишнинг мақсади: Талабалар дон экинларидан хашаки бугдой, арпа, сули, жавдар, тритикале, маккажўхори, окжўхори, тарикнинг 1 м² даги туп сони, поялар, бошоқли поялар, бошоқдаги дон бир бошоқ ёки сутадаги дон вазни, яшил масса, ҳосили, озиқа бирлиги ҳисобланади ва уларни киёсий таққослайди.

Керакли жиҳозлар ва ўқув кўроллари: Ўсимлик боғламлари, бошоқлар, сўталар, рўваклар, маълумотнома материаллари, жадваллар уруғлар. Топшириклар, линейка, кўракчалар, торозилар, тошлар. Ҳосилни чамалаш пайкалчада ёки экинзорда ўтказилади. Дарсликлар, услубий кўрсатмалар (5, 10, 9).

Ишнинг мазмуни:

Дон экинларининг ҳосилини ўриш олдидан биологик ҳосил ва ҳосил таркиби аниқланади. Унинг муҳим кўрсаткичлари: ўсимликлар сони, маҳсулдор поя сони, бошоқ, сута (рўвак)дан дон чиқиши, унинг сони ва вазни аниқланади.

Бунинг учун 1 м² майдончадан бир нечта такрорланишда ўсимлик намуналари олиниб, улар янчилади, дон ва похол чиқиши, биологик ҳосил аниқланади.

Озиқа бирлигини аниқлашда уқитувчи талабалар билан озиқа бирлиги ва уни аниқлаш усуллари ҳақида суҳбат ўтказади. Талабалар озиқа бирлигини аниқлаш билан биргаликда озиқа таркибидаги окисл, углеводлар, ёғ, АЭМ, клетчатка, каротин ва витаминларни миқдори ҳамда уларни чорва моллари учун аҳамиятини кискача баён этишади.

Талабалар кўрсатилган экинларни дони, похоли, кўк массасини озиқа бирликларини билган ҳолда 1 гектар маккажўхори дон учун экилганда ёки силос ҳамда яшил масса учун етиштирилгани эътиборга олиниб озиқа бирлигини, оксил чиқишини, оксил ва углеводлар нисбатини аниқлашади. Ҳар бир экиннинг дони пахоли, дони, кўк массаси ҳосилдорлиги озиқа бирлиги ва бошқа кўрсаткичлар аниқланиб жадваллар тўлдирилади.

Дарс кунда талабалар экинлар ҳосилдорлиги, озиқа бирлиги, оксил чиқими ва бошқа кўрсаткичлар бўйича хулосалар қилади ва ҳамда дафтарларига ёзиб олишади.

Топширик;

1. Дала шароитида донли экинларнинг туп сонини аниқлашни ўрганиш (ўқитувчи томонидан мисоллар берилади).

2. Куйидаги жадвални берилган маълумотлардан фойдаланиб тўлдириш.

16- жадвал

Дон экинларининг тўйимлилиги

Экин турлари	Ҳосил, ц/га			1 кг озиқада озиқа бирлиги, кг			1 кг озиқада оқсил миқдори, г			1 га ҳисобидан озиқа бирлиги, ц			1 га ҳисобидан озиқа бирлиги, ц		
	Дон	Қўқат	Похол	Дон	Қўқат	Похол	Дон	Қўқат	Похол	Дон	Қўқат	Похол	Дон	Қўқат	Похол
Маккажўхори															
Жўхори															
Арпа															
Сули															
Жавдар															
Тритикале															
Тарик															

14–амалий машғулот. Дуккакли дон экинлари

Ишнинг мақсади: Талабаларга дунёда ва Ўзбекистонда кенг тарқалган дуккакли дон экинларининг вакиллари билан таништириш. Уларнинг фарқларини, морфологик хусусиятларини ўргатиш. Озуқа экини сифатида аҳамиятларини билиш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув қўлланмалари:

Дуккакли дон экинларининг гербарийси, дон намуналари, мавзуга доир рангли расмлар ва жадваллар. Ўзбекистонда экиладиган экинларнинг Давлат реестри, дарслик ҳамда услубий қўлланмалар (1, 2, 4, 9, 10).

Ишнинг мазмуни:

Дуккакли дон экинларига кўк нўхат, нўхат, соя, мош, ловия, ясмиқ, бурчоқ, ҳашаки дуккак, вигна, люпин, вика киради. Уларни ҳаммаси дуккаклилар - оиласига мансуб. Биологияси, ўстириш технологияси, олинган маҳсулот сифати бўйича бу экинлар ўхшаш.

Дуккакли дон экинлари дон экинларига нисбатан оқсилга бой, ҳазмланиши осон, сифатли, арзон дон ҳосили беради ва туганак бактериялар ёрдамида ҳаводаги азотни ўзлаштириш хусусиятига эга.

Дуккакли дон экинларини етиштириш қишлоқ хўжалигидаги учта асосий муаммони ҳал қилишга имкон беради: 1) Дон етиштиришни кўпайтириш; 2) Ўсимлик оқсили муаммосини ҳал этиш; 3) Тупроқ унумдорлигини ошириш.

Бу экинлар фойдаланишига кўра озиқ-овқат (кўк нўхат, нўхат, мош, ловия, соя), ем-хашак (вика, ҳашаки нўхат, люпин, ҳашаки дуккак ва бошқ.) универсал (ясмиқ, бурчоқ), кўк ўғит (алколоидсиз люпин) учун экиладиган гуруҳларга бўлинади.

Дуккакли дон экинларини етиштиришни кўпайтириш дон етиштириш муаммосига ижобий таъсир кўрсатади.

Уларнинг донида оқсилнинг миқдори 25 - 50 % бўлади. Сифатли тайёрланган дуккакли дон экинларининг сомонида 8-14 % оқсил бор, дон экинлариникида эса 3-4 %. Аммо уларнинг сомони ҳозирга қадар озиқа сифатида ишлатилмайди.

Маълумотларга кўра 1 кг ҳайвон оқсили олиш учун 5-7 кг, баъзан 8-9 кг ўсимлик оқсили сарфланади. Озиқа моддаларни йўқолиши уларни тайёрлаш даврида 20-30 % ташкил қилади. Бу оқсил танқислигини яна кучайтиради. Зоотехник меъёрларига кўра бир энергетик озиқа бирлиги (ЭОБ)да 110-115 г ҳазмланадиган оқсил бўлиши керак. Ҳозирда чорвачиликда фойдаланиладиган бир озиқа бирлигида 85 г ҳазмланадиган оқсил бор.

Озиқалардан фойдаланишни таҳлилларини кўрсатишича озиқа бирлигида оқсил танқислиги қовуш қайтарадиган молларда озиқа сарфини 1, 3-1, 5 чўчкаларда 2 баробар оширишга олиб келади.

Дуккакли дон экинларини озиқавий ва озиқ –овқат қиммати бўйича маълумотлар 17 -жадвалда келтирилган. Дуккакли дон экинлари юқори озиқавий қимматга эга бўлиши билан биргаликда таркибида оқсил миқдори кам экинларни кам қайвонлар томонидан яхши ўзлаштиришини таъминлайди.

АҚШ, Канада, Аргентина ва бошқа ривожланган мамлакатларда оқсил танқислиги дуккакли дон экинлари, бедани кўп экиш ҳисобига қопланади. Ўсимлик оқсилсини ишлаб чиқиш арзон. Дуккакли дон экинларининг уруғида оқсил кўп, арпа ва сулининг 1 о. б. Да ҳазмланадиган оқсил 70 ва 63 г. , кўк нўхат, вика, сояда 160, 186, 300 г. Етади. Шунинг учун дуккакли дон экинлари ажойиб озиқа ва озиқ-овқат экинлари бўлиши билан бир қаторда бошқа озиқаларнинг ҳам қимматини оширади.

Дуккакли дон экинларининг уруғлари батаник жиҳатдан ҳақиқий уруғ дейилиб, уруғ пўсти, ички томонидан эса иккита уруғпалласи, илдиз ва муртақдан иборат. Улар катта-кичиклиги, ранги, шаклига кўра бир-биридан фарқ қилади.



12-расм. Дуккакли дон экинларининг меваси

1-кўк нўхат, 2-ясмиқ, 3-нўхат, 4-ловия, 5-вика, 6-соя, 7-бурчоқ,
8-хашаки дуккаклар, 9-люпин




13-расм. Фасол (ловия).

1-майсаси, 2-ўсимлиги, 3-гули, 4-дуккаклари, 5-уруғлари

Барча дуккакли дон экинларининг барги мураккаб барг бўлиб, барг банди, баргчалар, баъзиларида эса жингалаклардан иборат бўлади. Барглари тузилишига кўра уч гуруҳларига бўлинади:

1. Учталиқ барглар – ловия, махаллий ловия,
2. Патсимон барглар:
 - А) жуфт патсимон – кўк нўхат, ясмик, бурчоқ, вика;
 - Б) ток патсимон – нўхат.
3. Панжасимон барглар люпин.



14-расм. Вигна. а-тупининг умумий кўриниши,
б-донининг шакллари

Барглар туксиз, кам тукли ва сертук бўлади. Баргнинг асосида ҳар хил шаклда ва катталикдаги ён барглар мавжуд. Дуккакли дон экинларининг гуллари икки жинсли, капалак-симон. Гуллар биттадан, иккитадан ёки шингил шаклда барг кўлтиқларида жойлашади. Гуллар ҳар хил рангда, майда ва йирик, тукли ва туксиз бўлади.

Меваси дуккак, унинг катталиги, шакли, ранги, дон сонига қараб

ҳар хил бўлади. Айрим дуккакли дон экинларида дуккаги етилганчатнайди.

Дуккакли дон экинлари тўйимлилиги билан бошқа ем – хашак экинларидан фарқ қилади.

Дуккакли дон экинларида қуйидаги ривожланиш даврилари тузатилади: майсаланиш, шохланиш, шоналаш, гуллаш ва пишиш (етилиш).

Уруғпаллалари ер юзига кўтарилиб чиқмайдиган ўсимликларда биринчи чинбарги чиқкандан бошлаб майсаланиш даври, сўнгра навбатдаги баргларнинг ривожланиши кузатилади. Шона ва гулларасосий поянинг ва ён шохларнинг пастадаги барг кўлтиқларида юқорига томон бирин - кетин жойлашади. Шу тартибда дуккаклари ҳам шаклланади ва етилади. Етилиш даврида дуккаги экилган тур ва навга ҳос рангга киради.

Кўк нўхат

Кўк нўхат бир йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, *Pisum L.* Авлодига мансубдир. Бу авлодга бир нечта тур киради, аммо 2 та тури кўп тарқалган: экма нўхат – *P sativum L.* Ва хашаки нўхат – *P arvense L.*

Кўк нўхатнинг илдизи ўқилдиз, яхши ривожланган, илдизида атмосфера азотини ўзлаштирадиган туганак бактериялари бор.

Барги мураккаб, 2 – 3 та жуфт баргча чиқарадиган патсимон барг. Баргнинг пастки қисмида йирик ён барглари бор, барги жингалаклар

билан тугайди. Барги тухумсимон, чузинчок шаклда бўлиб, ранги саргиш, яшил, оч тук яшил бўлади.

Гуллари йирик капалаксимон, барг кўлтикларида аксарият ҳолда 1 – 3 та бўлиб жойлашади. Дуккаги 3 – 10 та уруғ тугади, шакли ханжарасимон, ранги кўпинча сариқ. Пишганда айрим навларда дуккаги чатнайди. Уруғи майда, ўрта ва йирик бўлади, шакли юмалоқ, бурчакли, усти силлиқ ёки буришган. Ранги ҳар хил – оқ, сариқ, пушти, яшил, жигар, қора ранггача. 1000 та доннинг вазни 150 г дан 400 г гача.

Республикамиз шароитида кўк нўхат кузда экилганда кўк массаси апрел ойида ўриш учун етилади.

17-жадвал

Кўк нўхат турларининг асосий фарқлари

Т/р	Белгилари	Экма нўхат	Дала нўхати (хашаки нўхат)
1	Уруғ шакли Уруғ юзаси Уруғ ранги	Шарсимон Силлиқ Оқ, сариқ, пушти, яшил, бир тусли	Юмалоқ, бурчакли Майда чуқурчалари бўлади Кулранг, кўнгир қора, бир тусли ёки накши бор
2	Майсалари	Яшил	Яшил, банди бинафша рангда, ён баргида ҳоллар бор
3	Барглари	Яшил	Яшил, қизил – бинафша рангли
4	Гуллари	Оқ	Қизил – бинафша рангли


Соя

Соя-Ўзбекистонда ёш ўсимлик. Унинг донида 30-52 % оқсил, 18-25 % ёғ, 20 % углеводлар бор. Унинг донидан қандли диабет касалликлари учун пархез таомлар тайёрланади. Донидан сут, қатик, творог, колбаса маҳсулотлари, маргарин, ун, кондитер маҳсулотлари, мой, консервалар тайёрлашда фойдаланилади. Соянинг асосий оқсилли - глицинин яхши ҳазмланади, сувда яхши эрийди, ачиб қатикка айланади, унинг оқсилли алмаштирилмайдиган аминокислоталарга бой.

Дунёда ялпи ишлаб чиқарилган ўсимлик мойининг 40 % сояникига тўғри келади.

Соянинг кунжарасида 40 % оқсил, 1, 4 % ёғ, 30 % АЭМ сақланади. Уни яшил ва силос массаси учун, тоза ҳамда маккажўхори билан қўшиб ўстириш мумкин. 100 кг яшил массасида 21 о. б. , 3, 5 кг оқсил бор. Унинг яшил массасидан витаминли ўт уни тайёрланади. Соянинг 100 кг поясида 32 о. б. Ва 53 кг оқсил сақланади.

Соя дуккакли дон экинлари орасида энг кўп экилади, 2004 йилда дунёда 91, 6 млн. гектар майдонга экилган ва дон ҳосилдорлиги 12 ц/га, ялпи ҳосил 206, 4 млн. тонна ташкил этган. Кейинги 3 йил мобайнида экин майдони 13, 8 млн. гектарга ошган.



15-расм. Соя.

1-майсаси, 2-ўсимлиги, 3-шоҳчаси, 4-уруғлари, 5-дуккаклари

Соя дуккаклилар (*Fabaceae* L.) оиласига мансуб (*Glycine hispida* L.) бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Илдиз тизими - ўқ илдиз, майда ва узун ён шохлардан иборат. Асосий ва ён илдизларда 30-300 тагача туганак ҳосил бўлади.

Поясининг баландлиги ўртача 60-125 см, йўғонлиги 3-20 мм бўлади. Ён шохлар ораси 3-15 см. Барглари мураккаб, учталиқ.

Тўпгули шингил, барг кўлтиғида жойлашган. Гул банди қисқа. Ўз-ўзидан чангланади. Ҳар бир дуккагида 1-4 уруғ бўлади. Бир туп ўсимликда дуккаклар сони 10-400 етади. Дуккаклар сони, уруғ вазни, ўсимлик бўйи,

барглар сони ва юзаси кўлланиладиган агротехника ва навларнинг биологик хусусиятлариг боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Ривожланиш фазалари. 1) униб чиқиш, 2) учталиқ баргларни ҳосил бўлиши, 3) шоналаш, 4) гуллаш ва мева тугиш, 5) пишиш, 6) тўла пишиш.

Навлари: Узбекская-2 ЎзПИТИда М. М. Сальтас ва О. В. Буригинлар томонидан яратилган. Ўртапишар. Уруғ ҳосили ўртача 18-30 ц/га. Ўсув даври 125-130 кун. Пастки дуккаклар 12-14 см баландликда жойлашган. 1000 уруғ вазни 130-160 г. Пишганда дуккаклари ёрилиб кетмайд. Донида 38 % оқсил, 24 % мой бор.

Юлдуз. ЎзПИТИда М. М. Сальтас ва бошқалар томонидан яратилган. Уруғи учун етиштирилади. Ўсув даври 125 кун. Бўйининг баландлиги 140-150 см. Пастки дуккаклари 12-15 см баландликда жойлашган. Гуллари оқ, дони сариқ, 1000 уруғ вазни 160-165 г. Дон ҳосилдорлиги 37-40 ц/га, яшил массасиники 300-350 ц/га, уруғида 42 % оқсил, 24 % мой бор.

Дўстлик. ЎзПИТИти яратилган. Ўсимликнинг бўйи 160-180 см. Пастки дуккаклари 20-25 см баландликда жойлашган. 1000 уруғ массаси 160-165 г. Ҳосилдорлиги 30-35 ц/га. Уруғида 42 % оқсил, 23 % мой сақлайди. Бу нав Ўзбекистонда маккажўхори билан кўшиб экилганда яхши натижага эришилади.

Соянинг Узбекская-6 нави ҳам Давлат реестрига киритилган

Нўхат

Нўхат ҳам Ўзбекистонда энг кенг тарқалган дуккакли дон экинларидан биридир. Донидан турли таомлар тайёрланади. Оқ донли навлари озиқ-овқат саноатида ишлатилса, қора донли навлари эса ем-хашак учун ўстирилади.

Дони таркибида 25-30 % оқсил, 4-7 % ёғ, 47-60 % азотсиз экстрактланадиган моддалар, 2, 4-12, 8 % целлюлоза, 4, 0 % кул, витамин В₁ ҳамда маъданли тузлар бўлади. Унинг дони омихта емга кўшилса уларни ҳазмланиши осонлашади. Поя ва баргларида отқулоқ ва олма кислоталари кўп. Сомонини қорамолларга бериб бўлмайди, кўйлар учун яхши озиқа.

Нўхат – *Cicer arietinum L.* Бир йиллик ўтсимон ўсимлик. **Илдизи** 100-150 см чуқурликка кириб боради. Ён илдизлари яхши ривожланган. **Пояси** тик, сершоҳ, бўйи 60 см етади. **Барглари** мураккаб, тоқ патсимон, четлари майда тишсимон 11-17 барглардан иборат. Ўсимлик безчали дағал туклар билан қопланган. Туклардан ажралиб чиқадиган органик кислоталар нўхатни зараркунандалар (нўхат қурти, бити)дан сақлайди.

Гуллари якка, барг кўлтиғида ҳосил бўлади, майда, ранг-баранг оқ, қизил. Дуккаги пуфаксимон, бўртган, тухумсимон чўзиқ, ромбсимон,

сертук, ёрилмайди, пишганда сомонсимон бўлиб сарғаяди. Уруғи бурчакли, кўй бошига ўхшайди, чўзинчоқ тумшукли ёки юмалоқ бўлади. Бир дон дуккакда 1-2 уруғлари бўлади, 1000 уруғ вазни 100-600 г.

Иссиққа талабчан, айниқса, гуллаш ва пишиш фазаларида. У совуққа чидамли. Ўзбекистон шароитида кишлаб чиқадиган шакллари, навлари бор. Уруғлари 2-5 °С ҳароратда кўкара бошлайди. Майсалари 11 °С совуққа чидайди. Қурғоқчиликка ва юқори ҳароратга чидамли. .

Ўзбекистонда бўз, ўтлоқ-бўз, ўтлоқ тупроқларда яхши ўсади. Шўрга чидамсиз.

Навлари. Юлдуз - Ўзбекистон "Дон" ИИЧБда яратилган. Лалмикорликда экиш учун Давлат реестрига киритилган. Гули оқ, йирик, якка. Дуккаги 1-2 донли. Ҳосилдорлиги лалмикорликда 7, 8-12, 2 ц/га, 1000 дон вазни 333, 3-262, 2 г. Ўсув даври 81 кун. Қурғоқчиликка чидамли. Донда оқсил 27, 4-26, 2 %. Аскохитозга нисбатан чидамли.

Милютин-6 – Ўз "Дон" ИИЧБ яратилган. Бўйи 30-35 см, 1000 дон вазни 274, 1-430, 0 г. Ҳосилдорлиги 8, 2-12, 3 ц/га. Ўртапишар, 80 кунда пишади. Тўкилишга мойил. Донда оқсил миқдори 25-26, 8 %. Аскохитозга бардошли.

Ўзбекистанская-32 - Ўзбекистон "Дон" ИИЧБда яратилган, 1992 йилда Жиззах вилоятининг лалмикор ерларида туманлаштирилган. Бўйи 45-49 см. Пояси узун, яшил, қалин кулранг тукли. Дуккаги ромбсимон, учи ўткир, тукли. Дони бурчаксимон, сарғиш пушти. Лалмикорликда ҳосили 12, 1 ц/га, 1000 дон вазни 308, 9 г. Ўртапишар, 79 кунда пишади. Донда оқсил - 28, 2 %. Аскохитозга чидамли.

Зимистони – Тожикистон деҳқончилик ИТИда яратилган. Бўйи 24. 5-27 см. Дуккагида 1-3 уруғ бўлади. Дони учли (кўйбош). Ҳосилдорлиги 9, 6-13, 3 ц/га, 1000 дон вазни 173, 2-186, 2 г. Ўсув даври 75-76 кун. Оқсил миқдори 26, 6-27, 2 %, Аскохитоз билан зарарланмайди.

Ҳозирда Самарқанд кишлоқ хўжалик институтида сувликда экишга мўлжалланган «Умид» нави яратилган. Ҳосилдорлиги суғориладиган ерларда 30-35 ц/га. Аскохитозга чидамли. Ўсимликнинг бўйи 70-80 см. Комбайн ёрдамида ҳосилни йиғиштиришга яроқли.

Кейинги йилларда нўхатнинг Лаззат нави ҳам Давлат реестрига киритилди.

Мош

Мош (*PHaseolus aureus* Pip.) - бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Илдиз тизими - ўқ илдиз, 1-1, 5 м чуқурликка кириб боради. Асосий ва ён илдизларида нўхатсимон туганаклар ҳосил қилади. Пояси қиррали, кўп шохлайди, баландлиги 40-60 см, чирмашувчи ёки ярим чирмашувчи.

Барглари учталиқ, йирик, узун бандли. Ўсимликнинг барча органлари шу жумладан дуккаклари ҳам тукли.

Гуллари йирик, сариқ ёки қизғиш сариқ, ҳар шингилида 10-12 гул тўпгул ҳосил қилган. Меваси цилиндр шаклидаги дуккак, тўғри ёки букиқ, учида тумшуги йўқ, узунлиги 10-18 см. Пишганда ранги қўнғирдан қора тусгача бўлади. Ҳар бир дуккагида 7-25 дона 3-6 мм катталиқдаги майда уруғлари бўлади.

Уруғлари яшил, сарғиш ва қорамтир рангда, 1000 уруғ вазни 30-80 г.

У иссиқсевар экин. Уруғлар тупроқда 12-15 °С бўлганда уна бошлайди. Уруғларни униши учун оптимал ҳарорат 20-25 °С. Ўсиш даври нав, агротехника, экилиш муддатига боғлиқ ҳолда 80-110 кун. Ҳарорат -1 °С бўлганда ўсимлик нобуд бўлади. Намсевар ўсимлик. Ўзбекистонда асосан суғориладиган ерларда етиштирилади. Ёруғсевар, қисқа кун ўсимлиги. Тупроқ танламайди ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда ҳам яхши ўсади. Шўр, шўрхоқ ерларда яхши ривожланмайди.

Навлари. Победа-104 нави. ЎЗМУнинг биология ва тупроқшунослиқ факултетининг, селекция ва уруғчилик кафедрасида яратилган. Бўйи 30-50 см. Барглари йирик, гуллари олтинсимон сариқ. Дуккаклари узун, қора тукчалар билан қопланган, дуккагида 10-15 уруғи бор, 1000 уруғ вазни 70-80 г. Баҳорда экилса 90-100, ёзда экилса 75-90 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 12-16 ц/га. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади, Давлат реестрига киритилган.

Радость - Ўзбекистон ШИТИ яратилган. Бўйи 60-70 см. Биринчи дуккаклари 15-17 см баландликда жойлашган. Шингилда 6-8 гули бор. Дуккагида 10-14 дона дони бор. 1000 дон вазни 30-49 г. Оқсил миқдори 24, 2-27, 3 %. Ўртача ҳосилдорлиги 17, 2 ц/га. Ўсув даври 101 кун. Анғизда экилганда 80-85 кун. Қасалликларга чидамли, Давлат реестрига киритилган.

Мошнинг Қахрабо, Наврўз навлари ҳам Давлат реестрига киритилган.

Бурчоқ

Мамалакатимизда бурчоқ озиқ – овқат, техникавий ва ем – хашак экини сифатида экилади. Собиқ СССР да бурчоқ Волга бўйида, Украинада, Ғарбий Сибирда экилади. Ҳосилдорлиги гектарига 15 – 20 ц дон, 250 – 300 ц қўқ массани ташкил қилади. Вегетация даври 80 – 110 кун. Уруғлари 2 – 3°С температурада уна бошлайди. Майсалари қисқа муддатли совуққа чидамли. Экиш нормаси гектарига 150 – 200 кг.

Бурчоқнинг Ўрта Осиёда экиладиган жайдари навлари гуллариининг очиқ ранглилиги, уруғлариининг нақшли бўлиши билан характерларади.

Вика

Вика Ўрта Осиёда оралик экин сифатида экилади. Кузда октябрь ойида экилган вика апрел ойига келиб гектарига 300 центнергача тўйимли, сершира кўк масса туплайди. Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларида кузги виканинг Туркменская нави экилади.

Топширик:

1. Дуккакли дон экинларининг морфологик белги ва хусусиятларини ўрганиш.
2. Дуккакли дон экинларининг озикавий бирликларини билиш ва дафтарга қайд этиш.
3. Маълумотлардан фойдаланиб қуйидаги 18-жадвални тўлдириш.
4. Ўқитувчи томонидан берилган маълумот ва услубий қўлланмалардан фойдаланиб дуккакли дон экинларидан бирининг етиштириш технологик харитасини тузиш (технологик харита шакли иловада берилган).

18-жадвал

Дуккакли дон экинларининг умумий таърифи

Т/р	Белгилари	Экинлар номи					
		Кўк нўхат	Нўхат	Соя	Бурчоқ	Мош	Вика
1	Барглари:						
	Катталиги						
	Шакли						
	Ранги						
	Узунлиги						
	Туклилиги						
2	Гулларнинг ранги						
3	Дуккаги:						
	Шакли						
	Ранги						
	Узунлиги						
	Туклилиги						
	Дон сони						
4	Уруғлари:						
	Шакли						
	Рангикатталиги						
	1000 та						
	Доннинг						
	Вазни, г						
5	Ўсув даври, кун						

15-амалий машғулот. Дуккакли ем-хашак ўтлари

Ишнинг мақсади: Талабаларга чорвачиликда озук учун ишлатиладиган дуккакли ўтларнинг биологик хусусиятларини ҳамда озукавийлик аҳамиятини тушунтириш.

Керакли жиҳозлар, ўқув қўлланмалар: Беда, себарга, эспарцет, қашқарбеда ўсимликларининг гербарийлари, етиштириш технологик харитаси, мавзуга тегишли жадваллар, диаграммалар, рангли расмлар. Дарсликлар ва услубий кўрсатмалар (4, 5, 6).

Ишнинг мазмуни: Ўзбекистон ҳудудида дуккакли ем-хашак ўтлардан беда, қизил себарга, қашқар бедаси, баргак, қуён бедаси, берсим, шабдар каби ўсимликлар кенг тарқалган.

Қўп йиллик дуккакли ўтлардан таркибида оқсил қўп бўлган ва витаминларга бой пичан ёки қўк масса ҳосили олинади.

Беда

Беда ўт-далали, ем-хашак ва дала алмашлаб экишларда қўк масса, пичан, сенаж бостириш учун тоза ҳолда ва бошқа экинларга қушиб экилади.

Беда авлодига (*Medicago*) 50 та тур киради, буларнинг орасида бир йиллик ва қўп йилликлари учрайди. Энг қўп тарқалган турлари:

1. Экма беда, қўк беда – *M. Sativa* L.
2. Сарик беда – *M. Falcate* L.
3. Зангори беда – *M. Coerulea* L.
4. Дурагай беда – *M. Media* L.
5. Хмелсимон беда – *M. Lupulina* L.

Сарик беда – қўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Пояси тик ўсади, ётиб ўсадиган турлари ҳам учрайди. бўйи 40-170 см, пояси тукланган. Барги мураккаб, учқушқулоқ, чузичоқ шаклда, тукланган.

Тўпгули сарик рангли, қўп гулли, шингил. Дуккаги ўроқсимон, қўп уруғли, уруғи сарик-жигарранг, буйраксимон, майда, 1000 та уруғнинг вазни 1-1,5 г.

Зангори беда қўп йиллик ўсимлик, илдизи яхши ривожланган. Пояси тик ўсади, бўйи 50-70 см, қиррали, ингичка тукли. Барги мураккаб, баргчалари ингичка, майда. Тўпгули шингил, гуллари майда, оқ ёки қизғиш рангда. Дуккаги майда, шарсимон ёки бурама шаклида ўралган (2-4 марта), қўп уруғли, усти силлик, уруғи майда.

Дурагай беда табиий шароитда қўк ва сарик беданинг ўзаро чангланиши натижасида пайдо бўлган. Морфологик белгилари билан қўк ва сарик беда оралиғидан ўрин олган. Гулларининг ранги оқ, сарик, туқ бинафша рангли бўлади. Дуккаклари ўроқсимон ёки бурама шаклда бўлади.



16-рasm. Сарик беда.

1-майсаси, 2-ўсимлиги, 3,5,7-гул тўплами,
4,6,8-гуллари, 9-10-уруғи (дони)

Хмелсимон беда бир-икки йиллик ўсимлик, пояси эгилиб ўсади, гуллари сарик рангли, дуккаги майда, буйраксимон, бир уруғли.

Илдизи яхши ривожланган уқилдиз, сершоҳ, тупроққа 2 м дан ортиқ чуқурликка кириб боради. Илдизнинг ён томонларига шохланиши ўсимлик турининг шаклига боғлиқ. Тик ўсадиган тур хилларида илдизи пастроқ шохланади. Илдизининг йўғонлашган қисми илдиз буйни, унинг юқори қисми илдиз бошчаси дейилади. Илдиз бошчасида поя чиқарадиган куртаклар жойлашади.

Пояси ўтсимон, яхши тукланади, усти силлиқ ёки қиррали, туксиз ёки тукли, ичи ковак, паренхима туқималари билан тўлган, ранги яшил, бўйи 60-120 см. Бир тупида 3-10 та поя бўлади, сийраклашган ҳолда 100 тагача бўлиши мумкин. Тупининг шакли ҳар хил.

Барги мураккаб, тоқпатсимон, учқушалоқ. Баргчалари чузинчоқ, тухумсион шаклда. Поянинг пастки қисмидаги барглар майда, ўрта қисмидагилари йирик, юқори қисмидагилари ўртача ва ингичка бўлади. Барги яшил рангли, тукли ёки туксиз. Баргнинг пояга қушилган жойида 2 та ён барглари бор, уларнинг катталиги ва шакли ҳар хил.

Тўпгули қисқа зич шингил, барг қултиқларида жойлашган. Шингилининг катталиги, зичлиги, шакли, ҳар хил. Бир шингилда ўртача 10-30 та гул бўлади. Гули икки жинсли, капалаксимон, қўк ва бинафша рангда.

Дуккаги бурама шаклда, туксиз ва тукли, унда 6-12 та уруғ бўлади. Дуккаги сариқ, жигарранг ва қора. Уруғи майда, сариқ, яшил ва жигаррангда, 1000 тасининг вазни 1, 5-3, 5 г.

100 кг беда пичани 48, 8, шунча қўк массаси 17, 2 озуқа бирлигига тенг.

Қизил себарга

Қизил себарга (*Trifolium pratense* L.) кўп йиллик ўсимлик, унинг бир ва икки ўримли кенжа турлари бор.

Илдизи яхши ривожланган уқилдиз, сершоҳ, 1, 5 м чуқурликка кириб боради. Пояси ўтсимон, тик ўсади, бўйи 1-1, 5 м бўлади. Ўсимлик яхши тупланади, 10 тагача поя ҳосил қилади. Барги мураккаб, учқушалоқ, ён баргчалари тукли.

Бошчасимон тўпгули думалоқ ёки чузинчоқ шаклда, асосий поянинг ва ён шохларнинг учларида жойлашади. Тўпгулида 70-135 та гул бўлиб, гуллари майда капалаксимон, қизил, бинафша рангда.

Дуккаги юраксимон, майда, бир уруғли, сариқ, жигар ва бинафша рангда.

Уруғи майда, чузинчоқ ёки юраксимон, бинафша рангда, 1000 тасининг вазни 1, 5-2, 0 г бўлади.

Себарга тупроқда азот туплайди. У озикачилик ва агротехник жиҳатдан бедага яқин туради.



17-расм. Кливер.

1-майсаси, 2-гул тўплами, 3-гуллари, 4-уруғлари

Баргак

Баргак (эспарцит) *Onobrychis* Adans авлодига киради. Бу авлодга кирадиган турларининг орасида энг кўп тарқалгани:


1. Оддий баргак – *Onobrychis viciafoila* Scop.
2. Закавказье баргаги – *O. Antasiatica* Khin.

3. Кумлоқ баргаги – *O. Arenaria* DC.

Илдизи яхши ривожланган уқилдиз, тупроққа 3-6 м чуқурликка кириб боради. Пояси тик ўсади, тукли, ичи ковак, кам шохланади, бўйи 50-150 м бўлади, 5-8 та бўғинли, тупи йиғиқ ёки сал ёйилган. Барги мураккаб, тоқпатсимон, баргчаларининг сони 11-27 та, майда, ўртача, чузинчоқ шаклда. Ён барги ривожланган.

Тўпгули узун шингил, 20-75 та гули бўлади. Гуллари икки жинсли, капалаксимон, пушти, қизил рангли, четдан чангланади.

Дуккаги ярим доира ёки бурчакли, тухумсимон, юзаси тўрланган, бир уруғли, пишганда чатнамайди. Уруғи ловиясимон, оч жигаррангда, 1000 та уруғнинг вазни 12-15 г, кумлоқ баргакники 8-10 г. Ишлаб чиқаришда дуккаги уруғ сифатида ишлатилади. Дуккаги янчилмасдан экилади.



18-расм. Берсим

Қашқарбеда

Қашқарбеда *Melilotus* авлодига мансуб ўсимлик. Бу авлодга 10 дан ортиқ тур қиради, улардан 2 таси: оқ қашқарбеда – *M. Albus* Medik ва сарик қашқарбеда – *M. Officinalus* Pall. Кенг тарқалган.

Оқ қашқарбедадан кўкат, пичан, силос тайёрланади.

Қашқарбеда икки йиллик ўсимлик, бир йиллиги ҳам чуқурликка кириб боради. Пояси тик ўсади, сершоҳ, анча дағал, ўсимликнинг бўйи 50-300 см бўлади. Барглари мураккаб: учқушалоқ, четлари тишчали, шакли юмалоқ, тухумсимон. Гуллари майда, оқ, сарик рангда, тўпгули узун ингичка шингил. Меваси бир уруғли дуккак, юзаси буришган. Уруғлари майда, бир тусли оч яшил ёки кул, сарик рангда. 1000 та уруғнинг вазни 1, 7-1, 9 г.

Топпирик:

1. Дуккакли ем-хашак ўтларининг ўхшашликлари ва фарқларини ўрганиш. Морфологик белгиларини дафтарга қайд этиш. Рангли расм ва гербарийлар асосида расмларини чизиш. Озиқа бирликларини ўрганиш

2. Беда етиштириш технологик харитасини тузиш (технологик харита шакли иловада берилган).

16-амалий машѓулот. Кўнѓирбошли ем-хашак ўтлари

Ишнинг маќсади: Талабаларга Ўзбекистон яйловларида учрайдиган кўнѓирбошли ўсимликлар оиласига кирувчи кўп йиллик – сувбўѓдойиќ, эркакўт, бетега, ажриќбош, оќсўхта, бўйчан мастак ҳамда бир йиллик вакиллари – судан ўти, кўноќ, чумиза бир йиллик мастаклар билан таништириш. Уларнинг бир-биридан фарќларини ажратишга ўргатиш.

Керакли жићозлар ва ва ўќув кўлланмалар: Кўнѓирбошли ем-хашак ўтларининг гербарийлари, уруѓлари ва ўсимликларидан намуналар, ўсимликлар аниќлагичи, рангли расмлар, жадваллар, тарќатма материаллар, дарслик ҳамда услубий кўрсатмалар (1, 2, 5, 10).

Ишнинг мазмуни: Бу гурућга мансуб бўлган ем-хашак ўтларининг барчаси битта, яъни кўнѓирбошлилар (Poaceae) оиласига мансуб. Улар дунёнинг кўплаб мамлакатларининг чорва озиќачилигида катта аћамият касб этади.

Кўнѓирбошли ўтлардан турли тўйимли чорва озиќалари олишда яйловлар барпо этишда кенг кўлланилади. Уларнинг кўп йиллик вакилларига кўйидагилар киради:


Сувбўѓдойиќ - ушбу оила вакиллари ичида энг кенг тарќалган вакилларидан бири. У кўрѓоќчиликка чидамли ва яхши ўтмишдош бўла оладиган экин. Бу экиндан маданий яйловларни яратишда, кум ва жарликларни мустаћкамлашда ишлатилади. Бошоќ тортиш даврида тайёрланган 100 кг пичанида 57 озуќа бирлиги, 6 кг ёзм бўладиган протиен, 16% оќсил, 3% ёѓ ва 47% АЭМ мавжуд. Сувбўѓдойиќ кўп йиллик ем-хашак ўти бўлиб, ундан бир майдонда 8-10 йил фойдаланиш мумкин. Ћосилдорлиги ўртача 30-40 центнер.

Сув бўѓдойиќнинг эрта баћордаги кайта ўсиши 6-7⁰ С бўлганда кузатилади. Илдизи 10-23⁰ С да яхши ривожланади. У алмашлаб экиш даласида ёалла, дуккакли дон экинлари, эртаги ва кечки сабзаотлардан кейин куз ёки ёзда экилади.

Эркак ўт-бу ўсимликнинг турлари кўп, аммо шулардан синувчан, саћроли, кобирѓали каби турлари кенг тарќалган. У дала ва ўтлоќ озиќачилигида асосий озиќабоп ўтлар каторига киради. Серћосил ҳамда тўйимли ем-хашак ўтларидан бири. Унинг 100 кг яшил озиќасида 22, 9 озиќ бирлиги, 0, 9 кг ёзм бўлувчи оќсил, 68, 8 фоиз сув, 2, 8 фоиз протеин, 11, 3 фоиз тўќима ва 14, 6 фоиз АЭМ.

100 кг пичанида эса 50 о. б. 5, 3 кг ёзм бўлувчи оќсил бор. Эркак ўтни маккажўхори билан кўшиб силослаш ҳам мумкин. Эркакўт бир ерга 7-10 йилгача ўсади ва ўртача ёар гектар майдондан 30-40 центнер

пичан ҳосили беради. У кишга ўта чидамли (-45°C) ўсимлик бўлганлиги туфайли сийраклашиб кетмайди.



19-расм. Эркакўт тупининг умумий кўриниши ва ҳар хил турга мансуб эркакўтнинг органлари

Систематикаси: Эркакўт – *Agropyrum* авлодига мансуб. Бу авлоднинг 13 та тури бўлиб, кўпроқ 4 таси экилади.

1. Кенг бошоқли тароқсимон эркак ўт – *Agropyrum Pectiniforme*.
2. Кенг бошоқли эркакўт – *Agropyrum cristatum*.
3. Тор бошоқли сибир эркак ўти – *Agropyrum sibiricum*.
4. Тор бошоқли дашт эркак ўти – *Agropyrum desertorum*.

Илдизи яхши ривожланган попук илдиз, тупроқнинг 2-2, 5 м чуқурлигича кириб боради. Тайдалма катламда зич чим ҳосил қилади. Пояси сомонпоя, тик ўсади. Бўйи 50-80 см гача бўлиб, яхши туплайди. Барги оддий, ингичка ва узун. Тўпгули – бошоқ, бошоғи кенг ва тор бўлади. Гуллари тукли ёки туксиз бўлади. Бошоқчалари калта қилтиқли (1-4 мм). Меваси қобиқли донча. 1000 та уруғ вазни 1,6-2,2 кг 1 гектарга экиш меъёри ўртача 8-12 кг. Пичан тайёрлаш учун бошоқ тортиш фазасида ўрилса тўйимлилиги юқори бўлади.

Ок сўхта – яйлов ва пичанзор ўсимлиги бўлиб, уни бир йилда 2-4 мартагача ўриш мумкин. У айниқса гуллаш давригача тўйимли бўлади. Шу фазасида ўрилган пичанини 100 кг да 55 озиқ бирлиги ва 4 кг ҳазм бўлувчи оксил бўлса, яшил озукасини 100 кг да 21,1 озиқ бирлиги, 1,5 кг ҳазм бўлувчи оксил, 69-8 фоиз сув, 8,9 фоиз тўқима ва 14,4% АЭМ бор. Ўртача ҳосилдорлиги 50-60 центнер.

Ок сўхта *Dactylis glomerata* L. Ўсимлик илдизи попуқ илдиз. Пояси тик ўсади, сомонпоя. Бўйи 80-150 см, яшил-сарғиш рангда. Барги содда, кенг ва узун. Баргининг вазни пояга нисбатан икки маротабагача оғир бўлади. Тўпгули зич рўвак. Рўвагининг узунлиги 20-30 см.

Меваси – қобиқли донча, шакли чўзинчоқ. 1000 та донининг вазни 1, 0-1, 5 грамм.

Оксўхта узун кун ўсимлиги. Ер ости суви яқин бўлган ерларда яхши ўсади. Уруғлари 5-6 °C да бўртади. Яхши ўсиб ривожланиши учун 20-22 °C ҳароратни талаб этади. Оксўхтанинг Краснодарская – 20 ва Московская – 222 навлари кўп экилади. У эрта баҳорда, кузда ва қишолди даврида ёппасига ёки қаторлаб экилиши мумкин. Экиш меъёри гектарига соф ҳолда 12-14 кг, аралаш ҳолда эса 8-10 кг.

Ок сўхтани пичан учун рўвак чиқариш пайтида ўриб олинади. Ўриш бундан кечикса пояси дағаллашади ва ҳосил камаяди.

Ок сўхтани пичан учун рўвак чиқариш пайтида ўриб олинади. Ўриш бундан кечикса пояси дағаллашади ва ҳосил камаяди.


Бўйчан мастак (райграс) – Бу экин янги яйловларни барпо этишда аҳамиятли ҳисобланади.

I Arrhenatherum elatios турига мансуб, кўп йиллик тупи сийрак ўсадиган баҳори ўт ўсимлиги. 3-4 йил яхши ўсади. Илдизи бақувват, яхши ривожланган попуқ илдиз. Пояси – сомонпоя, силлиқ. Бўйи 100-170 см. Бир йилда 2-3 марта ўриб олинади. Барги наштарсимон, 25 см гача боради. 1000 та уруғининг вазни 2, 5-3, 0 гр.

Бўйчан мастак 100 кг яшил озукасида 19, 8 озукa бирлиги 2, 2 кг ҳазм бўлувчи оксил, шунча миқдор пичанида эса 54, 7 озукa бирлиги ва 8, 5 ҳазм бўлувчи оксил мавжуд.

Бўйчан мастак дуккакли ўтлар билан аралаш экилганда тўйимлилиги ошади ва энг муҳими – аччиқ таъми йўқолади. Ушбу экиннинг Полтавский – 521 нави кенг экилади. Экиш меъёри – соф ҳолда – 15-20 кг, аралаш ҳолда эса 8-10 кг.

Кўп ўримли (райграс) мастак (*Lolium multiflorum* L.) ҳам худди бўйчан мастак сингари кўп йиллик (2-3 йил яшайди) ўсимлик. Пояси тик ўсади. Бўйи 60-80 см. Бир мавсумда 2-3 марта ўриб олинади.



20-расм. Судан ўти.




21-расм. Оқ сўхта

Бетага – кўп йиллик, тўйимли ем-хашак ўсимлиги. Унинг 100 кг пичанида 60 озик бирлиги, 4, 2 кг ҳазм бўлувчи оксил бўлса, шунча миқдор яшил озукасида 21, 2 озукка бирлиги, 0, 8 кг ҳазм бўлувчи оксил сақлайди. Унинг таркибида лизин ва гистидин каби аминокислоталарга бойлиги боис ундан витаминли ўт уни, сенаж ва бошқа турдаги озиқалар ҳам тайёрланади.

Бетаганинг Московская-62, ВИК-5, Курская каби навлари кенг экилади.

Экиш меъёри – 14-16 кг.

Ажрикбош – Кўнгирбошли кўп йиллик ем-хашак ўтларининг вакиллари. Унинг 100 кг пичани 48 озукка бирлигини ва 3, 1 кг ҳазм бўлувчи оксил сақлаши билан бирга Са, Р, С каби моддаларга бой



22-расм. Бўйчан мастак
а-тупининг умумий кўриниши,
б-рўваги, в-меваси

ҳисобланади. У ҳар гектарида ўртача 80-90 центнер пичан ҳосили беради. Бир даланинг ўзида 4-5 йил давомида фойдаланилса бўлади.

Ажриқбош асосан кузда гектарида соф ҳолда 6-10 кг, аралаш ҳолда эса 4 кг ҳисобида экилади.

Судан ўти – *Sorghum sudanense* турига мансуб бир йиллик серҳосил ем-хашак ўсимлиги. Ундан кўкат, пичан, силос, сенаж тайёрланади.

Илдизи яхши ривожланган попул илдиз, ён томонга 75 см гача тарқалган, тупроққа 2,5 м чуқурликка қадириб боради.

Пояси – сомонпоя, тик ўсади, цилиндрсимон, сиилиқ, туксиз, паренхима тўқималари билан тўлган. Ранги оч яшил, бўйи 0,5-3,0 м гача. Яхши тупланади, ўртача бир тупида 12, 25 та поя бўлади. Ўримлардан кейин қайта тез ўсади. Навига қараб асосий поясида 3 тадан 12 тагача бўғин бўлиб, ҳар бирдан биттадан барг чиқади. Барги оддий, йирик, узунлиги 60 см гача, туксиз, яшил рангли, рўвак чиқариш даврида ўсимлик сербарг бўлади.

Тўпгули – рўвак. Рўваги тик ўсади, шакли тухумсимон, ёйиқ, узунлиги 25-40 см гача ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Рўваги яхши шохланади, ён шохларининг учидан 3 тадан бошоқчалар жойлашади, улардан

ўртада жойлашгани мева ҳосил қилади. Бошоқчада 2 та гул бўлади, биттаси мева беради. Гул қобиқлари майин, бошоқча қобиқлари қаттиқ, силлиқ, сарғиш-жигар, кул, жигар ва қора рангда.

Меваси – қобиқли дон, тухум шаклида. Доннинг ранги сариқ, жигар, қизғиш-қизил рангда. 1000 та уруғининг вазни 5-15 г.

Судан ўти пичан, сенаж тайёрлаш, кўкат озик ва яйлов ўти сифатида фойдаланиш учун ўстирилади. 100 кг пичани 52 озук бирлигига тенг.

Топширик:

1. Кўнгирбошли ем-хашак ўтларини морфологик белги ва хусусиятларини ўрганиш. Озика бирликларини билиш. Расмини чизиш ва дафтарга кайд этиш.

2. Берилган маълумотлардан фойдаланиб, кўйидаги 19-жадвални тўлдириш.

19-жадвал

Ем-хашак ўтларининг ҳосилдорлиги ва тўйимлиги

Т/р	Ўсимлик номи	Ҳосил ц/га		Озука бирлиги ц/га		Оқсил кг/га		1 озика бирлигига тўғри келадиган оқсил, гр
		Яшил масса	Пичан	Яшил масса	Пичан	Яшил масса	Пичан	
1	Сувбўғдойик							
2	Эркакўт							
3	Ок сўхта							
4	Бўйчан мастак							
5	Кўп ўримли мастак							
6	Ажрикбош							
7	Сўдан ўти							

17 – амалий машғулот. Илдизмевали ем-хашак экинлари.

Ишнинг мақсади: Талабаларни илдизмевали ширали озуқа экинлари билан таништириш. Уларга қанд лавлаги, нимширин ва хашаки сабзи, брюква, турнепс каби илдизмевали экинлар вакилларини аҳамияти, озуқа бирликларини, бир-биридан фарқ қиладиган морфологик белги ва хусусиятларини ўргатиш.

Илдизмевали экинлар етиштириш технологияси ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув қўлланмалар: Илдизмевали экинлар (лавлаги, сабзи, шолғом, брюква, турнепс ва ҳоказо) вакилларининг муляжлари ёки янги мевалари, гербарийлари, рангли расмлар, жадваллар. Шунингдек дарслик ва ўқув қўлланмалар (1, 2, 3, 9, 10).

Ишнинг мазмуни:

Қанд лавлаги. Қанд лавлагининг ҳар 1 кг. да 746 г сув бўлиб, қолган 254 грами қуруқ моддадир. Шундан 16 г протеин, 15 г клетчатка, 210 азотсиз экстрактив моддалар (шакарлар) ва 12 г. Ни кул қолдиғи ташкил этади. Кулининг таркибида минерал моддалардан кальций, фосфор, магний ва микроэлементлардан темир, кобаль, мис, марганец, рух, бетаин кабилар бор.

Кул қолдиғининг ҳар 1 кг. да кальций- 2, 8 г, фосфор - 0, 9 г, магний – 1, 2 г, темир – 105 мг, кобальт – 70-366 мг, мис- 3, 4-3, 8 мг, марганец – 53-140 мг, рух- 12, 6-37 мг, бетаин – 8-9 г атрофида сақланади.

Қанд лавлаги ҳамма турдаги парранда, шунингдек, чорва моллари учун ҳам юқори сифатли ширали озиқ ҳисобланади. Чунки унинг қуруқ моддаси организмда 90 % ҳазм бўлиш хусусиятига эга. Шунингдек, таркибида сув, минерал ва микроэлементлар кўп сақланганлиги сабабли парранда ёки молга берилган бошқа озиқлар таркибидаги қуруқ моддаларнинг ҳам кўпроқ ҳазм бўлишини таъминлайди. Паррандаларга лавлаги маълум меъёр асосида шундайлигича (натурал) ёки пиширилган ҳолда майдалаб берилади. Натурал ҳолда озиқлантирилганда лавлаги яхши майдаланади ва ҳар битта товўкка 50-100 г, ўрдак ва куркага 150-200 г, ғозга 250-300 г атрофида берилиши керак. Жўжаларга 10-15 кунлигидан бошлаб рациондаги емнинг 10 %, ўрдак ва ғоз болаларига 20 кунлигидан бошлаб 20-25 % ҳисобига бериш мумкин.

Паррандага бериш учун қанд лавлагини майдалаб, сўнгра қурийтиб олиш ҳам мумкин. Чунки қуритилган лавлагини ўзоқ муддат сақлаш ва йилнинг ҳоҳлаган фаслида паррандалар озуқасига қўшиб бериш


мумкин. Қуритилган қанд лавлаги 15-20 % концентрат ерни тежаш имконини беради.

Ўзбекистон шароитида қанд лавлагининг барглари асосий ҳосилининг 40-50 % ини ташкил этади. Қанд лавлагининг 1 кг илдимевасида 26 о. б. сақланади. Шунингдек, 5 кг барглари 1 о. б. тенг бўлиб, унинг 100 кг 22 озиқа бирлиги сақланади. Қанд лавлагининг 250 ц/га ҳосилида 6500 о. б. сақланади ва қўшимча, баргларида 2500, жомдан 15 о. б. олинади қанд лавлаги ва унинг барги ўзининг тўйимлилиги жиҳатидан хашаки лавлаги ва унинг баргига нисбатан икки барабар юқори туради.

Ўзбекистоннинг суғориладиган районларида қанд лавлагидан мўл ҳосил етиштириш мумкин эканлиги республикадаги кўпчилик жамоа хўжаликларининг амалий тажрибасида исботланган.

Хашаки лавлаги. Хашаки лавлаги енгил ҳазмланадиган, мазалик, қорамолларда сутни кўпайтирадиган озиқа экини. Хўжаликларда сут берадиган қорамоллар рациониди хашаки лавлаги 40-50 % етади.

Кимёвий таркибига кўра хашаки лавлаги углеводларга бой озиқа гуруҳига киради. Зоотехник меъёрларга кўра 100 г хом оқсилга 120-150г углеводлар тўғри келиши лозим. Аммо бу оқсил ва углеводларнинг нисбати баҳор ва кузда бузилади. Шу даврда хашаки лавлаги жуда зарур бўлади.



23-расм. Хашаки лавлаги илдимевасининг шакллари

Хашаки лавлагининг 1т илдимевасида 120 озиқа бирлиги, 20-22 кг оқсил, 1 т баргида 100 озиқа бирлиги 40-42 кг оқсил сақланади. Шунингдек унинг илдимеваси фойдали маъданли моддалар, витаминлардан С, В, В₁, В₂, РР ва каротинга бой. Илдимевалар ҳазмланиши бўйича яйлов ўтларидан қолишмайди, дағал озиқаларни ҳазмланишини енгиллаштиради, концентрат ерни тежашга имкон беради ҳамда насл беришни яхшилади. Аммо нимширин хашаки

лавлагини суткалик меъёри 25 кг ошмаслиги лозим. Хашаки лавлагиди бундай чеклаш йўқ. Хашаки лавлагининг ҳар 1 кг қуруқ моддасида 519, 9 г шакар, 101, 8 г протеин, 225, 6 г азотсиз экстрактив моддалар, 92, 2 г клетчатка ва 60, 5 г минерал моддалар бор. Кимёвий таҳлил кўрсатишича, унинг қуруқ моддасининг 50% углевод моддасидан иборат. Шу боисдан хашаки лавлагини ҳамма турдаги парранда ва моллар рационига киритиш мумкин.

Хашаки лавлагининг киш фаслида майда тўғраб рационларга натурал ҳолда киритилиши ёки кузда парранда учун тайёрланаётган омихта силосга майдалаб аралаштирилиши ва кишда силос билан паррандага едирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистонда лавлаги етиштириш имкониятлари жуда катта. Хашаки ва қанд лавлаги, шунингдек, бошқа илдизмевали экинларни илғор агротехника қоидаларига мувофиқ парвариш қилаётган қатор хўжаликлар гектаридан 1000-1200 ц. дан ҳосил етиштирмоқдалар. Хашаки лавлагининг «Эккендорфская», «Сарик», «Баррес», «Идеал» каби навлари ундан ҳам юқори ҳосил беради. Айниқса, «Эккендрофская» нави ҳар гектаридан 1000-1300 ц юқори сифатли яхши ва юмшоқ этли лавлаги ҳосили бера олади.

Лавлагининг пояси ҳам озиқ сифатида паррандаларга берилиши мумкин. Уларнинг ўзига ҳос тўйимлилиги бор. Масалан, хашаки лавлаги поясининг ҳар 1 кг. да 7 г ҳазм бўладиган протеин, 3 г клетчатка, 90 г азотсиз экстрактив модда бор. Ҳозирги даврда лавлаги пояси эзилиб паста ҳолига келтирилган поя массаси шу кунларда соғин сигирларга бериб едирилмоқда. Аммо ем-хашак доначалари паррандага мослаштирилиб тайёрланса, ундан паррандаларни боқишда ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.

Сабзи. Ширали озиқлардан бири бўлиб, деярли ҳамма турдаги паррандалар ва айниқса, ёш моллар учун бебаҳо серсув ҳамда сервитамин озиқ ҳисобланади. Озиқлик қиммати жиҳатидан лавлагидан қолишмайди. Ҳар 100 кг сабзидан 14 озиқ бирлиги, қарийб 1 кг ҳазм бўладиган оқсил, 0, 6 кг кальций, 0, 5 кг фосфор, 3 кг каротин сақланади. Сабзидан 88 % сув бор, 12% эса қуруқ модда. Қуруқ модданинг таркибида 9 % протеин, 2% ёғ, 10% клетчатка, 71% азотсиз экстрактив моддалар, 8% кул қолдиқ бўлади. Сабзи протеинининг таркибида алмаштириб бўламйдиган (синтезланмайдиган) аминокислоталардан лизин, метионин, триптофан; қулида минерал элементлардан кальций, фосфор; микроэлементлардан марганец, мис, рух, кобальт бор. Булардан ташқари, каротин, тиамин, рибофлавин, никотин кислотаси, ҳолин каби витаминлар ҳам бор.

Паррандага озиқ сифатида жамғарилаётган сабзи бошқа бир озиқ массаси билан аралаштириб силосланиши, тузланиб қўйилиши, қурийтиб

олиниши ёки натурал ҳолда сақланиши ва едирилиши мумкин. Озиқлантирилганда катта ёшдаги паррандага унинг рационадаги қуруқ озиқларнинг 20-30%, товуқ- жўжаларига 15-20%, курка жўжаларига, ўрдак ва ғоз болаларига 25-30 % миқдорида бериш тавсия этилади.

Сабзини натурал ҳолда едириш яхши натижа беради. Аммо уни сақлаш муддатининг узунлигига қараб озиқлик қиммати пасайиши мумкин. Чунки оддий ҳолда сақланаётган сабзининг таркибида каротин кундан- кунга парчланиб йўқола бориб, баҳор фаслига келиб икки барабар камайиб кетади, яъни унинг сервитаминлик хусусияти пасаяди. Агар сабзи силосланса, тузланса ёки қуриштиб олинса, таркибидаги каротин тўлиқ сақланади ва келгуси йилги сабзи ҳосилига қадар сақланиши мумкин. Озиқ учун тузланаётган сабзига унинг умумий оғирлигига нисбатан 4% миқдорида туз сепиш керак. Бундай тузланган сабзи ёш жўжаларга берилмайди. Катта ёшдаги паррандаларга кунига 15 г. дан берилади.

Қуритилган сабзи витаминларга бой озиқ ингредиентларидан бўлиб, унинг ҳар 1 граммида 200мкг каротин сақланади. Паррандаларга беришдан олдин қуритилган сабзи ун қилиб майдаланади ва рационнинг қуруқ қисмига нисбатан 3-5% миқдорида қўшиб берилади.

Навлари. Ўзбекистонда Давлат реестрига Зийнатли, Нантская-4, Нурли-70, Мирзои жёлтая-304, Мирзои красная-228, Мишак-195, Шантане-2461, Цирано-Берликумер, Каскаде F1 навлари киритилган.

Топшириқ.

1. Хашаки илдизмеваларни морфологиясини билиш , илдизмева, уруғлари, майсалари ва баргларига қараб аниқлашни ўрганиш.

2. Дарс мазмунини дафтарга қайд этиш. Илдизмевалар тузилишининг расмини чизинг.

3. Маълумотларга асосланиб қуйидаги 20-жадвални тўлдириш.

4. Хашаки сабзи, хашаки лавлаги етиштириш технологик харитасини тузиш.

20- жадвал

Илдизмеваларни уруғлари, майсаларига қараб бир – биридан фарқ қиладиган белгилар

Илдиз-мевалар	Уруғлар					Майсалар			
	Мева ёки уруғ	Шакли	Катталиги	Юзаси	Ранги	Уруғ палласи	Ҳақиқий баргнинг тузилиши		
							Пластикаси	Шакли	Пластикасининг юзаси

18-амалий машғулот. Туганакмевали ем-хашак экинлари.

Ишнинг мақсади: Талабаларни туганакмевали экинлар (картошка, батат, топинамбур)нинг морфологик белги ва хусусиятлари ҳамда уларнинг бир-биридан фарқлари билан таништириш. Туганакмевали экинларни чорва озукиси сифатидаги аҳамиятини талабаларга тушунтириш.

Керакли жиҳозлар: Туганак мевали экинлар (картошка, батат, топинамбур)нинг муляж ёки янги мевалари, гербарийлари, рангли расм ва жадваллар. Дарслик ва услубий кўлланмалар (1, 2, 5, 9).

Ишнинг мазмуни: **Картошка** - паррандалар учун яхши озиқ ҳисобланади. У айниқса, крахмал (углевод) моддасига бой. Таркибида 77, 2% сув, курук модда бўлиб, шундан 20% крахмалдир. Курук моддасининг 9% протеин, 1% ёғ, 3% клетчатка, 82% азотсиз экстрактив моддалар, 5% кул қолдидигидан иборат. Картошканинг таркибида тўлиқ тўйимли аминокислоталардан лизин, метионин ва триптофин; азотсиз экстрактив бирикмалардан шакар, крахмал, пентозалар, целлюлоза, лигнин; минерал моддалардан кальций, фосфор ва микроэлементлардан марганец, мис, рух, кобальт; витаминлардан каротин, тиамин, рибофлавин, ёлин, никотин ва пантотен кислоталари бор. Унинг тўйимлилиги ҳам юқори. Ҳар 100 кг картошкада 30 озиқ бирлиги, 1, 6 кг озиқ протеини, 2 кг кальций, 7 кг фосфор борлиги аниқланган. Картошканинг тўйимли озиқ эканлигини ҳисобга олиб, уни парранда ва чўчкалар учун озиқ рационига концентрат емга нисбатан 15-20% миқдорида кўшиб бериш мумкин. Паррандаларга ва молларга картошкани албатта пишириб бериш керак. Чунки унинг таркибида организмни заҳарлайдиган глюкоалколоидлардан бири соланин ($C_{45}H_{15}O$) бўлиб, қайнатилганда соланиннинг кўп қисми сувга ўтади ва картошка заҳарсизланади. Аммо картошка қайнатилган сувни паррандаларга ва молларга бериш ярамайди.

Картошка жўжаларга, шунингдек, курка жўжаларига 10-15 кунлигида бошлаб рационидagi концентрат емнинг 10% миқдорида, ўрдак ва ёз болаларига 20 кунлигидан бошлаб емнинг 20-25% миқдорида бериш тавсия этилади. Жўжалар 40 кунлик бўлганида ҳар бирига 50 г ва 3 ойлик бўлганида 100 г миқдорида картошка бериш мумкин. Катта ёшдаги товукка суткасига 50-100 г, ўрдак ва куркага 150-200 г, ёзларга 250-300 бериш мақсадга мувофиқдир.

Ер ноки — қимматли техник, озиқ-овқат ва озиқабоп экин ҳисобланади. Туганакларида 30-40 фоиз инулин моддаси мавжуд. Ундан гидролиз йўли билан фруктоза олинади.

Шунингдек, туганакларидан спирт, вино, сирка, ўзум кислотаси, озиқабоп ачиткилар, пиво ва бошқа маҳсулотлар олинади. Ер ноки озиқовкат экини сифатида Франция, Бельгия, Арабистон ва Жазоир каби давлатларда истеъмол қилинади.

Ер ноки озиқа сифатида ҳам қимматли экиндир. Унинг туганаклари, барг, гул ва поялари чорва моллари учун тўйимли озиқа ҳисобланади. 100 кг туганагида 22, 5 озиқ бирлиги, 80, 8 фоиз сув, 2, 2 фоиз протеин ва 14, 9 фоиз АЭМ мавжуд.

Шунча миқдорида силосида 20, 0 озиқ бирлиги, 73, 5 фоиз сув, 12, 7 фоиз АЭМ ва поясининг 100 килограммида эса 23, 2 озиқ бирлиги, 3, 3 фоиз протеин, 2, 5 фоиз оксил, 15, 7 фоиз АЭМ ва 1 кг озиқасида 30 мг каротин сақланади.

Бир туп ер ноки ўсимлиги 100 тагача туганак ҳосил қилади ва уларнинг оғирлиги 6-7 кг келади. Туганаклар чўчкалар учун яхши озиқа ҳисобланади. Унинг поялари эса яхши силосланади.

Ўзбекистонда ер ноки дастлаб 30-йилларда экилган бўлса-да, бироқ, у кам ўрганилганлиги боис кенг тарқалмади. Ваҳоланки, Марказий Осиё шароитида ер ноки ўсимлигининг ҳар бир гектарида ўртача 200-500 центнер туганак ва 300-600 центнер яшил озиқа ҳосили олиш имконияти мавжуд.

Дала озиқачилигида ер ноки билан кунгабоқарнинг дурагай (топинсолнечник)и ўз авлодларига нисбатан ҳосилдор ва бақувватлиги билан аҳамият касб этиши аниқ.

Ер ноки кўп йиллик ва бир даланинг ўзида сурункасига бир неча йил ўсиши мумкин. У асосан далада қишлайдиган туганаклари билан кўпаяди. Шу боис бу экин алмашлаб экиш даласида бўлмаслиги талаб этилади.

У эрта баҳордан кеч кузгача ўсиб ривожланади. Шу хусусияти жиҳатидан ер ноки паст ва юқори ҳароратга барқарордир. Биологик ҳосил эса фаол ҳарорат миқдори 2000-2800⁰ С бўлгандагина шаклланади.

Ер нокининг туганаклари 8-10⁰ С бўлганда униб чиқади. Туганаклари-12⁰ С га, поялари эса -8⁰ С совуққа чидайди.

Ер ноки қурғочиликка чидамли ва ёруғликка унчалик талабчан эмас. Шунингдек, намни ҳам кўп талаб қилмайди. Картокадан фарқи шундаки, туганаклари иссиқлик ёки ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли айниш хусусиятларидан ҳоли ҳисобланади.

Ер нокининг Находка, Скороспелка, Вадим, Киевская белая, топиксолнечникнинг эса Гибрид №15, ВИР, Гибрид № 120 каби навлари экилганда юқори ҳосил беради.

Ер ноки далага куз пайти ёки эрта баҳордан бошлаб ўтказилади. Шу мақсадда тупроқ кузда 28-30 см чуқурликда шудгор қилинади, ҳайдаш олдидан эса фосфорли ва калийли ўғитларнинг асосий қисми солинади.

Ер ноки 10 центнер поя ҳосили билан тупроқдан 30 кг N, 12-14 кг P_2O_5 ва 45 кг K_2O олиб чиқади.

Бинобарин, йиллик азот, фосфор ва калийли ўғитлар миқдори нисбатан гектарига 90-120, 120-150 ва 60-70 кг ҳисобида тавсия этилади.

Туганаклар қаторлаб (қатор оралари 60 ёки 70 см) ўтказилади ва бунда қатордаги экин оралиғи 30-40 см қилиб белгиланади. Туганаклар шароитга қараб 5-10 см чуқурликка ташланади. Туп сони гектарига 40-60 минг туп ҳисобида бўлганда яхши самара беради. Туганакларнинг бир гектарга сарфи эса 7-20 центнер ҳисобланади.

Туганаклар етарли ҳарорат ва тупроқ намлиги бўлганда 8-10⁰ С да униб чиқади ва дастлабки пайтдан оқ тез ўсиб, ривожланади.

Шу сабабли кейинчалик қатор ораларини ишлаш бирмунча қийинлашиши мумкин. Ёз давомида 1-2 марта ишлов берилади ва 3-5 марта суғорилади. Ўсимлики ёзнинг иккинчи ярмида нам билан яхши таъмин этилиши лозим, акс ҳолда туганакларнинг ҳосил бўлиш жараёни сустлашади.

Ер ноки одатда кузда йиғиштирилади ва бу баргларнинг сарғайиши билан амалга оширилади.

Аммо хўжалик эҳтиёжига қараб ер ноки билан банд бўлган далалардан чўчкалар учун яйлов сифатида фойдаланиш мумкин. Бу эса иқтисодий жиҳатдан қулай бўлиб, ҳосилни қовлаш ва ташиб келтириш каби юмушларга ҳожат қолдирмайди.

Ер ноки ҳам худди илдиз ёки туганак мевалилар сингари аввал поялари, сўнгра эса мева (туганак) лари йиғиштириб олинади.

Яшил озикаси КС-1, 8, КС-2, 6, «Вихрь» каби комбайнлар ёрдамида ўриб олинади.

Туганаклар эса механик таркиби енгил бўлган тупроқларда картошка қовлагич билан, оғир тупроқларда эса плуглар билан енгил ҳайдаб, қовлаб олинади.

Ер нокига иккинчи ва кейинги йиллар қаров бериш эрта баҳорда борона қилиш гектарига 90-100 кг N, 60-90 кг P_2O_5 ва шунча K_2O билан ўғитлаш ва қаторларини юмшатишдан бошланади. Қолган юмушлар эса биринчи йилдаги сингари ўтказилади.

Батат (ширин картошка)- туганак мевалиларнинг биздаги янги вакили ҳисобланади.

Батат асосан озиқ-овқат, техник ва озиқабоп экин саналади. Туганаклари таркибида 30 фоизгача крахмал ва 60 фоиз қанд моддаси мавжуд. Қайнатилган туганакларидан павидло, пюре, ун қилинади, пиво ва спирт олинади. 10кг туганаги 35, 7 озиқ бирлиги, 1, 3 кг ҳазм бўлувчи протеин, шунча миқдордаги палаги эса 12, 5 озиқ бирлиги ва 1, 2 кг ҳазм бўлувчи оксил сақлайди. Палаклари яхши силос қилинади.

Бататни ўстиришнинг осонлиги, ҳосилдор ва тўйимли бўлишлиги дала озиқчилигида ҳам ўта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўрта ҳисобда бир гектар батат майдони оғирлиги 100 килограмм келадиган 50 та қорамолни бир ой боқишга имкон беради. Биологик жиҳатдан батат иссиқсевар экин. У 20⁰ С да яхши, 30-35⁰ С да ўта яхши ривожланади. 10⁰ С да ўсишдан тўхтайтиди, - 2⁰С да эса барглари совуққа чалинади.

Бататнинг ўсиш ва ривожланиш давури 130-180 кун. Шунингдек, у намликка дастлабки даврда ўта талабчан, сўнггра эса ўзоқ муддатли қурғокчиликка ҳам чидаши мумкин.

У кўп йиллик ўсимлик бўлса-да, аммо ишлаб чиқаришда бир йиллик сифатида ўстирилади ва вегетатив йўл билан тез кўпаяди.

Ширин картошка-батат Самарқанд ҚХИ ўсимликшунослик кафедраси (Б. В. Борисов, 1991) маълумотича май ойида экиш яхши самара беради.

Аммо бунда экиннинг туп сони гектарига камида 25-35 минг туп бўлиши талаб этилади. Бататга ёш пайти ишлов берилади ва 5-8 марта суғорилади. Туганаклар пишганда йиғиштирилади.

Самарқанд вилояти шароитида батат гектаридан 300-350 центнер ҳосил беради. Муҳими шундаки, батат гектаридан 184, 0-213, 0 тонна озиқ бирлиги ёки 130-150 центнер туганак ва 54-63 центнер палак озиқ бирлиги олиш имконини беради.

Бизда бататнинг Победа-100, Хуа-бей-519, Нэнси ҳолл, Южная Королева каби навларини экиш мумкин.

Топшириқ.

1. Туганак мевали экинлар вакиллариинг бир-биридан фарқларини ўрганиш. Уларнинг озуқа бирликларини ҳисоблаш.

2. Ўзбекистонда экиладиган туганак мевали экинлар навларининг тавсифини билиш.

3. Эртаги ва кечки картошка етиштириш технологик харитасини тузиш. Майдони- 50 гектар, нави- Сантэ, ўтмишдош- кузги ғалла. Технологик харита шакли иловада берилган.

19-амалий машѓулот. Полиз экинлари

Ишнинг маќсади: Талабаларга полиз экинларидан чорва моллари учун ем-хашак сифатида фойдаланиш усуллари, хашаки тарвуз ва хашаки ќовоќ морфологиясини, озукá бирликларини ўргатиш, керакли жићозлар ва ўкув ќўлланмалар;

Керакли жићозлар ва ўкув ќўлланмалар: Хашаки тарвуз ва ќовоќ меваларида муляжлар, рангли расм ва жадваллар. Дарслик ва ўкув ќўлланмалар (1, 2, 4, 6, 9).

Ишнинг мазмуни: Полиз экинлари мамлакатимиз халќ хўжалигида мућим аћамият касб этувчи ўсимликлардир. Улар ќимматли озиќ-овќат ва чорва моллари учун алмаштириб бўлмайдиган ширали озиќалар манбаи ҳисобланади.

Ќовун, тарвуз, ошќовоќ, кабачки, патисон ва цукиня каби вакиллари азалдан шарќ халќлари ўртасида меваларининг бетакрор мазалиги туфайли севиб истеъмол ќилиниб келинган. Ќовун таркибида 8-12 фоиз ќанд, В₁, В₂, С₁, РР витаминлар борлиги улардан шинни ва ќовунќоќлар тайёрлашда ўта ќўл келган.

Аммо ќовун чорва озиќаси сифатида экилмайди. Ошќовоќ ќимматли экинлардан биридир. Унинг таркибида 6-8 фоиз углеводлар, 12 фоиз озиќ бирлиги ва бир ќатор фойдалаи витаминлар мавжуд.

Ундан кўплаб миллий ва парћез таомлар, дори-дармонлар тайёрлашда ва ёѓ саноати хом ашёси сифатида ќўлланилади.

Ўзбекистон сабзагот-полизчилик ва картошкачилик илмгоћининг Самарќанд таянч манзили (И. М. Ашероv, 1985) даги тадќикотлар натижасида озиќабоп йўналишдаги навлар вужудга келди.

Шунингдек, полиз экинлари орасида хашаки тарвуз ҳам алоћида ўринни эѓаллайди. Тарвузнинг хўраки навлари озиќ-овќат ва ширинликлар тайёрлашда аћамиятли саналса, хашаки навлари тез ҳазм бўлиши, сершира ва тўйимлилиги билан ажралиб туради.

Хашаки тарвуз мевалари узун, йирик, маѓзи эса сарѓиш ва одатда ќизѓиш уруѓли бўлади.


Уруш йиллари хашаки тарвуз навлари Н. А. Кузнецова (самЌХИ) томонидан келтирилиб, лалми ерларга экилган.

Ќурук озиќаларни силос ќилишда хашаки тарвузнинг ќимматлилиги айниќса, юќори бўлади. Масалан, маккажўхори дон учун йиѓиштириб олинганда поялари ўта ќурук бўладики, улар тарвуз билан (намлиги 70% атрофида) силосланса тўйимлилиги янада ортади.

Полиз экинларининг яна бир мућим шундаки, улар барча турдаги чорва моллари томонидан зўр иштаћа билан ва чиќитсиз ёйилади. Улар тўѓридан-тўѓри далада молга берилиши ёки силосланиши ҳам мумкин.

Полиз экинлари суғориладиган ва лалми ерларда ҳам юқори ҳосил бераверади ва кўплаб дала экинлари учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Айниқса сойли ва сернам ерларда уларнинг ҳосили янада юқори бўлади.

Суғориладиган ва ғўзанинг салмоғи юқори бўлган виллоятларда тарвуз, ошқовоқ, кабачки каби экинлар маҳсус жой талаб этмайди. Улар ариқ, зовур ёқаларида ва уватлар бўйлаб экилиши ҳам мумкин.



24-расм. Хашаки қовоқнинг мева шакллари

Цукиня эса полиз экинларининг янги вакили сифатида Самарқанд вилояти шароитида ҳаваскор деҳқон ва сабзавоткорлар даласида муваффақият билан экилмоқда.

Лалмикор ва сувли ерларда қовуннинг ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 200-250 центнер, тарвуз ҳосили 250-500 центнер, ошқовоқники эса 300-600 центнерни ташкил этади.

Мамлакатимизда полиз экинларининг майдони кейинги 4 йил ичида бирмунча кенгайди ва ҳосилдорлиги ўсди. 1940 йилда полиз экинлари озик-овқат мақсади учун 38, 6 минг, чорва озикаси учун 1, 7 минг гектарига

экилган бўлса, бу кўрсаткич 1987 йилда 63, 5 ва 31, 4 минг гектарни ташкил этди.

Тарвуз (*Citrullus colocunthoides* Pang.) нинг илдиз системаси яхши ривожланган ўқилдиз, яхши шохланган, ерга 2, 5-3, 0 метргача кириб, атрофга ҳам кенг тарқалади. Пояси ерга таралиб ўсади, 2-5 метргача палак отади, 5-10 тагача шохлайди. Барглари кучли даражада патсимон қирқилган. Поя ҳамда барглари қаттиқ тук билан қопланган. Гули йирик, гултожиси оч сарик, эркак гулларининг гулбанди ўрғочи гулникига нисбатан анча узун, ҳашоратлар ёрдамида четдан чангланади.

Меваси кўп уруғли сохта мева бўлиб, шаклига кўра шарсимон ёки тухумсион чўзиқ, ранги яшил, оч яшил, қорамтир йўлли бўлади. Мевасининг эти яшил ёки оқиш, таркибида 1, 2-2, 6% шакар мавжуд. Вазни 10-15 кг дан 25-30 кг гача. Уруғи ясси тухумсимон, кертикли ва қаттиқ пўстли, ранги ҳар хил. 1000 донасининг вазни 120-200г.

Хашаки тарвузнинг ҳозирда Богарний-112, Бродский-37-42, Дисхим навлари мавжуд.

Ошқовоқ - паррандалар учун сифатли сершира озиқ ҳисобланади. Таркибида 8-12% қуруқ модда бўлиб, ҳар 100 кг ошқовоқда 13-15 озиқ бирлиги, 0, 5 кг протеин, кўпгина азотсиз экстрактив моддалар ва каротин бор. Тўйимлилиги жиҳатдан у бошқа серсув озиқлардан қолишмайди. Ҳар 100 г ошқовоқ 25 ккал энергия беради. Ҳар 100 г ошқовоқда 1, 30 г протеин, 0, 40 г ёғ, 1, 10 г клетчатка, минерал моддалардан: 19 г калиций (Ca), 28 г фосфор (P); аминокислоталардан 70 мг лизин, 20 мг метионин, 20 мг триптофан, 50 мг аргинин, 20 мг гистидин, 70 мг лейцин, 50 мг изолейцин, 40 мг фенилаланин, 40 мг треонин, 60 мг валин бор.

Ошқовоқ паррандага натурал ҳолатда, яхши майдалаб берилади. Унинг ҳисобига маълум миқдорида концентрат озиқларни тежаб қолиш мумкин. Рационга емининг 13-20% миқдорида ошқовоқ киритилади.

Топширик.

1. Полиз экинларини ем-хашак экини сифтида озуқа бирликларини билиш. Расмини чизиш. Морфологик белги ва хусусиятларини ўрганиш, дафтарга қайд этиш.

2. Полиз экинларининг кенг экиладиган навларини тавсифини ўрганиш.

3. Хашаки тарвуз етиштириш технологик харитасини тузиш. Технологик харита шакли иловада берилган.

20-амалий машғулот мавзуси. Яйлов ва пичанзор ўсимликлар

Ишнинг мақсади: Талабаларни Ўзбекистонда ўсадиган яйлов ва пичанзор ўсимликлари билан таништириш. Уларнинг турларини, озиқавий бирликларини, морфологик тузилиши ва бир-биридан фарқларини талабаларга ўргатиш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув қуроллари: Кенг тарқалган яйлов ва пичанзор ўсимликларининг герабарийлари, муляжлар, рангли расм ва жадваллар. Дарслик ва ўқув қўлланмалар

Ишнинг мазмуни: Яйлов ва пичанзорларда тўйимли, энг арзон озиқа олинади. 100 кг яйлов ўти 60 озиқа бирлигига тенг. Табиий пичанзор ва яйловларда хилма хил ўсимлик турлари ўсади. Улар турли ботаник оилаларга киради. Бу турлар 4 гуруҳга бўлинади: кўнғирбошлар, дуккаклилар, хилолдошлар, ўтлар аралашмаси каби ботаник оилалар. Баъзи оилаларга кирадиган айрим турлар нихоятда қимматли ем-хашак ўсимликларидир, бошқалари кам қимматли, баъзилари хатто зарарли ва заҳарлидир. Бу, айниқса, ўтлар арашмасига тегишли, чунки унда жуда кўп турларни ўз ичига оладиган оилалар бўлади.

Ем-хашак экинлари қанчалик ўрганилганлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, кўнғирбошларнинг 506 тури (51%), дуккакдошларнинг 565 тури (57%), хилолдошларнинг 192 тури (38%), астрадошларнинг 683 тури (22%), шўрадошларнинг 183 тури ўрганилганлигини таъкидлаш жоиз.

Республикаимизнинг 14%ни тоғлар ва водийлар ташкил этади, дашт яйловлари кўп. Водий ва тоғ яйловлари ўтларга нихоятда бой бўлади. Дашт ва чала даштлар зонасида асосан шувоқ (Астрадошлар оиласи), шўра (шўрадошлар оиласи), эфемерлар ва бошқа ўтлар ўсади.

Марказий осиеда, шу жумладан Ўзбекистонда табиий ўтлоқлар-яйлов ва ўтзорлар чорвачилик учун катта аҳамиятга эга.

Кўнғирбош

Кўнғирбош (*Poa billosa* L.) Poaceae оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик. У Марказий Осиё, Қозоғистон, МДҲнинг Оврупа қисмида, Кавказ, Ғарбий Сибирда, ўртаденгиз, Эрон, Хиндистонда ўсади. Илдиз попуқ илдиз, бўйи 10 – 30 см, пояси тик ўсади, туксиз, барглари ингичка, бироз буралган.

Тўпгули рўвак, 6 см гача чўзиқ, бошоқчаларининг узунлиги 6 мм, 4 – 7 гулли, оч – тук бинафша рангли. Бу усумлик уруғ ўрнига майда пиёзлар ҳосил қилади. Улар бўлакланувчи куртаклар деб аталади ва бошоқнинг метаморфозлашган учки қисми ҳисобланади. Бу пиёзчалар ерга тушса, униб чиқиб янги ўсимлик ҳосил қилади. Буларнинг бошқача қобиқлари кенг

тухумсимон, ўткир учли, пастки гул қобиқлари кучсиз ифодаланган томирли, четлари тукли бўлади.

Қўнғирбош хилма хил тупроқ ва иклим шароитида ўсишга мослашган ўсимлик. Гуллаш даврида 100 кг қўкати 93 озика бирлигига тенг, таркибида 5, 4 кг оксил мавжуд, ҳосили 2 – 3 ц/га.

Бетага

Бетага (*Fsetuca subcata Rech.*) Роасеае оиласидаги, чул ва чул ўрмонларда кўп тарқалган ўсимликлардан бири.

У кўп йиллик ғалла ўсимлиги. Барглари кўп, кул-ранг-яшил, буралган ёки узунасига жойлашган. бўйи ўртача 30 – 35 см шўр ерларда 15 – 20 см, қора тупроқли ерларда 40 – 50 см га етади.

Тўпгули тўғри, ўртача катталикидаги ингичка рўвак, уруғи чўзиқ, тухумсимондонча.

Тупланиш даврида бетеганинг таркибида 16, 2% протеин, 14, 6% оксил, 3, 3% мой ва 24, 6% тўкима бўлади.

Арпагон

Арпагон (*Eremopyrum orientall Z.*) МДҲнинг кўпчилик қисмида, айниқса Марказий Осиёда кенг тарқалган, қўнғирбошлар оиласига кирувчи бир йиллик ўсимлик.

Бўйи 20 см гача, попуқ илдизли, поялари ингичка, силлиқ, барглари лентасимон, тўпгули бошқоқ ҳолида. У эфемер бўлгани учун асосан эрта баҳорда, сернам йили кузда ўсади ва апрел ойининг охирида ўсишдан тухтайди.

Қуруқ ҳолдаги арпагон таркибида 22, 3% протеин, 17, 9% оксил, 28, 4% тўкима мавжуд. 100 кг озиги 56, 4 – 84, 2 озика бирлигига тенг.

Тўйимлилигига кўра дуккакли ўтларга яқин туради. Шу сабабли баҳорда қуйлар учун сершира озика ҳисобланади. ҳосилдорлиги гектаридан 5 – 10, баъзан эса 18 центнерни ташкил этади.

Балиқкўз

Балиқкўз (*Salsola lanata Pall. – Chenopo diaceae*) Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Мўғилистон ва Хитойда ўсади.

Балиқкўз шўрадошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Илдизи ўқилдиз. бўйи 10 – 60 см, асосидан бошлаб сершоҳ, узун – қиска тукли. Барглари навбат билан жойлашган, қалин, чўзиқли, учи тумтоқ, тўпгули бошқоқсимон ёник рўвак.

Меваси пўстли, кўпинча қизил рангдаги канотчали бўлади. Канотчалари бир – бирига зич жойлашган: уларнинг 3 таси энли, юмшқ, 2 таси энсиз деярли гулён-баргчага қўшилган.

Читир

Читир (*Malcalmia turkestanica* Z.) Марказий Осиё ва Қозоғистонда кенг учрайди. Карамгуллилир оиласига кирувчи бир йиллик, бўйи 5 – 50 см бўлган ўсимлик. Пояси тукли, барглари бандли, кўп гулли, меваси кузукча. Март ойининг бошидан бошлаб ўсади, уруғлари май ойида тулик етилади. Гуллаш даврида таркибида 16, 5% протеин, 10, 6% оксил, 23, 0% тўқима ва 3, 4% мой бўлади. Ҳосилдорлиги гектархисобига жуда кам.

Каврак

Каврак (*ferula assa – foetida* L.) Марказий Осиё, Қозоғистон ҳамда Эрон, Афғонистонда кўплаб учрайди.

Кўп йиллик, ҳаётида бир марта кўпаядиган монокарпик ўсимлик. Сельдерейдошлар оиласига мансуб. Илдизи бакувват ривожланган. Пояси йўғон, бўйи 80 – 140 см, барглари йирик, тўпгули соябондир (48-расм).

Баҳорда сербарг бўлиб, апрел ойида гуллайди ва май – июн ойларида қурий бошлайди. Уни туя, қуй ва эчкилар ҳам яхши ейди. Баргларида 24, 5% протеин, 13 – 18% оксил, 23-27% тўқима, 37 – 47 АЭМ ва 8% гача мой мавжуд. 100 кг қуруқ массаси 88, 5 озиқа бирлигига тенг. Унинг ўртача Ҳосили гектаридан 6 – 7 ц ни ташкил этади.

У кулранг – яшил, илдизпояси ингичка, асосини эски барглар ўраган бўлади. Тўпгули узунлиги 2 см келадиган ўзук – ўзук бошоқчадан иборат. Бошоқчалари 3 – 7 та ва ундан кўп. Тангачабарглари учли, оч рангда, уруғи пуфаксимон шишган халтача ичида. Халтачаси дастлаб ясси буртик, юқориси ғадир-будур, кейинроқ пуфакка ўхшаб шишган, узунлиги 2 см гача, қизилқўнғир, томирли бўлади, учи тумшукчали.

Нўхатак

Нўхатак (*Asfragalus campylorrhyn chus* F.) МДҲнинг жанубий районлари, шунингдек Марказий Осиё мамлакатларида тарқалган. Бир йиллик, бўйи 7 – 30 см. Пояси тик, барглари узунрок, жуфтли, меваси дуккак. (50-расм.)

Эфермер яйловларида март – апрел ойларида ўсади, кургокчиликка чидамли. Айникса баҳорда сервитамин озиқа, унинг таркибида 54, 9 мг каротин, 20 – 24% протеин, 25% тўқима ва 4, 6 – 5, 1% мой мавжуд. Баҳорда тайёрланган 100 кг қуруқ нўхатак озиғи 61 озиқа бирлигига тенг. Ўсимлик вояга етиши билан унинг озиқалик қиммати пасаяди, барглари тўкилади, поясида клетчатка тупланиб боради. Гектаридан одатда 6 – 8 баъзан эса 8 центнергача Ҳосил олиш мумкин.

Топширик:

Яйлов ва пичанзор ўсимлик вакилларининг фарқларини ўрганиш. Озиқавий бирликларини билиш ва дафтарга ёзиш. Расмларини чизиш.

21–амалий машғулот мавзуси. Дағалпояли ўсимликлар

Ишнинг мақсади: Талабаларни Ўзбекистонда ўсадиган дағалпояли ўсимликлари билан таништириш. Уларнинг турларини, озиқавий бирликларини, морфологик тузилиши ва бир-биридан фарқларини талабаларга ўргатиш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув қуроллари: Кенг тарқалган дағал пояли ўсимликларнинг герабарийлари, муляжлар, рангли расм ва жадваллар. Дарслик ва ўқув қўлланмалар (1, 2, 9, 10)

Ишнинг мазмуни: Ўзбекистонда дағал пояли ўсимликлар чул ва дашт шароитида энг яхши, арзон ва тўйимли ем-хашак ўсимликлари ҳисобланади. Уларга янтоқ, каррак, қорабош, селен, чалов каби ўсимликлар киради.

Янтоқ

Янтоқ (*Alhagi pseudalhagi* Desv.) Ўрта Осиёда, МДҲ Европа қисмининг жануби – шаркида, Кавказ, Кичик Осиё, Сурияда ўсади. Ўзбекистонда барча вилоятларда ва қорақалпоғистонда тарқалган.

У дуккакдошлар оиласига мансуб, илдиз бачкили кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдизи ернинг 10 метригача кириб ўсади. Кўп йиллик ўсимликлари илдизининг диаметри 4 – 5 см га етади. Пояси шохланувчан, туксиз, бўйи 50 – 30 см. Шохлари ингичка бўлиб, асосий поядан ўткир бурчак остида чиқади ва юқорига қараб ўсади. Пастки тиканлари йўғон ва калта (7 – 20 мм), юқоридагилари ингичка ва узун бўлади (18 – 30 мм).

Барглари чўзиқ ёки ништарсимон, учи калта, тишчали, четлари туксиз ёки сийрак тукли, эрта тўкилиб кетади (51 - расм).

Гули 3 – 8 та бўлиб жойлашган, тожбарглари кизгиш бинафша рангда. Косачабарги туксиз, аррасимон. Елкани эшак ва қайиқчасида узунрок. Меваси туксиз, бироз эгилган дуккак, очилмайди, 4 – 7 та уруғи бор. Уруғи майда, силлиқ, буйраксимон шаклда.

Янтоқнинг озиқлик қиммати юқори. 100 кг янтоқ озиғи 39 озиқа бирлигига тенг.

Каррак

Каррак (*Conziniazesinosa* Z.) астрадошлар оиласига мансуб ўсимлик, асосан ўрта Осиёда тарқалган. ўсув даври 2 йил бўлиб, бўйи 75 см бўлади.

Пояси эса яшил, ништарсимон, тўпгули соябонча. Каррак сахро ўсимлигидир. ўсув даврида деярли етилмайди, туялар қисман истеъмол қилади. Куйлар пичан сифатида хуш кўради. Гуллаш даврида 100 килограммида 8% протеин, 64% тўқима, 2, 3 кг хазм бўлувчи оқсил бўлади. Шунча миқдори 20, 5 озиқа бирлигига тенг. Ҳосили гектаридан ўртача 15 – 20 центнерни ташкил этади.

Ќорабош

Ќрабош (*Carex pachystylis* Z.) Марказий Осиёда, Ќозоғистон ва биз билан чегарадош хорижий мамлакатларда кенг тарқалган.

У хиллодошлар оиласига мансуб. Кўп йиллик, бўйи 4 – 30 см, пояси уч қиррали, тўпгули бошчасимон (52-расм).

Ўиш ва ривожланиш даври феврал – май ойига тўғри келади. Гуллаш даврида таркибида 19% протеин, 20, 5% тўқима бўлади. 100 кг пичани 102, 1 озиқа бирлигига тенг. Ўртача ҳосилдорлиги 1, 5 – 4, 0 центнерни ташкил этади.

Эркак селин

Эркак селин (*Aristida karelinii* R.) қўнғирбошлар оиласига кирувчи кўп йиллик ўсимликдир. Тупи зич жойлашган бўлиб, пояси тик, бўйи 80 – 150 см, барглари тасмасимон, тўпгули рўвак.

Апрелдан ўсиб, август, сентябрда қурий бошлайди. Гуллаш даврида эркак селин таркибида 37% тўқима, 8, 2% протеин, 6, 3% оқсил ва 2, 3% мой бўлади. 100 кг ми 18 озиқа бирлигига тенг.

Чалов

Чалов, бўз (*Stira hohenackeriana* Z.) Марказий Осиё, Ќозоғистон ва Закавказье яйловларида кўплаб учрайди. Қўнғирбошлар оиласига кирувчи кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик, барги энсиз, тўпгули эса рўвак. (53-расм.) Март ойининг охирида ўса бошлайди, июн ойида пишиб етилади. Чалов бошоқлаш давригача тўйимли ҳисобланиб, таркибида 18% протеин, 25% тўқима бўлади. Ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 3 – 4, 5 центнерни ташкил этади.

Топширик:

Дағалпояли ўсимликлари билан танишиб, уларнинг турларини, озиқавий бирликларини, морфологик тузилиши ва бир-биридан фарқларини ёзиб олиш.

22-амалий машғулот мавзуси. Бута ва чала буталар

Ишнинг мақсади: Ўзбекистонда ўсадиган ва ем-хашак аҳамиятига эга бўлган бута ва чала бута ўсимликлар билан танишиш, уларнинг бир-биридан фарқини, озиқа бирликларини билиш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув қуроллари: Бута ва чала бута ўсимликлар вакилларининг рангли расмлари, гербарийлари. Жадваллар, услубий қўлланмалар (1, 2, 5, 9, 10)

Ишнинг мазмуни: Бута ва чала бута ўсимликлари асосан чул зонасида тарқалаган бўлиб, улар қумларни кучишини олдини олиш билан бирга, ҳайвонлар учун яхши озиқа ҳисобланади. Уларга шувок, сингрэн, черкез, оқ саксовул, қора саксовул, изен, жузғун кабилар киради.

Шувок

Шувок (*Artemisia*)нинг кўп ва бир йиллик ҳисобланган бир неча турлари маълум. Аммо барчаси ҳам мураккаб (астрошош) гулдошлар оиласига кирувчи чала бута ҳисобланади.

Шувок яйловларда ўсадиган эрта баҳорги, кузги ва қишки озиқабоп ўсимлик. Шунингдек таркибида эфемер мойлари (сассик хидли) бўлишлиги бир томондан чорва молларининг иштахасини кузгатса, иккинчитомондан ёмон оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин.

Шувокнинг қуйидаги турларини ўрганиш мақсадгамувофиқдир.

Оқшувок (*Artemisia terrae – albae* K.) қалин оқ тукли, бўйи 40 см атрофидаги, новдалари зич жойлашган ўсимлик. У феврал – март ойларидан ўса бошлайди, ва июн ойида ўсишдан биров тухтагач, сентябрда яна ўса олади ва фақат декабрда гуллари қурийди ва шамол орқали тарқалади.

Оқ шувок ҳам бошқа турлари каби ўсув даврининг 4 – 5 йили етилади ва баҳорда яхши, ёзда ёмон (мажбуран), куз ва қиш ойларида эса яхши етилади.

100 кг ми 31 озиқа бирлигига тенг, 100 кг да 4, 0 кг хазм бўладиган оқсил ва 100 г да 8, 50 мг гача каротин бўлади. Оқ шувок ҳосили гектаридан 2, 0 – 2, 5 центнердан (қуруқ модда ҳисобида) ошмайди.

Шувок (*Artemisia diftusa* K.) астрошошлар оиласига кирувчи кўп йиллик, чала бута ем – хашак ўсимлигидир. Бўйи 50 – 70 см гача етади. Асосан тақир ва шўр тупроқларда ўсади, аммо ер ости суви яқин сой ва

дарё ёкаларида ҳам учрайди. Барглари редукциялашган, гуллари майда бўлиб, барг кўлтигида жойлашган.


Сингрэн

Сингрэн (*Astragalus* Z. *Fabaceae*) Марказий Осиёда Қорақум, Қизилқумда ўсадиган эндемик тур. Ўзбекистонда Бухоро вилоятида ва Қорақалпоғистонда ўсади.

Сингрэн дуккакдошлар оиласига кирадиган бута ўсимлик. Унинг илдиз системаси ўқилдиз бўлиб, ерга 1,5–2 м гача ўсиб киради. Бўйи 50 – 65 см га етади, бир йиллик новдалари узун (13 – 22 см), ёйик ўсади, оқ рангда, ёнбаргчалари бандига ва бир бирига қўшилиб ўсган. Барглари мураккаб барг, тоқ патсимон, юқоридагиларида битта, пасткиларида 3-5 тадан баргчаси бор. Барг банди қаттиқ, сақланиб қолади, лекин тикан каби санчилмайди. Баргчалари тухумсимон, ништарсимон, чизикли, сийрак тукли.

Тўпгули узунлиги 6 – 22 см бўлган кўп гулли шингил. Тож-барглари пушти. Меваси бандсиз дуккакдан иборат: дуккаги чўзиқ тухумсимон, узунлиги 5 – 6 мм келади, тумшукчали, кўп уруғли.

Уруғи буйраксимон, тухумсимон каварик шаклда, узунлиги 2, 5 – 3, 0 мм, эни 1, 5 мм келади, оч сариқ, ёлли ёки ёлсиз.



25-расм. Сингрэн

Черкез


Черкез (*Salsda rechteri* Kar. Ва Litv.) Марказий Осиё, Эрон ва Афғонистонда ўсади.

У шўрадошлар оиласига мансуб бута. Илдизи ўқилдиз бўлиб, ён томонга 4 м гача таралиб, 11 м чуқурликгача кириб ўсади. бўйи 1, 5 метр, баъзан 3 – 4 м келадиганлари ҳам учрайди. Қари тупларининг пўстлоғи кулранг, ёш туплариники сутсимон оқ. Туксиз, лекин баъзан калта тук билан қопланган турлари ҳам учраб туради (57-расм).

Барглари навбат билан жойлашган, ипсимон, яшил рангда, узунлиги 4 – 8 см, учи ўткир, бир йиллик наваларда ривожланади. Гулёнбарглари яшил, учи ўткир. Черкез таркибида ўртача 22, 3% протеин, 19, 6% кул мавжуд. 100 кг ми 86, 4 озиқа бирлигига тенг.

Оқ саксовул

Оқ саксовул (*Haloxylon persicum* Bge.) Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Мугилистон ва Хитойда ўсади.



26-расм. Оқ саксовул

Оқ саксовул шўрадошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик. Илдизи ён томонга 10-15 м га таралиб ва 10 м кўриб ўсади. бўйи 5 м гача етади. Пўстлоғи оч кулранг. Бир йиллик шохчалари оч яшил, каттиқ.

Барглари редукцияга учраган. Гули майда, барг кўлтиғида ёки шохчалари учиди якка – якка жойлашган. Гулёнбаргчалари тангачасимон, юмалоқ, бўлади. Меваси пачоқ эзилган шаклда.

Кора саксовул

Кора саксовул (*Haloxylon aphyllum* Hjin.) Марказий Осиё, Эрон ва Афғонистонда ўсади.

У йирик бута бўлиб, шўрадошлар оиласига киради.

Илдизи ўкилдиз, оқ саксовулникига ўхшайди, лекин ерга ундан чуқурроқ кириб боради. бўйи 7 м гача етади, йўғон, сершоҳ шох –шаббаси тук кулранг, ёғочларининг марказий қисми қорамтир, шохлари тук яшил, осилиб туради.

Барглари редукциялашган тангача, қарама – қарши жойлашган. Гули ва мевалари асосан ён шохларида ҳосил бўлади.

Изень

Изень (*Koshia prostrata* L. - Shrad) Марказий Осиёда, республикаимизнинг кургокчил туманларида кенг тарқалган, шўрадошлар оиласига кировчи ўсимлик. бўйи 35 – 75 см, яхши


тупланган, тук билан копланган. Илдизи ўқилдиз, йўғон, ерга 2-2, 5 метр чуқурга ўсиб киради

Барглари ингичка, ясси, тук билан копланган.

Тўпгулли узун, бошоқчасимон рўвак. Гули 3 – 4 тадан бўлиб, барг қўлтиғида жойлашади. Гулёнбаргчаси тукли. Уруғининг эни 2 мм, юмалоқ, ёки юмалоқ – тухумсимон шаклда, икки томонидан сикилган, жигарранг. 1000 дона уруғининг вазни 0, 5 – 1, 1 г келади.

Изень чала бута ўсимлик, баҳордан то кузгача ўсади, шароитга тез мослашади. Таркибида 10, 6 – 14, 0% кул, 1, 5 – 2, 5% мой, 13, 3% протеин ва 33, 1% тўқима мавжуд. Изеннинг 100 кг қуруқ қисми 45, 1 озиқа бирлигига тенг. Таркибида 5, 6 кг хазм бўладиган оксил бор.

Изень яйлов ҳамда пичанзор ўсимлиги бўлиб, унинг ўртача ҳосили 2, 55 ц/га ни ташкил этади.



27-расм. Изень

Жузгун

Жузгун (*Caligonum caput – Medusae schrent*) ўрта Осиёда ва Мўғилистонда ўсади. Торонгулдошлар (*Polygonaceae*) оиласига мансуб дарахтсимон бута. Илдизи ўқилдиз. бўйи 2 м гача етади. Қари тупларининг пўстлоғи кулранг. Барглари редуциялашган, фақат тангача барглари бор.

Гуллари барг қўлтиғида 2 – 4 тадан бўлиб жойлашади. Гулёнбаргларнинг узунлиги 3 мм гача, пушти ёки қизил рангда. Меваси – ёнғоқча. 100 кг пичани 78, 8 озиқа бирлигига тенг.

Топширик:

Бута ва чала бута озиқабоп ўсимликлар билан танишиб, уларнинг турларини, озиқавий бирликларини, морфологик тузилиши ва биридан фарқларини ёзиб олиш.

23-амалий машғулот мавзуси. Зарарли ва заҳарли ўсимликлар

Ишнинг мақсади: Талабаларни Ўзбекистонда ўсадиган зарарли ва заҳарли ўтлар вакиллари аниқлаш ва ажрата билишга ўргатиш. Уларнинг чорвачиликка келтирадиган зарарларини тушунтириш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув қуроллари: Зарарли ва заҳарли ўсимликлар вакилларининг гербарияси, янги ўсимликлари, лупалар, рангли расмлар, жадваллар ва бошқа кўргазмалар қуроллар. Дарслик ва услубий қўлланмалар (1, 2, 9).

Ишнинг мазмуни: Маълумки, яйлов ва пичанзорларда озикабоп экинлар билан бирга чорва моллари учун зарарли ва заҳарли, баъзан ўта заҳарли ҳисобланган ўсимликлар гуруҳи ҳам ўсади.

Зарарли деганда чорва молларини механик жароҳатловчи ёки маҳсулотлар сифатига салбий таъсир этувчи ўсимликлар тушунилади. Бу ўсимликларнинг тиканли ва ўткир қўлтиқли турлари ҳайвонларнинг ичак, ошқозонларига шикаст етказди. Айрим ўтлардан сутнинг ҳиди ва ранги, гуштининг ҳиди ўзгаради.

Заҳарли деганда эса нафақат чорва молларига, балки инсон учун ўта хавфли ҳисобланган ва таркибида органик кислота, алкалоидлар, глюкозид ва бошқа заҳарли моддалар бўлган ўсимликлар тушунилади. Заҳарли ўсимликлар 10 мингдан ортиқ бўлиб, турли ерларда (чўл, адир, ботқоқлик, ўрмон, тўқайзор, қирлар, экинзор ва бошқа жойларда) ўсади. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида айиктовон, бангидевона, кампирчопон, мингдевона, кўкмараз, талхак, кўшяпроқ каби бир канча заҳарли ўсимликлар учрайди. Улар турли туман оилаларнинг вакиллари бўлиб, ем – хашак ўсимликлари билан бир муддатда ўсади ва кўпаяди. Бу ўсимликларни мукамал ўрганмай туриб, уларга қарши курашиш мумкин эмас.

Зарарли ва заҳарли ўсимликларнинг озикавийлик киймати паст, аммо ўсув даври тугагач улар хавфсиз ҳисобланади ва озика балансида маълум даражада ишлатилиши мумкин бўлади.

Бу гуруҳларга кировчи ўсимликларни ўрганишда қуйидаги асосий вакиллари эътибор берилиши ва таърифи ёзиб олиниши лозим.

Қилтиқ

Қилтиқ (*Thaeniatherum crinfum* N.) кўнғирбошлар оиласига кировчи бир йиллик зарарли ўсимлик бўлиб, Қрим, Қозоғистон, Кавказ ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган. бўйи 15 – 60 см, барглари энсиз, лентасимон, тўпгули зич бошоқ.

Ќилтиќ феврал ойининг охиридан бошлаб майнинг ўрталаригача ўсади, пишиб етилгач, тезда қуриб қолади ва шу давридан бошлаб зарарли ҳисобланади. Аммо қилтиќ чупи ниҳол ҳолида протеин, мой ва углеводларга бирмунча бой бўлиб, уни барча турдаги чорва моллари яхши ейди. Шунинг учун ҳам унга қарши курашишда ўсишининг эрта давриларида (баҳорда) зарарсизлигини эсда тутиш мақсадга мувофиқ.

Ќуёнарпа

Ќуёнарпа (*Hordeum leporinum* L.) қўнғирбошлар оиласига киради. У ўрта Осиё, Ќозоғистон ва мамлакатимизнинг жанубида учрайди.

Бўйи 15 – 40 см, пояси бўғин – бўғин, тирсақли, силлиқ, . Барглари энсиз, тўпгули бошоқ ҳолда. Биологик жиҳатдан эфемердир, мартдан июн ойигача ўсади. Ќуёнарпа барча турлари чорва моллари томонидан яхши ейилади. Гуллаш даврида қуруқ қисмида 15, 8% протеин, 3, 2% мой ва 26% тўқима мавжуд. Аммо пишиб етилгач (қуриб дағаллашади) чорва ҳайвонларини механик жароҳатлаши мумкин. Ќуёнарпани пичан озикаси тайёрлаш учун ўсишининг эрта давриларида йиғиштириб олиш мумкин.

Шунингдек зарарли ўсимликларга қорамашоқ, чакиртикан, қўйतिकан кабилар ҳам мисол бўлади.

Заҳарли ўсимликлардан қуйидагилари кўпроқ учрайди.

Оқ қурай

Оқ қурай (*Psoralea drupacae*) дуккаклилар оиласига кирадиган кўп йиллик заҳарли ўсимлик. Илдизи ўқилдиз. Пояси яхши шохланган, бўйи 60 – 150 см. Барглари бандли, оддий. Тўпгули бошоқсимон шингил, меваси дуккак.

Ўрта Осиё шароитида оқ қурай асосан лалми минтақаларда ўсади, қумли минтақада кам учрайди. ўсув даври март – август ойлари ҳисобланади ва кузда тамоман қуриydi.

Озикавийлик киймати жуда паст. Қўкатиини еган қуйларда бола ташлаш ҳоллари юз беради. Аммо қўй, эчки ва туялар юмшоқ ҳолдаги гул, дуккак, уруғ ва барглариини истеъмол қилади. Пишиш арафасида 100 кг оқ қурай таркибида 11, 3% протеин, 30, 5% тўқима, 41, 2% АЭМ ва 9, 7% мой бўлади.

Таркибида друпацин каби заҳарли бирикма мавжудлиги сабаб ўта заҳарли ўсимлик ҳисобланади. Меваси август – сентябр ойларида пишиб етилади ва сўнгра тез саргайиб қуриydi. Таркибида, шунингдек, леганин, гармин, каби заҳарли моддалар мавжуд. Чорва моллари мевасини еса оёқ қалтираши, нафас олиши қийинлашиши, юрак ва

ошқозон фаолиятининг бузилиши, баъзи ҳолларда ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

Учма

Учма (*Ceratocera falcatus* P.) айиктовондошлар оиласига мансуб бир йиллик эфемер ўсимлик. У ўта заҳарлилиги билан ажралиб туради.

Пояси тик ўсувчи бўлиб, бўйи 3 – 10 см, барглари узун бандли, панжасимон учта бўлакли, гуллари майда, биттадан жойлашган, сариқ рангда. Меваси эса ўткир тукчали. У яйлов ва пичанзорларда кенг тарқалган (62-расм).

Ўсув даври феврал ойидан бошланади. Март ойида гуллаб, апрел ойида пишиб етилади. Асосан сернам йиллари кўпаяди. Учма чорва моллари учун гуллаш даврида ўта хавфли ҳисобланади. Чунки худди шу даврда ундаги протоапемонин алкалоидининг миқдори баланд бўлади.

Чорва моллари томонидан ейилиши ҳоллари содир бўлганда уларнинг корни дам бўлиши, сийдик чиқаришнинг кийинлашуви, бирмунча тартибсиз ҳаракат қилишлари сезилади.

Гуллаш даврида кейин учма деярлик зарарсиз ҳисобланади, бу эса яйловлардан яна фойдаланиш имкониятини беради.

Кампирчопон

Кампирчопон (*Trichodesma in anum* Bge) Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Шимолий Эронда ўсади. У говзабонгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик заҳарли ўсимлик. Илдизи баққуват, пояси бироз кўтарилиб ёки ёйилиб ўсади. Пастки қисми ёғочланиб кетган, тук билан қалин қопланган. Кейинроқ туки тўкилиб кетади, тупининг юқори қисми жуда сертук, бўйи 30 – 60 см га етади.

Баргларининг узунлиги 3 – 8 см, эни 1, 3 – 2, 5 см. Бандсиз, четлари текис, шакли тухумсимон, чўзиқ ништарсимон. Учи ўткир, олди ва орқа томони тук билан қопланган. Тўпгули рўвак. Гулёнбаргчалари тук билан қопланган. Тожбаргларнинг диаметри 2 – 2, 5 см, гуллаш даврида найчаси оқ, пояси ҳаворанг бўлиб, кейинроқ гул найчаси пушти рангга киради. Меваси бир – бирига ёпишган 4 та ёнғокчага ўхшайди, пишганда ажралиб кетади. Каттиқ, катталиги 6 – 7 мм.

Пояси, барги, уруғи заҳарли. Таркибида триходесмин алкалоиди мавжуд. Чорва молларини нобуд қилиши мумкин.

Кўкмараз

Кўкмараз (*Heliotropim lasiocarpum* – Fisch es Mes.) Ўрта Осиё, МДХ Европа қисмининг жанубида, Кавказ, Эрон, Афғонистон, Арабистон, Хиндистонда ўсади. Говзабонгулдошлар оиласига мансуб бўлган бир йиллик ўсимлик. Илдизи ўқилдиз. бўйи 10 – 15 см, пояси тук билан қопланган, ранги кулранг. Барглари бандли, барг шапалоги тухумсимон чўзиқ.

Гули оқ, гултожибаргларининг узунлиги 3 мм келади, улар йиғилиб тўпгул – гажак ҳосил қилади. Меваси ёнғоқча, усти калта, каттиқ тук билан қопланган.

Ўсимликнинг поясида, баргида ва уруғида гелиотрин ва лазиокарпин каби заҳарли моддалар мавжуд. Ўсув даврида 200 г кўкати истеъмол қилган ҳайвон, уруғи дон ёки бошқа маҳсулотга аралашиб қолса, уни еган инсон нобуд бўлади.

Топшириқ:

Зарарли ва заҳарли ўсимликлар вакиллари фарқларини, морфологик белгиларини, чорва молларига келтирадиган зарарларини ўрганиб, дафтарга қайд этиш. Расмларини чизиш.

Олинган маълумотларга асосланиб, қуйидаги жадвални тўлдириш.

21- жадвал

Яйловларда кўп учрайдиган заҳарли ва зарарли ўтларни тавсифи

Ўсим- лик	Оила- си	Ўсимлик- нинг мор- фологик хусусият- лари	Учраш жой- лари	Моллар томони- дан ейилиши	Зарарлиги		Заҳарли	
					Қайси ҳайвон тури учун	Келти- радиган зарар- нинг ҳарак- тери	Қайси ҳайвон тури учун	Заҳар- лилик дара- жаси

24-амалий машғулот. Силоснинг етилиши ва унинг сифатини аниқлаш

Ишнинг мақсади: Талабаларга сифатли силос тайёрлаш технологиясини, силосни етилишини тўғри белгилаш ва унинг сифатини аниқлашни ўргатиш. Бунда талабалар силос сифатини энг керакли тарқалган органолептик усулда аниқлашни ўрганадилар

Керакли жиҳозлар ва ўқув қуроллари: Маккажўхорининг сут – мум пишиш фазасида ўриб тайёрланган ва маккажўхорининг сомонидан (похол поясидан) тайёрланган силосдан намуналар, таксимчалар, пакетчалар, индикаторлар, рангли расмлар, жадваллар, дарсликлар ва услубий қўлланмалар (1, 2, 7, 8).

Ишнинг мазмуни: Силоснинг етилиши ундаги ҳароратга, хом ашё турига ва уни тайёрлаш усулига боғлиқ бўлади. У тўғри бостирилганда 10- 14 кунда молларга бериш учун етилади. Силос бостирилгандан кейин 20 кун ўтгач силослаш жараёнини қандай боришини текшириш учун намуна олинади.

Сифатли силосдан ивитилган олма, пиширилган жавдар нони, нордон карамнинг ёкимли ҳиди келади.

Силосдан солярка ёки гўнг ҳидининг келиши унинг бузилганлигини билдиради. Бир сиким силос кулга олиниб сикилганда кулга ранги юкса ва силос тайёрланган ўсимлик қисмлари қуринмаса бундай силос бузилган ҳисобланади. Силоснинг қора тусга кириши унинг чириганлигини кўрсатади. Сифатсиз, бузилган могор босган силосни молларга бериш мумкин эмас.

Сифатли силоснинг ранги шу ўсимликнинг асли тусига ўхшаш бўлади ва силос тайёрланган ўсимликнинг майда барглари, поялари аниқ кўриниб туради.

Силос сифатини органолептик йўл билан аниқлаш. Силос иншоотини очишдан олдин чуқурдаги силосдан ўртача намуна олинади. Намуналар силос иншоотининг турли жойларидан турли чуқурликдардан олинади. Намуна олиш пайтида ҳосил бўлган бўшлиқлар дархол беркитилади.

Талабалар дафтарларига силос бостирилган кунни, намуна олинган кунни, силосни ботаникавий таркибини, рангини, структурасини, ҳидини, бузилган бўлса бузилиш белгиларини ёзиб олади.

Ўқувчилар силосни белгиларини ёзиб олишда айникса унинг рангига эътибор беришлари керак. Силоснинг ранги силос тайёрланган хом ашё рангига канчалик яқин бўлса у шунча сифатли бўлади.

қорайган, қорамтир тусга кирган силос чирий бошлаган бўлади. Бундай силос молларга берилганда, улар қаттиқ заҳарланишлари мумкин.

Бузилган силос – чирий бошлаган, могор босган, тупроқ аралашган, қўш ахлати билан аралашган бўлади.

Силос унинг органолептик кўрсаткичларига, намлиги, ҳиди, ранги, таркибидаги кислоталар миқдorigа қараб қуйидагича баҳоланади: аъло, яхши, ўрта, тўлиқсиз ўрта, ёмон, жуда ёмон.

Аъло. Хушбўй ҳидли, ранги сарғиш яшил, поя эзилмаган, кислоталиги pH-4, 2, жами кислоталар миқдори 1, 9-2, 4%, жами кислотадан 60% сут кислота, 40% сирка кислоталардан бўлиши керак. Ёғ кислота бўлмаганлиги маъқул.

Яхши. Хийла сезиларли даражада мева ҳиди бор. Ранги сарик, айрим ҳолда кулранг яшил. Пояси яхши сақланган, эзилган эмас. pH-4, 0-4, 3, кислоталар миқдори, 1, 5-2, 5%. Унда 40-49% сут кислота, 35, 60% сирка кислота, 5% ёғ кислота бор.

Ўрта. Жавдар унидан пиширилган нон ҳидини беради. Ранги тўқ жигарранг ёки қорамтир, пояси хийла ириган, силос қўлга олинса, қорамтир ранг қўлга юқади, pH – 4, 2, кислоталар миқдори 1-1, 5%, шундан 40-30% сут кислота, 50-70% сирка, 12% ёғ кислоталар.

Тўлиқсиз ўрта. Сирка кислота ҳиди келади. Силосни қисмлаб олиб кафтга қўйиб эзилса, ўзоқ вақт давомида кафтдан чиринди ҳиди келиб туради. Ранги яшил ёки хира яшил. Пояси эзилмаган, кафтда доғ қолдирмайди, pH-4, 2-4, 6. Кислоталар миқдори 1-1, 5%, шу жумладан, 40-30% сут кислота, 50-70% сирка кислота, 12-21% ёғ кислота.

Ёмон. Аммиак ёки тузланган балиқ ҳиди келади. Ранги яшил, қорамтир ёки тўқ жигарранг. Пояси ириган, шилимшиқ ҳолатда, ёпишқоқ. Қўлга олинганда кафтга ёпишади, pH-4, 7-6, 0. Кислоталар миқдори 1%. Шундан 29% сут кислота, 21% ёғ кислота.

Жуда ёмон. Гўнг ҳиди келади. Ранги бўғиқ яшил. Қўлга олиб кафт орасига олиб уқаланса, кафтда қора ранг ифлос доғ қолади, pH –6-7. Кислоталар миқдори 0, 5%.

Силоснинг иштаҳа билан ейилишини таъминлаш учун уни углевод моддасига бой илдизмевали озиқлар билан тўлдириш яхши натижа беради. Илдизмевалар силос таркибидаги қуруқ модда ва органик кислоталарнинг яхши ҳазм бўлишини таъминлайди. Шунингдек, силосни юқори сифатли пичан ёки қўқ ўт билан аралаштириб бериш ҳам яхши натижа беради. Силос бериб боқилаётган молларнинг озиқ рационига минерал моддалар киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Силоснинг кислоталилигини аниқлашда индикаторлардан фойдаланилади. Индикаторлар рангининг ўзгаришига қараб, силоснинг кислоталик даражаси аниқланади.

Силоснинг сифати доимий бўлмайди. Унинг сифатини аниқлаш учун силосхонанинг турли жойларидан – юасидан, ўртасидан ва тубидан ўртача намуналар олинади. Намуна олинган жойни силос массасига ҳаво кирмаслиги учун бошқа бир масса билан тўлдирилади. Олинган намуналар полиэтилен ёки шиша банкаларга солиниб яхшилаб беркитилади ва таҳлил қилиш учун агрохимё лабораторияларига жунатилади.

Топшириқ: Сифатли силос тайёрлаш технологиясининг элементларини ўрганиш. Силоснинг сифат курстқичларини аниқлаш усулларини билиш. Сифатли силос белгиларини дафтарга қайд этиш. Янги келтирилган силоснинг сифатини аниқлаш.

25-амалий машғулот. Силосланган массани ҳисоблаш

Ишнинг мақсади: Талабаларни тайёрланган ва босилган силос массасини ҳисоблашга ўргатиш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув қуроллари: Силос босиладиган иншоотлар муляжлари, лойихалари, ҳисоблаш машиналари, дарслик ва услубий қўлланмалар (1, 2, 3, 9).

Ишнинг мазмуни: Силосланган массанинг миқдорини ҳисоблаш учун массанинг ҳаммаси силос иншоотида жойланишидан олдин тарозида тортилади ёки силос ортилган тара массаси билан бирга тортилади ва олинган ракамни силос ташийдиган транспорт сонига кўпайтирилади.

Аммо тайёр силос бостирилган масса оғирлигидан кам келади. Силосланадиган массани бир қисми намликнинг камайиши ва бошқа омиллар ҳисобига камаяди.

Ўраларда силос массаси бостирилгандагига нисбатан 0 – 82 фоиз, силослаш технологияси бузилганда эса 65 – 70 фоизгача сақланади.

Силос босиш учун фойдаланилган хом аше турига қараб 1 м³ ҳажмдаги силос вазни 400 750 кг гача бўлади. Бинобарин, силос игшоотининг ҳажмини билган ҳолда силоснинг умумий миқдорини аниқлаш мумкин.

Одатда, силос иншоотида жойланган кун, силосланадиган хом ашёнинг тури кўрсатилган ҳолда ҳар бир чуқур ёки траншея учун далолатнома тузилади. Далолатнома силосни сақлаш учун масъул кишига топширилади.

22- жадвал

1 м³ ҳажмидаги силос ва сенаж оғирлиги

Силос	Шиббаланган траншеяда	Чуқурда
Сутали маккажўхори	650	650
Маккажўхори сомони (похолпояси)	600	550
Сутали маккажўхори соя	675	650
Маккажўхори сомони хашаки тарвуз	700	650
Маккажўхори сомони полиз экинлари ёки картошка палаги	650	550
Сутали маккажўхори бегона ўтлар	700	650
Маккажўхори сомони бегона ўтлар	650	600
Беда сомон	650	525
Ғалла экинлари сомони тарвуз	750	700
Сенаж		
Беда сенажи	700	650
Рапс, перко, жавдар сенажи	775	675

Траншеяларда силос массасининг ҳажми қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\frac{l_1 + l_2}{2} \cdot \frac{b_1 + b_2}{2} \cdot h$$

Бунда, l_1 – траншеянинг юза қисми узунлиги;

l_2 – траншея тубининг узунлиги

b_1 – траншея юзаси қисмининг эни;

b_2 – траншея тубининг эни;

H – траншеяда жойлашган силос массасининг баландлиги

Цилиндр шаклидаги силос босиладиган чуқурнинг ҳажми қуйидаги формула бўйича аниқланади:

D – иншоот диаметри;

H – босилган силос массасининг баландлиги

Талабалар формулалардан ва жадвалдан фойдаланиб силос иншоотида жойлашган силос массасини аниқлайдилар ва актда кўрсатилган силос миқдорини таққослайдилар.

Силосни чуқурдан чиқариб олишда аввало устига ёпилган жой ва тупроқ олиб ташланади. Чуқур устидан олинган материаллар чуқурдан унча узоқ бўлмаган жойга тахлаб қўйилади. Силос кундалангига, кундалик эҳтиёжга яраша қаватма-қават қилиб кесиб олинади. қолган силос бузилиб қолмаслиги учун полиэтилен ёки бошқа материал билан беркитиб қўйилади. Чуқурдан олинган силос бузилиб қолмаслиги учун тезликда молхонага жўнатилади.

Траншеядан силос чиқариб олинаётганда, унинг устидаги лой қаватининг ҳаммаси олиб ташланмай, эҳтиёжга қўра 1,5 – 2,5 метргача очилади. Силос траншеянинг тубигача тик қилиб кесиб олинади. Траншеядан силос автомашина ёки транспортёр ёрдамида чиқарилади. Траншея ичида қолган силос массаси похол ёки полиэтилен плёнкаси билан ёпиб қўйилади.

Топшириқ: Берилганларни ўқиб, дафтарга қайд қилиш. Ўқитувчи томонидан тайёрланган турли масалаларни гуруҳларга бўлиниб бажариш.

26-амалий машѓулот. Сенажнинг сифатига баћо бериш

Ишнинг маќсади: Талабаларни сенаж тайёрлаш технологиясининг элементларини, сифатли сенаж ва унинг белгиларини аниќлай билишга ўргатиш.

Керакли жићозлар ва ўқув қуроллари: Тайёрланган сенаж намуналари, стандартлар, рангли расм ва жадваллар, дарслик ва услубий қўлланмалар (1, 2, 3, 9).

Ишнинг мазмуни: Сенажни молга беришдан олдин унинг сифат кўрсаткичлари аниќланади. Бунда энг аввало сенажнинг ћиди, ранги, ўсимлик поясининг тузилиши ћолати текширилади. Сўнгра органолептик жићатдан кўрикдан ўтказилиб, яхши, ўрта ва ёмон сифатли деб баћо берилади. Кейин кимёвий лабораторияда зоотехник таћлили ўтказилиб, таркибида протеин, ёѓ, углевод, клетчатка, каротин моддалари ва органик кислоталар миќдори ћамда уларнинг бир-бирига нисбати аниќланади. Булардан ташќари, моѓорлаш, чириш, ачиш даражаси ва бегона нарсалар аралашмаси билан ифлосланганлик ћолати текшириб чиќилади.

Яхши сифатли сенаж хушбўй ћидли бўлади ёки ундан мева ћиди келади. Ўрта сифатли сенаж янгигина жавдар нон ћидига ўхшаш ћид тарќатади. Бундай ћид масса меъёрдан ортиќ кизиб кетганлигини билдиради. Унинг органик моддалари яхши ћазм бўлмайди. Ёмон сифатли сенаждан моѓор, тахир-ачиган ёѓ, сирка кислотаси, гўнг, тузланган селёдка ћиди келади.

Яхши сенажнинг ранги ўсимликнинг турига ќараб яшил, ќорамтир яшил, сарѓиш яшил тусли бўлади. Ёмон сифатли сенаж ќорамтир, кулранг ва ќора рангда бўлади, шунингдек, моѓорлаган, ириган, чириган ћам бўлиши мумкин.

Ўсимлик поясининг тузилиши яхши сифатли сенажда бутун ћолда саќланади. Ёмонида эса поя ириб ёпишиб кетган бўлади. Массани кўлга олиб ушлаганда кўлга ёпишади ва кўлга ќора ранг ёпишади.

Яхши сенажда ёѓ кислота мутлаќо бўлмайди. Ўрта сифатлисида 5% ёѓ кислота бўлиши мумкин, бошќа хил кислоталар эса 8-14% атрофида ћосил бўлади.

Сенажнинг баћоси балл билан ўлчаниб, уч синфга бўлинади:

Яхши сифатли сенаж 16-20 балл билан баћоланади ва I навга киритилади; ўрта сифатли сенаж 12-15 балл билан белгиланиб, II навга ажратилади; ёмон сифатли сенажга 7-9 балл берилади ва III навга тааллуќли деб ћисобланади.

Сенажга бериладиган балл кўрсаткичлари унинг таркибидаги озиқ моддаларнинг миқдори, массанинг ҳиди ва рангига қараб белгиланган балларнинг йиғиндисидан иборатдир. Баллни аниқлаш учун қуйидаги шкаладан фойдаланиш тавсия этилади:

23- жадвал

**Дуккакли экинлардан тайёрланган сенаж учун белгиланган баллар.
(дуккакли экинлар 55% дан ортиқ)**

Хом протеин (қуруқ моддадан % ҳисобида)	Балл
14, 5 дан юқори	6
14, 4-12	4
11, 9-10	2
10 дан кам бўлган ҳолда	0
Клетчака миқдори (қуруқ моддадан % ҳисобида)	
100 дан юқори	4
25, 1-27	3
27, 1-29	2
20, 1-31	1
31 дан юқори	0
Каротин (1 кг қуруқ модда таркибида мг)	
100 дан ортиқ	3
99-60	2
59-40	1
39-20	-5
19, 9 дан кам	-7
Ёғ кислота (жами органик кислоталардан %)	
0-4	4
4, 1-8, 0	2
8, 1-14	0
14, 1 дан ортиқ	8
Ҳиди: хушбўй, мева ҳиди	2
Янги пишиб чиққан жавдар нон ҳиди, асал ҳиди	0
Янги пишиб чиққан нон ҳиди	4
Ранги: оч яшил	1
Оч кулранг	0
Оч жигарранг	0
Тўқ жигарранг	0

Сенаж юқори сифатли бўлиши учун уни тайёрлаш технологиясига жиддий эътибор бериш керак. Технологик жараёнларнинг бузилиши оқибатидан сенаж бузилади, молга бериб едириш учун ярамайдиган ҳолга келиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Сенаж қилиб

бостириладиган ўсимлик ўрилиб дала шароитида сўлитилганда ортиқча қуришиб юборилиши мумкин. Барглари ҳам тўкилиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Айни ҳолда таркибида клетчатка миқдори кўпаяди. Қувват берувчи озиқ моддалар ҳамда каротин кам бўлади. Сўлитишга қўйилган ўсимлик поя ёғин-сочинда, шудринг ва қировда қолишига йўл қўймаслик керак. Ёмғир, шудринг, қиров сувлари поя таркибидаги озиқ моддаларни, минерал тузларни ювиб тушади, тўйимлилик пасаяди. Шунингдек, поя яхши сўлимайди. Намлик юқори бўлиш ҳисобига озиқ сифати бузилади. Поя ортиқча қуририлиб намлиги 30-40% қолганда сенаж қилиб бостирилса массада чириш жараёни бошланиши мумкин. Яхши сўлитилмай 50-60% намликда бостирилса фойдали кислоталар вужудга кела олмайди. Бундан ташқари, ўсимлик қайси ўсиш даврида ўрилганлиги ҳам сифатга ва тўйимлилик кўрсаткичларига таъсир кўрсатади. Агар дуккакли экинлар тўлиқ гуллаганда, бошоқлилар эса тўлиб бошоқ чиқарганда ўрилса поя дағаллашган бўлади. Унда клетчатка кўп сақланади. Унинг ҳисобига қувват берувчи моддалар кам бўлиб тўйимлилик пасаяди. Яъни ўсимликнинг ўсиш фазасини ҳам эътиборга олиш керак. Технологиясига катъий равишда риоя қилиб бостирилган сенажнинг сифати Давлат стандарти (ГОСТ) талаби бўйича ҳам баҳоланиши мумкин. ГОСТ 23637-79 талабига биноан сенаж I, II, III синфларга бўлинади ва синфга мансуб бўлмаган хилига ажратилади. (24- жадвал).

Хандакка зичлаб бостирилган сенажнинг миқдорини аниқлаш учун аввал хандак ҳажмини (V) топиш керак. Бунинг учун хандак остининг эни (v_2), узунлиги (L_2), юқори қисмининг эни (v_1), узунлиги (L_1) ва чуқурлиги ўлчаб олиниб, қуйидаги формула бўйича хандак ҳажми (V) аниқланади:

$$V = l_1 + l_2 \times . V_1 + v_2 = . H, m^2$$

2 2

Сўнгга формула асосида топилган ҳажм кўрсаткичига $1 m^3$ сенажнинг ҳажм оғирлиги (m) кўпайтирилади. Чиккан ракам хандакка бостирилган сенажнинг оғирлигини билдиради.

Топширик: Сифатли сенаж тайёрлаш технологиясининг элементларини ўрганиш, сенажнинг сифат курсткичларини аниқлаш усуллари билиш. Сифатли сенаж белгиларини дафтарга қайд этиш. Янги келтирилган сенажнинг сифатини аниқлаш. Укитувчи томонидан тайёрланган масалаларни ечиш.

**ГОСТ 23637-79 бўйича I, II, III навларга
мансуб сенажнинг таснифи**

Кўрсаткичлар	Синфлари бўйича озиқларнинг таснифи		
	I	II	III
Ўиди	Хушбўй	Мева ўиди	Хушбўй, мева ўиди; асал, янги пишиб чиққан жавдар нон ўиди
Ранги	Кулранг яшил, себарга учун	Сарғиш яшил, оч жигарранг	Кулранг яшил, сарғиш яшил; себарга учун оч жигарранг, оқиш кўнгир
Қурук модда миқдори, % ҳисобида дуккакли ўт сенажида бошоқли ва дуккакли+бошоқли ўтлар сенажи	40-55 40-60	40-55 40-60	40-55 40-60
Сенажнинг қурук моддаси таркибида протеин %: дуккакли экин, дуккакли бошоқли сенаж қурук моддасида каротин мг/кг жами ёғ кислота, %	15 13 12 Бўлмаслиги керак	13 11 10 40 0, 1	11 9 8 30 0, 2

27-амалий машғулот. Пичаннинг сифатини аниқлаш

Ишнинг мақсади: Талабаларни чорва моллари учун ҳар хил озиқалардан тайёрланган пичан турларини ажрата билишга ва уларнинг сифатини баҳолашга ўргатиш.

Керакли жиҳозлар ва ўқув қуроллари: Дағал озиқалардан тайёрланган пичан намуналари, идиш, қайноқ сув, рангли расмлар, жадваллар, дарслик ва услубий қўлланмалар (1, 2, 3, 9).

Ишнинг мазмуни: Пичаннинг сифатига баҳо беришда унинг ранги, ҳиди, ўсимлик қайси ўсиш даврида ўрилганлиги, бузилганлик даражаси, намлиги ва унинг ботаник таркиби эътиборга олинади ҳамда ҳар бир белгиси бўйича баҳо берилади.

Ранги. Табиий ўтлоқлардан ўриб қуритилган пичан яшил, беда пичани ва сепиб етиштирилган бошоқли экинлар пичани сарғиш-яшил, оч-қўнғир рангли бўлиши керак. Агар улар ёмғирли кунларда ўрилган бўлса, унинг пичани қорамтир, тўқ жигарранг бўлади. Кўп йил сақланган пичан бўзранг тус олади.

Ҳиди. Яхши сифатли пичан хушбўй ҳидли бўлади. Юқори намликда сақланган пичандан моғор ҳиди келади. Ўсимлик қайси ўсиш босқичида, қандай об-ҳаво шароитида ўрилганлигига қараб пичаннинг ҳиди ўзгариши мумкин. Унинг ҳидини билиш қийин бўлганида 50-100 г пичан олинади ва идишга солиниб устидан қайноқ сув қуйилади. Идишнинг усти 2-3 дақиқа давомида беркитиб қўйилади. Сўнгра усти очилиб ҳидлаб кўрилади. Бунда ҳар қандай ҳидни аниқ сезиш мумкин.

Ўсимликни ўриш даври. Ўсимлик гунчалаш ва гуллаш даврларида озиқ моддаларга бой бўлади. Табиий ўсимликларни ёрак гуллаганда ўриш маъқул. Ана шу даврда ўриб қуритилган пичан юқори сифатли бўлади. Шунинг учун ҳам халқимизда «Кўк ўтни унга раҳминг келганда ўргил» деган нақл бор.

Маълумки, гуллаб турган ўсимликни ўзгинг келмайди. Аммо айнан шу даврда унинг тўйимлилиги юқори бўлади.

Бузилганлик даражаси. Қотган лой, кесак, қум, моғорлаган хашак аралашган ҳамда ҳаддан ташқари қизиқ кетиб ранги ўзгарган пичан сифатсиздир.

Намлиги. Стандартнинг талаби бўйича пичаннинг намлиги 17% дан ортиқ бўлмаслиги керак. Қиш фаслида намлик 20% ни ташкил этиши мумкин.

Ботаник таркиби. Стандарт бўйича пичаннинг ботаник таркибини аниқлаш учун 100-130 г пичан олиниб, таркибидаги ўсимликлар хили текшириб чиқилади. Бунда стандарт бўйича қабул

килинган фракциялар (ўсимлик турлари): бошоқли ўсимликлар, дуккакли экинлар, мол ейиши учун ярайдиган табиий ўтлар аралашмаси, кийёк ўтлар, мол ейишига ярамайдиган ўтлар, заҳарловчи моддалар сақлайдиган ўсимликлар аниқланиши лозим.

Пичан ботаник таркибига кўра асосан 4 гуруҳга бўлинади: сепиб етиштирилган дуккакли (экма дуккакли экинлар пичани), сепиб етиштирилган донли, сепиб етиштирилган дуккакли ва бошоқли, табиий ўтлоқлардан ўриб қурилган ўсимликлардан тайёрланган пичан. Ҳар гуруҳга киритилган ўсимликлардан тайёрланган пичан. Ҳар гуруҳга киритилган пичан ташқи кўриниши, ранги, ҳиди жиҳатдан шу хилга мансуб бўлиши лозим. Шунингдек, моғорлаган, кизиб кетиб рангини йўқотган, чириган бўлмаслиги керак.

Топшириқ: Сифатли пичан тайёрлаш технологиясининг элементларини ўрганиш, пичаннинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш усулларини билиш. Сифатли пичан белгиларини дафтарга қайд этиш. Янги келтирилган пичаннинг сифатини аниқлаш.

Ќишлоқ хўжалик экинлари етиштириш технологик харитасининг намунавий шакли

[illegible]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдукаримов Д.Т., Горелов Е.П., Халилов Н.» Деҳқончилик асослари ва ем-хашак етиштириши». Т., Меҳнат, 1987.
2. Абдукаримов Д.Т., Горелов Е.П. «Озуқа етиштириши». С., 1995.
3. Тен А.Г., «Кормопроизводство». М. Колос, 1982.
4. Вавилов П.П. «Растениеводство», М. Колос, 1986.
5. Вваилов П.П. «Практикум по растениеводству». М., Колос, 1983.
6. Халилов Н.Х., Орипов Р.О., «Ўсимликишунослик». С., 2005.
7. Халилов Н.Х. ва бошқалар. «Агрономия асослари ва ем-хашак етиштириши фанидан амалий машғулотлар учун услубий тавсиялар», С., 1989.
8. Горелов Е.П., Ботиров Х., Халилов Н., «Ўсимликишунослик ва ем-хашак етиштириши (маълумотнома). Т., Меҳнат, 1991.
9. Отабаева Х.Н. ва бошқалар. «Ем-хашак етиштириши (амалий машғулотлар)». Т., Меҳнат, 1997.
10. Тюлдюков В.А. «Практикум по луговому кормопроизводству». М. Агропромиздат. 1986.
11. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри. Т., 2005.

Мундарижа

1-амалий машғулот. Ўзбекистон тупроқлари ҳақида умумий маълумотлар	3
2-амалий машғулот. Бегона ўтлар, уларнинг гуруҳланиши, зарари ва қарши кураш чора – тадбирлари. Далаларни бегона ўтлар билан ифлосланишини ҳисоблаш усуллари	7
3-амалий машғулот. Кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ўғитлар ҳақида тушунча	12
4-амалий машғулот. Донли экинларнинг умумий тавсифи.	16
5-амалий машғулот. Донли – ем – хашак экинлари.....	18
6-амалий машғулот мавзуси: Бугдой	22
7-амалий машғулот. Арпа	24
8-амалий машғулот. Жавдар.....	28
9-амалий машғулот. Сули.....	31
10-амалий машғулот. Тритикале.....	34
11-амалий машғулот. Маккажўхори.....	38
12-амалий машғулот. Оқжўхори.....	46
13-амалий машғулот Дон экинлар ҳосилини чамалаш, Озиқа бирлигини ҳисоблаш.....	51
14-амалий машғулот. Дуккакли дон экинлари.....	53
15-амалий машғулот. Дуккакли ем-хашак ўтлари.....	62
16-амалий машғулот. Кўнғирбошли ем-хашак ўтлари.....	65
17-амалий машғулот. Илдизмевали ем-хашак экинлари.	71
18-амалий машғулот. Туганакмевали ем-хашак экинлари.....	75
19-амалий машғулот. Полиз экинлари.....	79
20-амалий машғулот. Яйлов ва пичанзор ўсимликлар.....	82
21-амалий машғулот. Дағалпояли ўсимликлар.....	86
22-амалий машғулот. Бута ва чала буталар.....	88
23-амалий машғулот. Зарарли ва заҳарли ўсимликлар	92
24-амалий машғулот. Силоснинг етилиши ва унинг сифатини аниқлаш.....	96
25-амалий машғулот. Силосланган массани ҳисоблаш.....	99
26-амалий машғулот. Сенажнинг сифатига баҳо бериш.....	101
27-амалий машғулот. Пичаннинг сифатини аниқлаш.....	105

